

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

# **“ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2016**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТДИУ доценти и.ф.н. Д. Файзуллаева,  
ТДИУ доценти и.ф.н. Н. Лутфуллаева

**Такризчи):** ХижуЗу (Qiju Zhu), Хитой.

*Ўқув-услугий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_-сонли қарори билан нашрга  
тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

<b>I. Ишчи дастур .....</b>	<b>3</b>
<b>II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.....</b>	<b>8</b>
<b>III. Назарий материаллар .....</b>	<b>12</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари .....</b>	<b>121</b>
<b>V. Кейслар банки .....</b>	<b>139</b>
<b>VI. Мустақил таълим мавзулари .....</b>	<b>142</b>
<b>VII. Глоссарий.....</b>	<b>144</b>
<b>VIII. Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>151</b>
<b>IX. Иловалар.....</b>	<b>152</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## КИРИШ

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Ишчи дастур мазмунида хорижий тажрибалар ва глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм – фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари, илмий – тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланиш масалалари ўз аксини топган.

Шу билан бирга иқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасалари профессор – ўқитувчиларнинг мунтазам касбий ўсишда интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларни ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндошувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллаш олишлари, ахборот технологияларидан таълим – тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим

технологиялари” **модулининг вазифалари:**

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;

- тингловчиларда модулли-кредит тизими, case study (кейс стади)лардан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

- тингловчиларда замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий таълим технологияларини лойиҳалаш ва режалаштиришга доир лаёқатларини ривожлантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар;

- замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар;

- замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий таълим технологияларини қўллашнинг педагогик-психологик ва методик шарт-шароитлари ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- модуль блокларини тайёрлаш;

- ахборотли модуль мазмунини танлаш;

- Кейс дастурий харитасини тузиш;

- Кейс-технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Кейс-технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш;

- Модулли ва Кейс-стади таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;

- Модулли ва Кейс-стади таълим технологияларига асосланган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

- таълим олувчиларнинг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш;

- интерфаол таълим технологияларини олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш **кўникмаларини** эгаллаши лозим.

#### **Тингловчи:**

- замонавий ва инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;

- инновацион фаолиятни ташкил этиш;

- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;

- инновацион таълим технологияларининг оқилона танлаб олиш;
- мутахассислик билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- замонавий ва инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини** эгаллаши зарур.

#### **Тингловчи:**

- инноватор, тьютор, модератор ва фасилитаторлик фаолиятини самарали амалга ошириш;
  - замонавий ва инновацион таълим муҳитини бошқариш;
  - замонавий ва инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
  - талабаларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш
- компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида ақлий хужум, кутиш йўлдоши, концептуал жадвал, ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларини;
- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, пинборд, ақлий хужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал, Т-жавдал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулининг “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” субмодуллари ҳамда “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Махсус фанлар” ўқув модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий ва инновацион ҳорижий таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			
			Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот		
1.	Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар: Модулли-кредит тизими.	6	6	2	4	
2.	Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: Кейс-стади.	8	6	2	4	2
	<b>Жами:</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>2</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ

### 1- мавзу: Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар: Модулли-кредит тизими.

Хорижий мамлакатлар таълим тизими. Замонавий ёндашувлар. Модулли таълим моҳияти. Модуллитаълим тамойиллари. Модулблоклари. Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ.Замонавий таълимда тьюторлик, супервайзорлик в амодераторлик фаолияти.

### 2-мавзу: Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: Кейс-стади.

Кейс-стадини таълим жараёнига кенг татбиқ қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари. Кейс-стади: масала тарихи. Кейс-стадини таълим жараёнига кенг татбиқ қилишнинг долзарблигини белгиловчи омиллар. Кейс-стадининг умумий тавсифномаси. Асосий категориялар ва тушунчалар. Кейс-стадининг моҳиятли белгилари ва дидактик ўзига хос хусусиятлари. Кейс-стадининг таълимдаги функциялари. Кейслар типологияси. Кейсларни ишлаб чиқишнинг процессуал тизими. Таълимнинг кейс-технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Таълимнинг кейс-технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1- амалий машғулот: Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар: Модулли-кредит тизими.

Ривожланган мамлакатлар таълим тизими. Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари. Ўқув модул элементлари. Модулнинг матний мазмуни. Модул мақсадлари. Ўқув мазмуни. Ўқув ахборотлари.

### 2- амалий машғулот: Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: Кейс-стади.

Кейс дастурий харитасини қурилиши. Институционал тизимнинг изланиши/танланиши. Ахборотларни йиғиш усуллари ва воситаларининг танланиши. Ахборотларни йиғиш. Вазият моделининг қурилиши. Кейс матнининг ёзилиши. Кейснинг педагогик паспорти. Таълимнинг кейс-технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Таълимнинг кейс-технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материални ўзлаштиришда қуйидаги:

→ *ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шакллари*дан: бинар-маъруза, провакацион-маъруза, савол-жавобли маъруза, суҳбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ *ўқу вфаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:*

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидуал;
- амалий машғулотларда гуруҳли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

№	Баҳолаш турлари	Энг юқори балл	Изоҳ
1.	Модулли ўқув ахбороти ишланмаси	1,0 балл	Таълим олувчилар модулли ўқув ахборотини ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг мақсад ва натижаларини, модул мазмунини аниқ танланганлиги Модулли ўқув ахборот: график, расм кўринишда етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши

2.	Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши	1,5 балл	Вазият моделини яратилиши
			Кейс матни баён этилиши
			Кейснинг педагогик паспортининг тузилиши
	Жами:	2,5 балл	

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

*1-маъруза машғулотида* куйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → “Ўқув жараёнини самарадорлиги ва сифатини оширишда қандай ишларни амалга ошириш муҳим деб ҳисоблайсиз?”

2) Тингловчиларнинг илғор хорижий таълим тизимига оид қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → илғор хорижий таълим тизими бўйича билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

### “Б /Б /Б”

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим

3) Тингловчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

### “Тушунчалар”- таҳлили

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Қўшимча маълумот
Модулли таълим		
Модул блоклари		
Модулли-кредит таълими		
ECTS кредитлари		

Амалий машғулотда куйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар бўйича билим ва кўникмаларини

ривожлантириш мақсадида “SWOT – таҳлил” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш ғоясини таҳлил қилиш.

### “SWOT - таҳлил” жадвали

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг анъанавий ва замонавий таълим бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида “**Концептуал жадвал**” методидан фойдаланилади.

### Концептуалжадвал

<i>Аспект таҳлили</i>	Анъанавий таълим	Модулли таълим
Машғулот мақсади		
Машғулот мазмуни		
Ўқишнинг харакатланувчи кучлари		
Машғулотда ишлаш методлари		
Ўқитувчи вазифаси		

**2-маъруза машғулотида** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → “Талабаларнинг ўзлаштирувчилик, алгоритмли, қисман изланувчилик ва тадқиқотчилик фаолиятларини қандай ўқитиш методлари таъминлайди?”

Ўзлаштирувчилик фаолиятини таъминловчи ўқитиш методлари	Алгоритмли фаолиятини таъминловчи ўқитиш методлари	Қисман изланувчилик фаолиятини таъминловчи ўқитиш методлари	Тадқиқотчилик фаолиятини таъминловчи ўқитиш методлари

2) Тингловчиларнинг Кейс-стади таълим технологиясига оид қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “**Б /Б /Б**” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Кейс-стади таълим технологиясига бўйича билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган

маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиш.

**“Б /Б /Б”**

<b>Биламан</b>	<b>Билишни иштайман</b>	<b>Билиб олдим</b>

3) Тингловчиларнинг Кейс-стади таълим технологиясига оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида **“Тушунчалар таҳлили”** методидан фойдаланилади.

**“Тушунчалар”- таҳлили**

<b>Тушунчалар</b>	<b>Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?</b>	<b>Қўшимча маълумот</b>
Кейс		
Кейс-стади		
Кейснинг педагогик паспорти		
Кейснинг педагогик аннотацияси		
Кейснинг дастурий картаси		

*Амалий машғулотда* қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг Кейс-стади таълим технологияси бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида **“SWOT – таҳлил”** методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим ва инновацион технологиялар сирасига кирувчи Кейс-стади таълим технологиясидан фойдаланиш ғоясини таҳлил қилиш.

**“SWOT - таҳлил” жадвали**

<b>S</b> (кучли томони)	<b>W</b> (кучсиз томони)
<b>O</b> (имкониятлар)	<b>T</b> (таҳдидлар)

2) Тингловчиларнинг анъанавий ва замонавий таълим бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида **“Концептуал жадвал”** методидан фойдаланилади.

### Концептуалжадвал

<i>Аспект таҳлили</i>	Анъанавий таълим	Кейс-стади таълим технологияси
Машғулот мақсади		
Машғулот мазмуни		
Ўқишнинг ҳаракатланувчи кучлари		
Машғулотда ишлаш методлари		
Ўқитувчи вазифаси		

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Ривожланган мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар: модулли-кредит тизими.

---

##### Режа:

- 1.1. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари.
- 1.2. Модулли таълим моҳияти.
- 1.3. Модулли-кредит тизими моҳияти.
- 1.4. Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар.

 **Таянч иборалар:** *Замонавий таълим, илгор тажрибалар, модул, модулли ўқув ахборотлар, модул блоklar, модулли-кредит, ECTS кредитлари ECTS ўқув режалари, Болонья декларацияси, талабанинг меҳнат сарфи, кредитлар миқдори, transferancy, agreement, Credits-hots, Credits-Post, transcript, syllabus, ахборот пакети, ўтиш коэффициенти, blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик метод, модератор, тьютор, эдвайзер, фасилитатор.*

#### 1.1. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари.

##### 1.1.1. Япония таълими тизими.

---

Хотира – таълимнинг таянч компоненти ҳисобланади, чунки маълум бир хотирасиз таълим бўлмайди. Фан тадқиқотида олиб бориладиган катта йўналиш талабаларни билим ва тушуниш жараёнларини тадқиқ қилишга уринади, лекин таълим олувчининг хотираси жиҳатларини ўрганади. Бироқ, “хотира” – аклий ривожланиш регистрининг рўйхатида туради (2 Боб), ва унинг асосий фаолияти ҳар кунлик коммуникацион тармоқларда ишлатилади ва меъёрдаги ривожланишида кўришимиз мумкин (Боб 2). Шундай қилиб, ҳар кунги тажриба одам тасаввурини қўллаб қувватлаяпти, мен нимани эсимда бор ва нимани сақлашим керак, бу хотиралар бирор жойда ва ҳар кунлик суҳбатда, мен фараз қиламан бошқа одамларда ўхшаш субъектив воқеалар бор<sup>1</sup>.

Япония – жуда тез ривожланаётган давлат бўлиб, бу ҳол асосан японларнинг табиатан меҳнатсеварлик ва ишбилармонлиги билан боғлиқдир. Дунёдаги барча янгиликлар ва юксалишлар сари интилиш, энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш – бу япон халқининг азалий миллий одатларига айланиб қолган<sup>2</sup>. Бугунги кунда Япония дунёдаги барча давлатлар

---

<sup>1</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p. 79.

<sup>2</sup> Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology.  
<http://www.mext.go.jp/2008>. p. 4

учун очик ва халқаро ҳамкорлик майдонида фаол иштирок этиб келмоқда. Японияда жуда қадимдан халқнинг ақлий имкониятларидан фойдаланувчи фан ва техникани қўллаш сиёсати энг муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда Япония илмий тадқиқотларга кетган сармоя миқдори бўйича дунёда 2-ўринда туради<sup>3</sup>.

Япония таълимнинг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига 2 вазифани: 1-бойиш, 2-ғарб технологияларини Японияишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўйди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклигини англади<sup>4</sup>.

### **Мактабгача таълим**

Мактабгача таълимга Японияда катта эътибор берилади, чунки психологларнинг таъкидлашича 7 ёшгача инсон билимларни 70%ни, қолган 30%ни бутун қолган умри давомида ўзлаштирар экан. Мактабгача тарбия одатда оиладан бошланади. Япон аёллари учун оналик биринчи ўринда туради. Кўпгина япон аёлларининг айтишларича, бола тарбияси – уларнинг ҳаётларининг мақсадларидир.

Японлар боланинг эрта вояга етиши тарафдоридирлар. Турли ёшларда тарбиянинг турли муаммоларига урғу беради. Масалан, 1 ёшда – ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш. 2 ёшда – амалий санъат қўл меҳнатини кўрсатиш. 3 ёшда – бурч ҳиссини тарбиялаш. 4 ёшда – яхшилик ва ёвузликни фарқлашга ўргатиш. 5 ёшда – лидерлик ҳислатларини тарбиялаш, мустақилликка, режа тузиш ва уларни бажаришга ўргатиш.

Болалар ва қизлар турлича тарбияланадилар. Ўғилга оиланинг бўлажак таянчи сифатида қарайдилар ва қийинчиликларни енгишга ўргатадилар. Қизларни эса уй ишларига тайёрлайдилар.

Япония боғчаларида болаларни 8 кишилик кичик гуруҳлар – “хан”ларга бўлади. Бу болаларга боғчада “ўз иш ўрни” ажратилади, улар ўз ханларига ном танлайдилар. Шу тариқа энг кичик ёшдан жамоада ишлашни ўргатадилар. Бу гуруҳдагилар бир ўқувчи гуруҳда ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Бундай ханлар кейинги таълим бочқичида ҳам қўлланилади. Ўрта мактабда ханлар доимий эмас, улар янги шароитларга тезроқ кўникиш учун ҳар 5 ойда ўзгартириб турилади. Япония боғчаларига 3-5 ёшдаги болалар қабул қилинади. Болалар боғчаларининг мақсади, болаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик ва ички тартиб кўникмаларини тарбиялаш, жамият ҳодисаларига тўғри муносабатда бўла олишни ўргатишдан иборат. Шунингдек, оғзаки нутқ, сўзларни тўғри қўллашни ўргатишга ҳам катта эътибор берилади. Эртақлар, китоблар, мусиқа, спорт ўйинлари, рассомлик каби шахснинг ижодий хусусиятларига қизиқиш уйғотилади. Ҳозирги кунда мактабгача тарбия муассасаларига 60% болалар жалб этилган. Бошланғич

<sup>3</sup> Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp>. 2008. p. 4-6.

<sup>4</sup> Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp/2008>. p. 8

таълимга эрта қабул қилишга ўтиш мақсадида 4-5 ёшдаги болаларнинг барчасини болалар боғчасига жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Болалар боғчаси Японияда ватан фуқаросини шакллантириш тизимининг 1-босқичи ҳисобланади. Мустақил фаолият, жамоавий онг, ижтимоий масъулият кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Болалар боғчасининг асосий вазифаси – болани мактабга тайёрлашдир. Бу ерда расм, мусиқа, ритмика, жисмоний тарбия бўйича машғулотлар ўтилади. Индивидуаллик, у қанчалик яхши бўлмасин, ўқувчиларни ўзига жалб қилмайди, болалар жамоаси томонидан қабул қилинмайди<sup>5</sup>.

### **Бошланғич таълим**

Бошланғич мактаб таълимнинг илк 6 йилини қамраб олади ва унинг асосий қисми ҳисобланади. Японияда мактабга 6 ёшдан борилади. Бошланғич мактабга 6 ёшдаги япон болаларнинг 99% қатнайди. 99% япон бошланғич мактаблари давлат тасарруфида, 1% - хусусий. Ўқув режасига япон тили, гуманитар фанлар, арифметика кабилар киради. Санъат ва ҳунар (япон хусни хати), мусиқа, уй хўжалигини юритиш, жисмоний тарбия, ахлоқий одобнома, академик предметлар ҳисобланмайди. Японияда бошланғич таълим мажбурий ва бепул бўлиб, машғулотлар апрель ойида бошланади. Ўқув йили 3та чорак – триместрга бўлинади. 1-чорак – 6 апрелдан – 20 июлгача давом этади, кейин ёзги таътил бошланади. 1-сентябрдан 2-триместр бошланади ва 26 декабргача давом этади. 26-декабрдан 7-январгача қишли таътил бўлади. Охирги 3-триместр 7-январдан 25-мартгача давом этади. 25-мартдан 6-апрелгача баҳорги таътил бўлади. Шу пайтда ўқувчилар синфдан синфга кўчади. Чорак-триместрларнинг бошланиши ва тугалланиши турли мактабларда турли саналарга тўғри келиши мумкин. Таътил пайтида ўқувчилар уй вазифаларини оладилар. Баъзан таътил пайтида ҳам, агар триместрда яхши ўқимаган бўлса, махсус курсларда ўқийдилар. Японияда ўқиш 6 кунлик, лекин ҳар 2-шанба дам олиш куни ҳисобланади. Мактабларда ўқитиш дастури ўзгарувчан, лекин Таълим вазирлиги тасдиқлаган стандартларга асосланади. Бошланғич таълимни молиялаштириш, ўқитувчилар билан таъминлаш, мактаб дастурларини яратиш маҳаллий ҳокимият зиммасида. Бошланғич таълимда болалар давлат ҳисобидаги 1945 канджи иероглифдан 1006тасини ёд олиши керак. Бошланғич таълим “сёгакко” қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

-ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ватанига, ўз кадриятларига ҳурмат ҳиссини ўргатиш;

-ўқувчиларни халқаро ҳамкорлик руҳида тарбиялаш;

-она тилидан тўғри фойдаланиш;

-иқтисодий тарбия бериш;

-баркамол шахсни тарбиялаш.

Ўқув мақсадларига аниқ ўқув фанлари бўйича ўқув режалари ва дастурларни тайёрлаш орқали эришилади. Бошланғич мактабда япон тили жамиятшунослик, табиийёт, мусиқа, расм ва ҳунар, уй ижодиёти, этика каби

<sup>5</sup> Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp> p.10.

фанлар ўқитилади, жисмоний тарбия билан шуғулланадилар. Шунингдек “махсус фаолият” фани ҳам ўқитилади, унга клуб ишлари, мажлислар, спорт тадбирлари, саёхатлар, байрамлар ва б. киради. Кам таъминланган оилаларнинг болалари мактаб нонушталари, турли хизмат ва саёхатларга пул тўлаш учун дотация оладилар. Ота-оналар фарзандларини ўз туманларида жойлашган мактабга боришини истамасалар, хусусий пуллик таълим муассасасига беришлари мумкин, лекин бу мактабларга жуда қийин танлов орқали қабул қилинади.

**Японияда ўрта ва катта мактаб тизими. Кичик ўрта мактаб – тюгакко.**

Бошланғич мактабни тугатган ўқувчи ўқишни кичик ўрта мактабда давом эттириши лозим. Япон тили, математика, жамиятшунослик, этика, табиийёт, мусика, санъат, махсус фаолият, жисмоний тарбия, техник маҳорат ва уй хўжалигини юритиш каби мажбурий фанлардан ташқари ўқувчилар чет тили, қишлоқ хўжалиги ёки математикадан чуқурлаштирилган курс каби фанларни танлашлари мумкин.

Кичик ўрта мактаб 3та синф 7,8,9-синфларни ўз ичига олади ва мажбурий таълимнинг охириги босқичи бўлиб ҳисобланади. Ўқувчилар ёши 12дан 15 ёшгача бўлади. Худди бошланғич мактабдагидай, ўрта мактабнинг асосий қисми давлат тасарруфида, 5%-хусусий. 2001 йил апрелдан бошлаб инглиз тили мажбурий фан бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик ўқувчилар битта ёки бир неча мактаб тўғарақлари, қизиқишлари бўйича клубларга қатнашадилар. Бу дарсдан кейин соат 18:00гача иш кунлари, дам олиш кунлари эрталабки вақтни эгаллайди.

Кичик ўрта мактабда ўтиладиган фанлар қаторига инглиз тили, бир неча танлов фанлар киради. Бу фанларнинг таркиби мактабларга боғлиқ. Энг қийин фанлар математика ва япон тили ҳисобланади.

Японликлар фарзандларининг энг яхши, юқори таълим олишини жуда хоҳлайдилар. Таълимга бундай катта эътибор “дзюку” мактабларининг яратилишига асос бўлди. “Дзюку” – нуфузли ўқув муассасаларига тайёрловчи махсус кечки мактаблардир. Бундай мактабларнинг аналоги XVIII асрда япон черковида пайдо бўлган, ҳозирги кунда дзюкулар сони 100 мингдан ошиқ.

“Кичик дзюку”лар 5-6 ўқувчидан иборат бўлиб, ўқитувчининг уйида шуғулланади. “Катта дзюку”лар 5 минггача ўқувчиларни йиғади. Ўқиш бу мактабларда соат 16:50дан 20:50гача давом этади, дарслар душанбадан жумагача бўлади, ҳафталик назоратни одатда якшанба эрталабгача белгилашади.

**Катта (ўрта) мактаб – котогакко**

Катта (ўрта) мактаб мажбурий эмаслигига қарамай, унда 94% ўқувчилар тахсил оладилар (2005 йилги маълумот). Катта ўрта мактаб сони 55%ни ташкил этади, шунга қарамай давлат ва хусусий катта мактаблар пуллик. Катта ўрта мактабнинг 1-йил учун дастури ҳаммага бир хил, лекин кейинги 2 йил ичида олий таълим олиш мақсадига кўра курсни танлаш назарда тутилмоқда.

Катта мактаб дастурлари ўрта мактаб ва бошланғич мактаб дастурларига кўра

хилма-хил, лекин ўқувчиларга билимнинг у ёки бу соҳасига ихтисосланиши бўйича имкониятлар яратилади<sup>6</sup>.

Катта мактабларда ўқиш пулли, лекин давлат муассасаларида арзонроқ. Пулли, хусусий ўрта ва бошланғич мактаблар ҳам бор. Барча пулли таълим муассасаларида стипендиялар конкурси ғолиби бўлса, текин ўқиш мумкин ёки чегирмалар олиш мумкин. Ўрта мактабдан катта мактабга ўтиш имтиҳонлар натижаларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ўрта мактабда ўзлаштириш кўрсаткичига кўра ўқувчи кириш имконияти бор бўлган катта мактаб рўйхатини олади.

Одатдаги давлат мактабларидан ташқари пулли хусусий мактаб-академиялар (гакуэнлар) бор. Шунингдек, умумдавлат мактаби мақомидаги “миллий мактаблар” мавжуд. Бу академияга кириш учун катта конкурс асосида алоҳида имтиҳонлар топширилади. Бир тарафдан академияда яхши таълим дастурлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги олий мактаб ёки университетга кириш учун имконият беради.

Япония ҳукумати ОЎЮлари битирувчиларини ўқитувчи лавозимига тайинлашда каттик танлов сиёсатини олиб боради.

Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, давлат мактаби ўқитувчиси бўлиш учун япон фуқароси ўқитувчи дипломини олиши керак ва ўқитувчиликка тайинлаш имтиҳонидан ўтиши керак. Японияда катта ўрта мактабларнинг кундузги (ўқиш-3йил), кечки ва сиртки (ўқиш 4 йил) турлари бор. Кечки ва сиртки мактабни битирганлик ҳақидаги гувоҳномаси худди кундузги катта мактабникидай бўлса ҳам, 95% ўқувчилар мактабнинг кундузги бўлимида таҳсил олишади. Катта мактабларга қабул қилиш кичик мактабни тугатганлик ва кириш имтиҳонлари натижалари бўйича конкурсдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат асосида амалга оширилади.

Катта ўрта мактабда япон тили, математика, табиийёт, жамиятшунослик ва б. мажбурий умумтаълим фанларига қўшимча ҳолда ўқувчилар танлов бўйича фанларни таклиф қиладилар, бу инглиз тили, ёки бошқа чет тиллар, шунингдек, техник ва махсус фанлар бўлиши мумкин. 12-синфда ўқувчилар ўзи учун таълим профилларидан бирини танлаши керак.

Таълим, фан ва маданият вазирлиги кўрсатмасига кўра, катта ўрта мактабда билимларни баҳолашда ОЎЮ тизимидан фойдаланилади. Бу ҳар бир ўқувчи 12 йиллик ўрта таълимни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома олиши учун 80 кредит (зачёт бирлиги)ни йиғиши лозим деганидир. Масалан, япон тили ва замонавий япон адабиётини ҳар бир курсини ўрганиш натижалари бўйича 4та кредит берилади, япон тили лексикологияси бўйича 2 кредит, классик тил бўйича – 2 кредит.

### **Японияда касб-ҳунар таълими**

Японияда катта ўрта мактабда ўқишни ҳоҳламаганлар 5 йиллик “техник коллеж”лар – касбий техника билим юртларига киришлари мумкин. Лекин бу ўқишларга кириш шунчалик

<sup>6</sup>Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp/> p. 12.

оддий эмас, энг яхшиларидан жуда катта конкурс асосида қабул қилинади, чунки Японияда юқори малакали ишчилар жуда ҳам зарур.

Университет ўрнига 2 йиллик коллежга кириш мумкин, унда махсус таълим берилади. Бу коллежларда япон қизларининг 90% ўқийдилар ва аёллар касбини эгаллайдилар: тиббиёт ҳамшираси, болалар боғчаси тарбиячиси, бошланғич синф ўқитувчиси, юқори малакали уй хонимлари, актриса (сэйю).

Япония коллежлари ўз мақоми бўйича бизнинг ўрта махсус таълим муассасалари билан тенг. Улар кичик, технологик, ва махсус тайёргарлик коллежларига бўлинади.

Кичик коллежлар гуманитар, табиий, тиббиёт ва техник фанлар соҳасида тайёргарликнинг икки йиллик дастурини тавсия қилади. Бу коллеж битирувчилари университетнинг 2 ёки 3-курсида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Кичик коллежларга қабул тўлиқ ўрта мактаб базасида амалга оширилади. Талабгорлар кириш имтиҳонлари ва ундан камроқ “Биринчи босқич ютуқлари тести”ни топширадилар.

Кичик коллежларнинг 90% хусусий ва ёшлар орасида жуда оммалашган. Бу ерга ўқишга киришни хоҳловчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. 60% коллежлар аёллар учун мўлжалланган. Унда уй оила молияси, адабиёт, тиллар, таълим, соғлиқни сақлаш каби фанлар ўқитилади.

Японияда технологик коллежларга тўлиқ эмас ёки тўлиқ ўрта таълимни тугатгач, кириш мумкин. Биринчи ҳолатда ўқиш муддати 5 йил, иккинчисида – 2 йил.

Бу типдаги коллежларда электроника, қурилиш, машина қурилиши ва бошқа фанлар ўқитилади. Махсус тайёргарлик коллежлари бухгалтер, машинист, дизайнер, дастурчи, автомеханик, тикувчи, ошпаз ва б. каби 1 йиллик касбий курсни тавсия этади. Бундай ўқув муассасаларнинг сони 3,5 минг. Битирувчилар ОўЮода, кичик ва техник коллежларда ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Нотўлиқ ва тўлиқ ўрта мактаб битирувчиларини маълум касбга тайёрлаш учун 2 типдан иборат мактаб тизими яратилган бўлиб, булар мажбурий таълим базасидаги 1-4 йиллик махсус тайёргарлик мактаблари, ҳамда бир неча ойдан 1-3 йилгача давом этадиган кўп тармоқли мактаблардир.

1978 йил жорий қилинган ва охириги йилларда унинг сезиларли даражада ошган махсус тайёргарлик ва кўп тармоқли мактаблар Япония узлуксиз таълим тизимида муҳим ўрин тутди. Бу мактаблар ўқувчиларга касбий-техник ва умумтаълим йўналиш курсларини таклиф этади. Ўрта касбий таълим 2-3 йиллик кичик коллежлар ва 5 йиллик техник коллежларда олинади. Кичик коллежлар “танки-дайгаку” деб аталади ва бутун Япония таълим тизимининг жуда кўп қисмини ташкил этади.

Кўпчилик миллий кичик коллежлар миллий университетлар қошида ташкил этилган. Кичик коллежларнинг ярми ўрта тиббий ходимларни, чораги юрист ва иқтисодчиларни, қолганлари- техник мутахассисларни тайёрлайди. Муниципал кичик коллежлар жамиятнинг ижтимоий талабларига кўра таълимий ва тадқиқот фаолиятини олиб боради.

Японияда давлат университетларига тўлиқ ўрта мактабни битириб кириш

мумкин. Қабул 2 босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда абитуриентлар марказлашган ҳолда университетларга қабул бўйича Миллий марказларда ўтказиладиган “Ютуқлар биринчи босқичининг умумий тести”ни топширадилар. Тестни муваффақиятли топширганлар университетда ўтказиладиган кириш имтиҳонларига киритиладилар. Тестдан юқори балл олганлар давлатнинг энг нуфузли университетларига кириш учун имтиҳон топширадилар.

Шуни айтиш жоизки, хусусий университетлар кириш имтиҳонларини мустақил ўтказадилар. Энг яхши хусусий университетлар ўзининг тузилмасида бошланғич, кичик ўрта ва катта ўрта мактаб, ҳатто болалар боғчасига ҳам эга. Агар абитуриент мазкур университетда боғчадан катта ўрта мактабгача яхши ўқиса, университетга имтиҳонсиз қабул қилинади. 2005 йил 2,8 млн. Япония талабалари 726 университетларда таҳсил олишди. Олий таълим бакалавр даражасини олиш учун 4 йиллик ўқиш белгиланган. Баъзан маълумкасбий даражани эгаллаш учун 6 йиллик дастур тавсия қилинади. 2 типдаги университетлар мавжуд: миллий университетлар давлат университетлари.

Японияда кучли 20таликка кирган энг зўр Осиё университетлари: Токио университети, Осако университети, Киото университети, Тохоку университети, Нагоя университети, Токио технология институти, Кюсю университети, Цукуба университетларидир.

Университет танлашда биринчи мезон – унинг нуфузлилигида. Бундай нуфузли ОЎЮ битирган ёш йигит-қизлар дарҳол ишга олинади.

Япония университетларида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, умумиллий ва махсус фанлар аниқ бўлиб ўқитилади. Биринчи икки йилликда барча талабалар умумтаълим тайёргарлигини оладилар. Бунда умумиллий фанлар: тарих, фалсафа, адабиёт, жамиятшунослик, чет тиллари ўтилади, шунингдек, бўлажак касби бўйича махсус курсларни эшитадилар. Илк икки йилликда талабалар танлаган касблари моҳиятига чуқурроқ кириш имкониятига эга бўладилар, ўқитувчилар эса – талабанинг касбларининг тўғри танлаганликларига ишонч ҳосил қиладилар ва илмий салоҳиятини аниқлашга эришадилар.

Назарий жиҳатдан умумиллий цикл тугагандан сўнг талаба мутахассислик ва ҳатто факультетни ўзгартириши мумкин. Аслида, бундай ҳолатлар кам учрайди ва битта факультет доирасида бўлиши мумкин, бунда ҳам ташаббускор талаба эмас, раҳбарият бўлади. Охириги 2 йилда танланган касб ўргатилади. Барча университетларда ўқиш муддати стандартлаштирилган. Олий таълимда таълимнинг асосий йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 4 йил ўқитилади. Тиббиёт ходимлари, стоматолог ва ветеринарлар 6 йил ўқишади. Асосий курсни тугатгач, бакалавр даражаси берилади: *gakushi*. Айрим мустасно ҳолатлардан ташқари битта университетдан иккинчисига ўтиш амалда йўқ. Лекин баъзи университетлар чет эллик талабаларни 2 ёки 3-курсга қабул қиладилар, шунда талабаларни ўтказиш бўйича махсус имтиҳонлар ўтказилади

(transfer examination)<sup>7</sup>.

Олий ўқув юртининг тадқиқот ишларига лаёқати бор талабалари ўқишни магистратурада давом эттиради.

Кўплаб университетлар ўқув жараёнини семестр тизими бўйича ташкил қилади. Университетда зачет бирликлари тизими ташкил қилинган. Унда аудитория ва лабораторияда семестр давомида ҳар ҳафта ичида сарфланадиган соатлар сонидан келиб чиқиб, ўқитилаётган курснинг ҳажми белгиланади. Бакалавр даражасини олиш учун 124дан 150 гача зачет бирликларини тўплаш лозим.

Магистрлик даражаси дастури чуқур илмий ва касбий ихтисослаштиришни назарда тутди. 30 зачет бирлигидан иборат бўлган дастур бўйича 2 йиллик таълим, битирув имтиҳонлари ва диссертация ҳимоясидан кейин магистратура битирувчисига магистр даражаси берилади.

3 йиллик докторлик дастурлари 50 зачет бирлиги, битирув имтиҳонлари ва индивидуал тадқиқот асосида ўтказилган диссертация ҳимоясидан иборат ўқув курсини ўз ичига олади. Талаба, магистр ва докторантлардан ташқарияпон олий ўқув юртларида, эркин тингловчилар, кўчма талабалар, тадқиқотчи-талабалар ва коллегиал тадқиқотчилар бор

Эркин тингловчилар асосий курсга ёки магистратурага бир ёки қатор курсларни ўрганиш учун қабул қилинадилар. Япония ёки чет эл олий ўқув юртларидан келган кўчма талабалар битта ёки қатор маърузаларда қатнашиш ёхуд магистратура ва докторантурадан илмий раҳбарликни олиш учун қабул қилинадилар. Тадқиқотчи талабалар (Kenkyu-sei) мазкур университет профессори раҳбарлиги остида маълум илмий мавзунини ўрганиш учун бир йиллик магистратурага киради, лекин академик даража берилмайди.

### **1.1.2. Германия давлати таълим тизими.**

Германия Федератив Республикаси 16та мустақил Федератив ерлар (вилоятлар)дан иборат бўлиб, ҳар бири шаклига кўра турлича бўлган таълим тизимига эга. Таълим муассасалари асосан давлат тасарруфида бўлиб, улар учун таълим дастурига тегишли бўлган давлат кўрсатмалари мавжуд.

Таълимни жорий қилиш ва бошқариш Федерал ерлар (ФЕ) ҳукуматининг компетенциясига киради, лекин марказ томонидан умумий раҳбарлик ҳам бор: таълим вазирлиги таълим сиёсати концепциясини ишлаб чиқади, ОўЮларини кенгайтиришга маблағ ажратади.

ГФР конституциясига кўра ҳар бир Федерал Ер ўз ҳудудидаги мактаб ва олий таълимни режалаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича ўзи жавоб беришга қарамай, барча Федерал Ерлар ва Федерал ҳукумат умумтаълим ва олий таълим муассасаларида ўқитиш курсларида бирликни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик қиладилар. Федерал органлар ва Федерал Ерларнинг таълим соҳаси бўйича сиёсати келишилган: таълимнинг давомийлиги,

<sup>7</sup>Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp/> p.10-12.

таътиллар, ўқув дастури, имтихонларни ўзаро тан олиш, аттестатлар, мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, дипломлар, унвонлар шулар жумласидандир<sup>8</sup>.

Ҳар бир Федерал Ерда таълим тизими ҳақида ўзининг қонуни мавжуд, лекин бунинг ҳаммаси умумий федерал қонун асосида ишлаб чиқилган. Ҳар бир Федерал Ер мактабга қатнаш вақти, ўқиш муддати ва дарсликларни белгилашда мустақилдир. Ўқув режалар ва таълим даражаси ҳар бир Федерал Ер учун турличадир. Ўқитиш дастурлари, дарсликлар вилоят ҳукумати босқичида тасдиқланади. Ҳар бир фан бўйича тегишли вазирлик томонидан тасдиқланган бир неча дарсликлар мавжуд бўлиб, ўқитувчи дарсликни ўзи танлаш ҳуқуқига эга. Шу тариқа таълимниг кўп вариантлилигига эришилади, фикрлар плюрализи таъминланади.

Федерал ҳукуматнинг ҳуқуқлари асосий қонунларни қабул қилишда, жумладан молиялаштириш масалаларида чегараланган. Таълимдаги харажатлар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- бирорта Федерал Ерлар давлат умумтаълим, касбий ўқув юртларида ўқиш учун пул олмайди;

- барча Федерал ерларда ўқувчиларни уйдан мактабга, мактабдан уйга ташувчи автобусларни ўз ҳисобидан беради;

- деярли барча ўқувчиларга дарслик ва ўқув қўлланмаларни қийматининг озгина қисмига берилади;

- маълум тоифадаги ўқувчилар ва талабаларга мавжуд федерал қонунларга кўра давлат моддий ёрдам кўрсатади.

Германияда хусусий мактабларга рухсат берилган, улар орасида диний мактаблар ҳам бор. Бу мактабларда тахминан 8% ўқувчилар таҳсил оладилар. Хусусий мактаблар ўқув дастурларини танлашда давлат мактабларига нисбатан эркин бўлганлиги боис турли педагогик муқобилларнинг апробацияси ўтказилиб турилади.

Секин аста дифференциялашган таълим тизими, яъни ҳар бир ўқувчига унинг қобилияти ва ўқишдаги турлича йўналишига кўра мослашувчан ёндашув киритилмоқда.

Умуман олганда Германия таълим тизими бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Элементар таълим: мактаб таълимининг 1-босқичига тегишли бўлиб, мактабгача муассасалар киради. Асосан булар болалар боғчалари, тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари бўлиб, бу ерларга болаларнинг қатнашиши 3 йил давомида ота-оналар хоҳишига кўра ихтиёрийдир.

2. Таълимнинг биринчи босқичи. (Primastufe) бошланғич мактаб, унга 6 ёшдан қатнай бошлайди. Ўқиш муддати 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6 йил. Бу босқичдаги таълимнинг мақсади – болаларга таълим Ининг иккинчи босқичидаги у ёкибу мактабда таълимни давом эттиришга имкон берувчи асосий билимларни беришдан иборат.

3. Таълимнинг иккинчи босқичи (Sekundastufe I) “йўналишли босқич” деб номланувчи босқичдир, унда болаларни уларнинг иқтидорига кўра ўқув

---

<sup>8</sup>Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de) Internet: <http://www.bmbf.de>.

муассасаларининг керакли турига йўналтиради: асосий мактаблар, реал мактаблар, гимназиялар, комплекс мактаблар. Ўқувчилар таълим ҳақидаги аттестатни реал ва асосий мактабларни битиргачгина олишади.

4. Таълим II нинг иккинчи босқичи (Sekundastufe II)га гимназиянинг юқори синфлари, шунингдек касбий таълим ва муассасаларда касбий таълим киради. Муассасаларда касбий таълим “дуал тизим” деб ҳам аталади, унда таълим ва ишлаб чиқаришда амалиёт 2 йил давомида олиб борилади, бу ўқишни тугатиш ўрта таълимни тугатиш билан тенг бўлиб, якунида фақат касбий соҳада ўқишни давом эттириш мумкин. Гимназияда 3 йил ўқиб, ўқувчилар умумий шаҳодатнома “етуклик аттестати” – абитур оладилар, бу уларга истаган олий ўқув юртига киришга имкон беради.

5. Таълимнинг учинчи босқичи олий маълумот ҳақида диплом берувчи олий ўқув юртлари ва малака ошириш ўқув муассасалари.

ГФР таълим тизими умумевропа таълим тизимига интеграциялашган: ўқув муассасаларининг барча турлари ЕИ (ЕС) дастурини амалга оширишга мўлжалланган, ЕИ давлатлари таълим стандартларини унификация (бир хиллаштириш) қилинади, дипломлар бу давлатларда кучга эга.

Германия узоқ даврлардан бери фан ва маданият маркази сифатида машҳурдир. Шиллер, Гёте, Шнегер, Гумбольдт, Кант, Гегель ва бошқалар каби буюк шоирлар, ёзувчилар, философлар ва жамоат арбоблари ҳаммага таниш. Германияда ўрта асрларда ташкил топган 1-университет мавжуд. Энг қадимий университет бу Гейдельберг университети бўлиб, 1386 йил ташкил топган. 1388 йил ташкил топган Кёльн университети қадимий университетлардан саналади. Бу ўқув муассасалари қадимий анъаналари ва классик таълими билан машҳурдир.

Ҳозирги кунда университетлар ва бошқа олий ўқув юртлари сони сезиларли даражада ортди, таълим тизими ҳам ўзгарди. Аввалгидай гуманитар таълим анъаналари муҳим ўринни эгаллайди, лекин техник таълим, назария билан амалиёт бирлиги, фанлараро таълим ҳам биринчи ўринга чиқмоқда. Олий ўқув юртлари фан ва техниканинг охириги ютуқлари – йўналишларни акс эттирувчи дастурларни киритмоқдалар. Шу мақсадда ўқув режалари қайта кўриб чиқилмоқда.

Германия Федератив Республикасининг “Таълим тўғрисидаги асосий қонунига” кўра ҳар бир фуқаро ўз шахсини эркин ривожлантириш, ўз иқтидори, мойиллиги ва қобилиятига қараб мактаб, ўқиш жойи ва касб танлаш ҳуқуқига эга. Таълим соҳасидаги бундай сиёсатнинг мақсади ҳар бир шахснинг қизиқиши ва талабларга жавоб берадиган малакали тайёргарликни олиш имконини беришида имкон қадар кўпроқ ёрдам беришдан иборатдир.

Германиянинг ҳар бир фуқароси бутун ҳаёти давомида умумий, олий ва касбий таълим олиш имкониятига эга. Чунки Германия юқори ривожланган саноат давлатларидан бири бўлиб, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Германия ҳукумати турли соҳаларда сифатли мутахассис кадрларни тайёрлашга манфаатдор. Шу боис немис таълим тизимининг ривожланишига катта миқдорда маблағ ажратилади. Германияда таълим ўз фуқаролари ва чет эл фуқаролари учун текин. Лекин немис таълим тизимида давлат тасарруфидаги

ва хусусий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, хусусий таълим тизимлари пулликдир<sup>9</sup>.

### **Мактабгача таълим**

Германия таълим тизимида муҳим босқич ҳисобланади. Мактабгача таълим болалар боғчаси (Kindergarten)да амалга оширилади. Болалар боғчасига 3-6 ёшдан мактаб ёшигача боришади. Ривожланишдан орқада қолган ёки ёши мос босқичга етмаган болалар мактабгача синфларда (нем. Vorklassen) ва мактаблар қошидаги болалар боғчасида (нем. Schulkindergarten) тахсил оладилар. Бу боғчалар алоҳида ФЕ қоидасига кўра ёки мактабгача секторга ёки бошланғич таълим секторига бўйсинади.

Мактабгача таълим мажбурий эмас, лекин кўпгина ФЕда ривожланишда орқада қолган болалар учун мажбурий ҳисобланади. Болалар боғчалари таълимнинг қуйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига кирмайди. Боғчаларни маблағ билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналари, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасида. Германияда 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг 80% боғчаларга қатнайдилар.

Болалар боғчаси олмонлар бошлаб берган ва кўпгина хорижий мамлакатлар томонида ўрганилиб, қабул қилинган муассасадир. У юқорида таъкидлаганимиздай, давлат тизимига эмас, балки ёш авлодни қўллаб-қувватлаш муассасалари тизимига киради. 1996 йилдан бошлаб болалар боғчасига қатнаш учун ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилди. Болалар боғчасига фарзандларни бериш ихтиёрий равишда амалга оширилади. Болалар боғчасига қатнаш учун ота-оналардан уларнинг даромадига қараб маълум миқдорда тўлов олинади.

Болалар боғчасида нутқ ўстириш, бола шахсини ривожлантириш, ижтимоий тарбия ва ўйин муҳим саналади. Ҳар йили 30-июн куни 6 ёшга тўлган болалар мактабга боришлари шарт. Биринчи дарсгача бўлган муддатда улар тайёрлов машғулотларига боришлари шарт бўлиб бу дарслар бошланғич мактабларда ўтказилади ва бир неча номга эга:

- “Vorbereitungssahr”, “Vorschule”, “Schulnachmittage”.

Бу дарсларнинг мақсади 5 ёшли болаларни 1-синфга тайёрлаш ва уларнинг келгусида мактабни танлашга таъсир қилувчи қобилиятларини максимал аниқлашдан иборат. Мактаб ёшига етган, лекин у ерга бора олмайдиган болалар учун махсус гуруҳлар ҳам мавжуд.

Мактабгача болалар боғчаси тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари мактаб таълимининг биринчи босқичига киради.

### **Мактаб таълими**

Германияда мажбурий мактаб таълими 6 йилдан 19 йилни ўз ичига олади, демак мактабда таълим умуман олганда 13 йилни ташкил этади. Бу муддат тугагач, имтиҳонларни муваффақиятли топшириб бўлиб, ўқувчи битирув гувоҳномасини олади ва олий

---

<sup>9</sup>Germany’s Vocational Education at a glance.. E-Mail: [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de) Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

ўқув юртига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда ҳар бир мактаб ўз Федерал Ери ҳокимиятига бўйсунди. Шу боис дастурлар, қоидалар ва ҳатто ўқитиш давомийлиги мамлакатнинг турли Федерал Ерида турлича.

Германияда мактаб таълим тизими икки босқичли тизим бўлиб, бошланғич мактаб (Primastufe) ва ўрта таълим муассасалари (Sekundastufe)дан иборат. Кундузги мактабга 9 йил, баъзи Федерал Ерларда 10 йил ўқиш мажбурий. Бу муддат тугагач, кундузги мактабнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттиришни истамаган 18 ёшгача бўлган ўқувчилар касбий таълим мактабларида ўқишлари шарт.

ГФРда Федерал Ерлар таълим тизимининг асосий таркибий қисмлари учун жавоб беради. Барча давлат мактабларида ўқиш бепул. Ўқувчиларга қисман бепул ўқув қўлланмалар ва дарсликлар берилади. Диний фанларни ўқитиш мажбурий эмас. Ўқувчи 14 ёшида бу фанни ўқиш ёки ўқимасликни ўзи танлайди. Мактабларда болалар ва қизлар аралаш ўқишади. Таълим спектри Федерал Ерларнинг молиявий ёрдамидан фойдаланувчи турли ташкилотларнинг хусусий мактаблари билан тўлдириб борилади.

Германияда мактаб таълими куйидаги мактаб типларига бўлинади:

1. Бошланғич мактаб (Grundschule)
2. Йўналиш мактаблари (Orientierungstufe)
3. Асосий мактаб (Hauptschule)
4. Реал мактаб (Realschule)
5. Гимназия
6. Умумий мактаб (Gesamtschule)
7. Махсус мактаб (Sonderschule)

Бошланғич мактаб-таълим тизимининг пойдевори ҳисобланади. Бу таълим босқичининг вазифаси – болаларга таълимни давом эттиришга имкон берувчи билимлар асосини беришдир.

Мактаб таълимининг биринчи босқичи бошланғич мактаб (Grundschule) бўлиб, унда ўқишга 6 ёшдан қабул қилинади ва ўқиш 4-6 йил давом этади. Одатда болалар бошланғич таълимда 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6 йил таълим оладилар.

Илк 4 (6) йилда ўқувчилар бирга шуғулланидилар, 4-6-синфларда ўқувчи қаерда таълимни давом эттириши ҳал бўлади: тўлиқ халқ мактаби, реал мактаблар ёки гимназиялар. Бу ота-онанинг моддий ўзига тўқлигига эмас, ўқувчининг хоҳиши ва иқтидорига боғлиқ.

Бошланғич мактабдан сўнг ўқувчилар йўналиш босқичидаги мактабларга ўтадилар.

<b>Германияда ўрта мактаб типлари: асосий, реал, аралаш мактаблар ва гимназиялар</b>	Немис ўқувчилари бошланғич мактабни битирганларидан сўнг умумтаълим мактабининг 2-поғонасига борадилар. 5 ва 6-синфлар, уларнинг ташкилий жиҳатидан қатъий назар, авваламбор, бола камол топадиган давр бўлиб ҳисобланади, болаларнинг кейинги ўқиш шаклига йўналтириш мақсадида кузатув олиб борилади.
--	---

ГФРнинг баъзи Федерал Ерларида мавжуд бўлган йўналишли босқич

(“Orientierungsstufe”) ота-оналарга, ўқувчи ва ўқитувчиларга II босқичдаги мактабга ўтишни ҳал қилувчи ишонарли асосни беришга мўлжалланган. Йўналтирувчи босқич мустақил ўқув муассасаси ёки II босқичдаги мактабнинг I қисми сифатида ташкил этилган. Берлинда бу босқич бошланғич мактабнинг 5-6-синф шаклида олиб борилади. ГФРда ўрта мактаблар 4та типга бўлинади: гимназиялар, реал мактаблар, асосий мактаблар, умумлашган мактаблар.

### **Асосий мактаб**

Асосий ёки тўлиқ халқ мактаби бошланғич мактабни битириб, реал мактаб ёки гимназияга бормаган барча ўқувчилар учун мажбурийдир. Бу мактабда охириги мажбурий синф 9-синф, баъзи ФЕларда 10-синф ҳисобланади. Кўпчилик ФЕларда ўқувчиларга қўшимча 10-синфга эркин қатнаш имкони берилган.

Асосий мактабнинг мақсади – ўқувчиларни иккинчи босқич I доирасидаги таълим ва касбий таълимни давом эттиришга тайёрлаш ва умумтаълим курсларига қатнашишдир. Асосий мактабларда ўқувчиларни ишчи касби олами билан таништириш орқали касб танлашга ёрдамлашишга эътибор қаратилади. Асосий мактабда асосан энг кучсиз ўқувчилар, ижобий таъриф берганда, амалий қизиқишлари бор болалар қолишади. Шунга кўра асосий мактабларда эътибор техник предметларга, чизмалар, қўл меҳнати, уй юритиш, яъни, бўлажак касбий фаолият билан амалий боғланишга қаратилади. Бунга ўқувчиларнинг 8-синфда ўтадиган амалиёти ҳам киради. Хунурмандчилик ва саноат муассасаларидаги “хақиқий” иш пайтида улар аниқ касбий талаблар билан танишадилар.

Асосий мактабдаги ўқитувчилар ўзлари ўқимаган соҳалар билан ҳам шуғулланишга мажбур бўладилар. Масалан немис ва инглиз тили ўқитувчилари техникани ҳам ўзлаштирадилар. Бундай касбий аралашувнинг педагогик вазифаси ҳам бор: синф раҳбари болалар учун ишончли шахсга айланиши ва ўз тарбияланувчилари билан имкон борича кўп вақт бирга бўлишидадир.

Асосий мактаб ўқитувчилари ўзларини ўқитувчи эмас, ижтимоий педагог деб ҳис қилдилар. Лекин асосий мактабдаги ўқувчилар ёмон ўзлаштиришига қарамадан кўпчилиги касбий таълим олишга муваффақ бўлишади.

Ҳозирги кунда Таълим вазирлиги асосий мактабни ислоҳ қилиш зарурати ҳақида фикр билдирмоқда. Бунда асосий мактаб ўқитувчилари бошланғич мактаб ўқитувчилари каби ихтисосликка эга бўлишлари керак дейилади.

### **Реал мактаблар**

Реал мактаблар иккинчи босқичга қарашли бўлиб, одатда 5-10 синфларни ўз ичига олади. 7-синфни битириб, реал мактабга ўтишни хоҳлаган асосий мактаб ўқувчилари учун реал мактабнинг алоҳида 3 синф варианты мавжуд. Реал мактаб юқори даражали кенгайтирилган умумий таълим беради ва ўқувчиларни мустақил фикрлаш, масъулият ҳисси, инсонларга раҳбарлик қилиш кўникмаларига юқори талаб қўядиган касб эгалари бўлиши учун касбий таълим курсларига тайёрлайди.

Ўқувчилар уларга тавсия этилган ўқув йўналишларидан битта асосийсини танлаб олиш имконига эга. Бу табиий-математик, техник, лингвистик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-тиббий, мусикий-бадий йўналиш бўлиши

мумкин. Ҳар бир мактабда тавсия қилинаётган фанлар аниқ. У мактаблараро ва ФЕлараро фарқланади. Реал мактабни етарли юқори даражадаги баҳолар билан битирган битирувчи II босқичдаги ўқув муассасасига кириш ҳуқуқига эга<sup>10</sup>.

Барча ўқувчилар чет тилини билишлари шарт. Асосий мактабларда чет тилини танлаш ҳуқуқи йўқ, фақат инглиз тили ўрганилади. Реал мактабларда эса бир неча чет тилини танлаш тавсия этилади, ўқувчи биттасини танлайди. Реал мактабларда ўқиш юқори даражада олиб борилади, фанларни тизимлаштиришга катта эътибор берилади. Ҳафтасига дарслари сони 30дан 34гача бўлади.

Ўқувчи 10-синфни битиргач, реал мактабни битирганлиги ҳақида аттестат олади, бу касбий таълимнинг қатор мактабларига, шунингдек, гимназиянинг 3та юқори синфи билан тенг типдаги мактабларга йўл очади.

. Бошланғич ва асосий мактаб ўқитувчиси ихтисослигини олганлар малака ошириш курсига қатнашиб, имтиҳон топшириб реал мактабларда дарс бериш имконига эга бўладилар.

**Гимназия** Гимназиялар умумтаълим ўқув муассасалари ҳисобланади. Унда ўқиш 5-13-синфгача 9 йил давом этади. 11-13гача ўқийдиганлар гимназиянинг юқори босқичи деб аталади. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган гимназия битирувчиси олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берувчи етуклик аттестати олади<sup>11</sup>.

Умумий етуклик аттестати берувчи, ҳоҳлаган йўналишдаги олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берувчи гимназиялар ва “фан гимназия” лари мавжуд. Бундай типдаги мактаблар таълимнинг иккинчи босқичи IIга тегишлидир. Бу гимназияларда аниқ касблар соҳасига зарур бўлган билимларни беришга алоҳида эътибор қаратилади.

**Фан гимназияларига** реал мактабни битирганлик ҳақидаги аттестат бўлсагина қабул қилинади. Бу гимназияларда таълим давомийлиги 3йил. Битирувчилар фан етуклик аттестатини оладилар, бу эса маълум доирадаги фанларни ўрганиш учун олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини беради.

**Гимназияда ўқитишдан мақсад:** умумтаълим билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ва шулар асосида ўқувчиларни замонавий маълумотларни олиш ва қайта ишлашнинг илмий методлари билан таништириш, олий ўқув юртида муваффақиятли ўқиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишдан иборат. 5-10синфлар 11-синфда бошлагна индивидуаллаштирилган таълим дастури учун пойдевор яратиш вазифасини бажаришга мўлжалланган. Гимназиянинг ўзига хос хусусияти фанларнинг дифференциал тузилгани бўлиб, ўқувчига танлаш имкони берилади. Масалан, чет тиллар сони ва уларни навбатма-навбат ўрганиш, 9-синфда ўқувчига аниқ йўналишдаги фанларни (табиий-математик, илмий-иктисодий, муסיқий-бадий) танлаш имкони берилади. Шунга кўра гимназиялар махсус характерга эга бўлади ва анъанавий классик, табиий-математик ва замонавий тиллар турларига бўлинади. Ундан

<sup>10</sup>Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de)Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

<sup>11</sup>Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de)Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

ташқари иқтисодий, педагогик, қишлоқ хўжалиги, техник-технологик, ижтимоий-илмий, муסיқий гимназиялар ва коммунал хўжалик гимназиялар бор.

Классик гимназияларда албатта лотин, юнон ва бирорта замонавий тил ўрганилиши шарт. Табиий-математик гимназияларда математика, физика, химия чуқур ўрганилади. Гимназиянинг юқори синфларида асосий, яъни ҳамма учун мажбурий курслар, ҳамда индивидуал танланган ўта қийин (юқори) курслар киритилган.

Умумий таълимни камситмаган ҳолда бу тизим ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини яхши ўрганишга имкон беради. Етуклик аттестати олиш учун 4та фандан имтиҳон топширилади. Имтиҳон топширувчи юқорида айтилган соҳалар бўйича олган билимларини яхши кўрсата олиши, танланган юқори қийинликдаги курси бўйича эса кенг билимларни намойиш этиши лозим. Имтиҳон ҳам ёзма ҳам оғзаки бўлиши мумкин.

Авваллари гимназиялар Германияда фақат оқсуяклар задагонлар ўқийдиган мактаб эди, унга кўпчилик бора олмасди. Лекин замон ўзгарди: ҳозирги кунда бошланғич мактабнинг 4-синфини битирган 40% ўқувчилар гарчи етуклик аттестатини умумий мактабда олиш мумкин бўлса ҳам гимназияда ўқишни давом эттиришни хоҳлайдилар. Замонавий гимназияларда таълим жараёнини режалаштиришда мотивация муҳим омил саналади.

**Бирлашган (умумий) мактаб** Бирлашган мактаб 5-10 (7-10) синфларни ўз ичига олади. У иккинчи босқич Iга қарашли. Бирлашган умумий мактабнинг мақсади: барча иккинчи босқич I мактаблари фанлари, курслари, битирув аттестатига талаблари билан бирлаштиришдир. У ўқув муассасалари ва иккинчи босқич II касбий таълим курсларига ўтувчи битирувчиларни тайёрлайди. Ундан ташқари, аксарият умумий мактабларда ўқитиш курслари мавжуд, уни муваффақиятли яқунлаган ўқувчи олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини олади. Умумий мактабнинг иккита типи бор: кооператив, интеграциялашган мактаб<sup>12</sup>.

Кооператив умумий мактабда асосий мактаб, реал мактаб ва гимназиялар биргаликда ишлайди. Ташкилий, методик ва дидактик жihatдан улар бир бирига қарам бўлмаган бўлимлар сифатида фаолият юритади. Бу бўлимлар ўзаро ҳамкорлигининг тури ва даражаси ёш даврлари гуруҳларига боғлиқ. Кооператив умумий мактаб барча бўлимлар учун умумий педагогик раҳбариятга эга.

Интеграциялашган умумий мактаб 10-синфгача алоҳида мактаб типини ажратмайди. Синфларни ташкил қилишнинг ягона мезони ёш билан боғлиқ. Алоҳида фанларни ўқитиш курс тизими бўйича олиб борилади.

Машғулотларнинг асосий шакли дарс бўлиб, у бир неча турларга эга: очик дарс, дискуссия дарс, экскурсия дарс ва ҳ.к. 9-10-синф охирида ўрта таълимни тугатганлик ҳақида гувоҳнома олади.

Ўқувчининг у ёки бу фан бўйича ютуқларга кўра гувоҳнома юқоридаги

---

<sup>12</sup>Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de) Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

иккинчи босқич I типдаги мактаблардан бирининг аттестатига мос келади. Баъзи ФЕда умумий мактаб анъанавий мактаб типлари қаторида доимий мактаб сифатида киритилган. Ҳозирги кунда интеграциялашган умумий мактабларда маълум ёшдаги ўқувчиларнинг 6% таҳсил олмақда.

Умумий мактабда мутахассислар томонидан “фанлардан ютуқли бўйича дифференциялаш” деб номланган гуруҳларга бўлиш жорий қилинган. Дифференциялашдан кутилган мақсад: ҳар бир ўқувчига унинг қобилиятларига кўра талаблар қўйиш, ҳар бирига индивидуал ёндашиш. Дифференциялаш 6-синфдан, ассал фақат инглиз тили ва математика дарсларида бошланади. Инглиз тилидан яхши ўзлаштирадиган ўқувчилар турли синфлардан махсус тузилган “Б” гуруҳига ўтадилар. Қолганлар шундай тарзда ташкил этилган “А” гуруҳида ўқишади. Шу тариқа 30та ўқувчиси бор иккита 6-синфдан учта ўқув гуруҳи ташкил қилинади. Дифференциялаш немис, француз, химия, биология фанлари бўйича ҳам ўтказилади.

Ўзлаштириш ўзгариши натижасида бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиш учун мумкин. Умумий мактабларда ўқувчилар, масалан, инглиз ва немис тилидан ёмон ўзлаштириш, лекин уларга ёқадиган ва “Б” гуруҳида шуғуллвнвдиган математика ёки физика ва химиядан жуда яхши ўзлаштириши мумкин. Шу боис бундай ўқувчиларни 2-йилга қолдирмайдилар ва мактабни ўзгартиришга ҳаракат қилмайдилар. Умумий мактаб ўқувчиларининг бошқа типдаги мактабга ўтиш зарурати йўқ. Чунки айнан асосий, реал мактаблар, шунингдек гимназиянинг бирлашуви умумий мактабнинг ўзига хос хусусиятидир. Бу ерда бир гуруҳда етуқлик аттестатига имтиҳон топшириб, кейин ОЎЮда ўқитадиганлар ҳам, 9-синфни битириб, касбий билим юртига борадиганлар ҳам таҳсил олишади.

Бундай ҳолат анъанавий уч типли мактабда амалга ошиши мумкин эмас. 4(6) синфдан кейин ўқувчилар асосий, реал мактаблар ёки гимназияларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирида ўзининг таълим дастури ва тугатганлик тўғрисида аттестат мавжуд. Бир мактаб типидан иккинчисига ўтиш мумкин эмас.

Умумий мактабларда бола тақдирини эрта узил-кесил ҳал қилишдан воз кечилди, чунки ҳар бир оила ҳаётида кутилмаган ҳодисалар бўлиши мумкин. Ўқувчи қандай аттестат билан мактабни битириши 9-10-синфларда ҳал бўлади. “Ижтимоий интеграция ва ҳамма учун бир ҳил имкониятлар” девизи остида 60-70 йилларда умумий мактаблар яратиш учун компания бошланди ва илк умумий мактаблар Берлин ва Гамбургда бошланди. Вақт ўтиши билан кўплаб ота-оналар гарчи ҳар бир ФЕларда бу мактаблар турлича бўлса ҳам ўз фарзандларини умумий мактабларга бера бошладилар. Мактабнинг бундай шакли керакми, деган баҳслар тўхтади. Умумий мактаб тарафдорлари унинг ягона муқобил эмаслигини, танқидчилар эса унинг афзаллигини тан олишди.

### **Германияда касбий ва олий таълим тизими**

Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни

давом эттирадилар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи йил асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтишида синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, Федерал Ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртлирига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз, мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳларнинг босқичма-босқич иштироки принципига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озик-овқат харажатларини кўтара олмаса, ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал қонунга кўра улар молия ёрдамини оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади<sup>13</sup>.

Мамлакатда таълимни ислоҳ қилиш масаласи кўпдан бери муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қисқартириш таклиф қилинмоқда. Баъзи университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга киргунга қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсак, талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

Германияда Халқ университетлари мавжуд бўлиб, улар партия ва диндан ташқари муассаса. Уларнинг кўпчилиги кечки бўлиб, фақат 1989 йилда университетларда 400000 курслар ташкил этилган ва бу курсларда, 5,5 млн. тингловчи малака оширган. Давлат малака оширганларни рағбатлантиради ва бу учун ҳар йили 5,5 млн. марка маблағ ажратади. Малака ошириш курсларида ўқиш даврида тингловчиларга маблағ билан молиявий ёрдам берадилар. Асосан ишсизлар ўз малакасини ошириш имкониятларидан кўпроқ фойдаланадилар ва бу билан иш топиўлари тезлашади. Ярим йил давомида малака оширган ишчиларнинг 75% иш билан таъминланади. Черковлар ҳам фуқароларнинг билим даражаларини оширишда фаол иштирок этади. Евангель черкови ўзининг 15та академиясида длозарб мавзулар бўйича анжуманлар ташкил

---

<sup>13</sup>Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de) Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

этади. Католиклар малака оширишда никоҳ, оила масалаларига, теология ва маданият соҳаларига катта аҳамият берадилар. Олий ўқув юртларида тадқиқот билан шуғулланиш уларнинг қадимий анъаналаридан бири. Ўтган аср бошларида Вильгельм фон Гумбольдт прусс университетларини ислоҳ қилди, ўшандан бери “Тадқиқот ва ўқитиш бирлиги” уларнинг ҳаётий принциплари айланиб қолган. Олий ўқув юртлари тадқиқотларининг асосий йўналиши – фундаментал амалий тадқиқот бўлиб, уларга бошқа илмий- текшириш институтлари, саноат лабораториялари яқиндан ёрдам беради. Германия таълими ўзига хос йўналишга, жуда мураккаб тизимга эга. Шу билан бир қаторда ҳозирда Германияда таълим тизимини ислоҳ этиш йўлида янги изланишлар олиб борилмоқда.

Германия олий таълим тизими олий ўқув юртлари турларининг кўплиги билан фарқланади. Германияда жами 383 олий ўқув юрти бўлиб, шулардан 103 таси университет, 180 таси амалий фанлар олий ўқув юртлари ҳисобланади. Биринчи олий маълумотни олиш яқин кунларгача немислар учун ҳам, чет эллик талабалар учун ҳам текин эди. 2007 йилдан бери баъзи олий ўқув юртлари талабалари ҳар семестрга 500 евродан тўлашлари кераклиги белгиланди (инфляцияни ҳисобга олиб ошиб бормоқда.)

Ғарбий Европа Федерал ерларида муддатидан узоқ ўқиётган талабалар ўқиш учун пул тўлайдилар. Таълим тизимидаги бу ислоҳотлар қонун бўйича йўлга қўйилган.

Олий ўқув юртларининг кўпчилиги давлат тасарруфида ва ҳукумат томонидан молиялаштирилади. 383 олий ўқув юртларидан 69 таси хусусий.

Олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади, абитуриент учун энг муҳими мактаб ёки гимназияда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширишдир. Нуфузли мутахассисликларга ўқишга қабул қилишда абитуриент мактаб аттестатининг ўртача бали ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Университетлардаги нуфузли мутахассисликларга ўринни тақсимлаш бўйича олий ўқув юртлари эмас, ZVS деган махсус бўлинма шуғулланади. Ўртача балдан ташқари ZVS ижтимоий ва шахсий сабаблар, ногиронлик, оилавий аҳволи ва бошқаларни ҳам ҳисога олади. Агар ўртача балл етарли бўлмаса, абитуриентни навбатга қўяди. Бир неча семестр кутганидан сўнг унга университетдан ўрин беришади.

Германия доимий равишда университет рейтингларини аниқлаб туради. Бунда ўқитиш, педагог кадрлар даражаси, шунингдек, у ёки бу олий ўқув юртларини битириб, ишга жойлашиш каби шарт-шароитлар ҳисобга олинади.

Талабалар оддий стипендиядан ташқари турли Фондлар томонидан жорий қилинган стипендияларни олиш имконига эга. Партия фондлари, Немис халқи фонди, Черковлар фонди, ФЕ ҳукумати фонди, ГФР ҳукумати бўлимлари ва кичик регионал ташкилотларлар фондлари шулар жумласидандир. Стипендиялар одатда алоҳида тоифа талабаларга, масалан, ўта иқтидорли талабаларга берилади. Стипендия немис студентларига ҳам, чет эллик талабаларга ҳам берилади. Чет эллик талабаларга стипендия берувчи асосий

ташкилотларга Академик алмашиш Германия хизмати киради. Шу каби йирик фондларга Конрад Аденауэр, Фридрих Эрберт, ФЕ фондлари киради.

Германияда илмий-тадқиқотлар университетлар ва илмий ташкилотлар ҳамда корпоратив тадқиқот марказларида олиб борилади. Университетлардаги илмий тадқиқотлар федерал бюджет, ФЕ бюджети томониданва ташкилотлар ажратган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Германияда илмий-тадқиқотлар шунингдек, 4та йирик илмий ташкилотларда олиб борилади. Булар Макс Планк жамияти, Гельмгольц жамияти, Фраунгофер жамияти ва Лейбниц жамиятларидир.

**Макс Планк жамияти**да 13000 ходим ишлайди, ундан 5000 таси олимлар бўлиб, жамиятнинг йиллик бюджети 1,4 млрдни ташкил этади. **Гельмгольц жамияти**да 26,5 минг ходим ишлайди, ундан 8000 таси олимлар бўлиб, жамиятнинг йиллик бюджети 2,35 млрдни ташкил этади. **Фраунгофер жамияти**да 26,5 минг ходим ишлайди, жамиятнинг йиллик бюджети 1,2 млрдни ташкил этади. **Лейбниц жамияти**да 13,7 минг ходим ишлайди, жамиятнинг йиллик бюджети 1,1 млрдни ташкил этади.

Университетлар бир йилда илмий тадқиқотларга 9,2 млрд евро сарфлайди.

Йирик немис ва чет эл компаниялари Германия ҳудудидаги тадқиқот марказларини молиявий қўллаб-қувватлайди.

Германия университетлари талабалари ўрганадиган фанлар ва дарс жадвалини ўзлари танлайдилар, яъни ҳар бир семестр учун мустақил дастур тузадилар. Ўқув йили 15 октябрдан бошланиб, 2та семестрдан иборат. Ҳар бир семестр охирида талаба ўзи қатнашган махсус курс ва маърузаларнинг махсус сертификатини йиғади, сертификатларнинг керакли сонини тўплагач, имтиҳон топширишга рухсат сўрайди.

Олий ўқув юртларининг иккинчи типи – махсус олий мактабларда ўқиш тизимли ташкил этилган. Бунда талабалар аниқ ўқув режаси ва имтиҳонлар жадвалига амал қиладилар, шу тариқа олий таълимни 4 йилда тугатишлари мумкин.

Германияда ижтимоий льгота тизими ривожланган, кўпгина шаҳарлардаги талабалар учун жамоат транспорти текин. Шунингдек, театр, музей, кинотеатр ва б. ерларга бориб айланиш учун чегирмалар мавжуд.

Тайёрлов коллежларида, университетдаги каби текин ўқитилади. “Абитур” дипломи акс этган таълим стандартига кўра университетга одатда имтиҳонсиз киради.

**Германияда олий таълим тизими** -университетлар ва институтлар; махсус ОЎЮлари; -педагогик ва технологик ОЎЮлари; бошқарув ва санъат олий мактаблари; касбий олий мактаблар (академия). Таълим босқичлари: Асосий таълим – 4 йил (педагогик таълим бундан мустасно – 3 йил). Амалиёт – 18 ой. Имтиҳон топшириш ва диплом олиш<sup>14</sup>.

Германияда немис ва чет эллик талабалар ўртасида нафақат университетлар, балки махсус олий ўқув юртларига киришни хоҳловчилар ҳам кўп. Бу махсус олий ўқув юртларида 22000 чет эллик талабалар таҳсил

<sup>14</sup>Germany’s Vocational Education at a glance.. E-Mail: [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de)Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

оладилар. Махсус ОЎЮ (Fachhochschulen)ларида ўқиш қисқартирилган ва амалий вазифаларга йўналтирилган. Бундай ОЎЮларида муҳандислик иши, иқтисодиёт ва менеджмент, қишлоқ хўжалиги, компьютер мутахассислиги бўйича юқори билимлар олиш мумкин.

Университетлардан фарқли ҳолда махсус ОЎЮ докторлик даражасини бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу таълим муассасасини битиргач, Diplomgrad (2-босқич) берилади ва бу академик даража ҳисобланади<sup>15</sup>.

Касбий академиялар (Berufsakademien) маълум фанлар бўйича III босқич таълимини беради. Бу ерда таълим ишлаб чиқариш муассасаларида амалий тайёргарлик билан бирга олиб борилади.

Одатда кўз билан қараб қилинган хотира ва қиёфалари Eidetic қобилиятни жуда ҳам секинлаштиради, бир кўриниш бор Eidetic образлари қиёфалари ёки фотографик хотира, қаерда одамлар анчагина катта миқдорда визуал маълумотларни ўтказишга қобилияти бор деб туюладилар. Бу Eidetic қиёфалари гапиришига кўра, кам учрайдиган воқеа деб ҳисобланади, қайсики перцепциянинг объектлари бўлиб ҳисобланадилар. Ҳисобланадики, бу хил визуал хотира болалар ўртасида кўпроқ тарқалган бўлиб, катта ёшлар ҳаётида унутилади<sup>16</sup>.

LTM да маълумки, фараз қилишимиз мумкин, тугамайдиган қобилият борки, қайсики ҳаёт мобайнида ўзгаради тажриба кўпайган сари; WM ҳар қандай пайт фақат нисбатан кичкина бўлган қисмига мурожаат қилиши мумкин бўлган маълумотлар, LTM да қилинган. Мана шу чекланган қобилият жиддий чеклаш деб санаш мумкин.

Масалан, талабалар учун синфда тўплам масалалари ҳаддан ташқари қийин бўлиши мумкин, шунинг учун уларнинг кўзга кўринган мураккаблиги WM ишлов бериш қобилиятини оширади – фақат жуда кўп борлиги, хотирада ушлаб туриши учун, вазифани тугатиш учун. Бу таълимнинг таянч ғоялар билан боғланади, шундай қандай қилиб metacognition муҳимлигини таъминлаш, қайси одамларга стратегияларни ривожлантиришга асосланган қадамларни кетма-кетлигини таъминлаш, қайсиларданки яқка тартибда бошқарилади WM худудида, ва ёрдамчи тушунчасида. Ҳавоза – ўқиш техникаси, қайсики ўқувчига имконият беради бошланишида бошқаларга ишонишади, модоимки улар хусусий қадамлар билан енгадилар: ёрдам, қайсики кейинроқ ортиқча бўлиши мумкин катта имкониятлар туфайли, пастроқ муҳокама қилинганидек.

Гарчи қобилиятнинг ишлов бериш одамнинг билиш жараёнида чекланган тахминан 7 бирликлар маълумотлари билан ёки бўлиши мумкин озгина кичикроқ, бу бирликлар мустақил равишда узгармайдиган ўлчамга ёки мураккабликка эга эмаслар: шундай қилиб маълумотнинг ёлғиз рақами айрим вазиятларда мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, одамлар кўпроқ сўзларни эсга

<sup>15</sup> <sup>15</sup>Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de)Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-16 p.

<sup>16</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p. 110-114.

келтиришади қачон сўзлар гап билан боғланган бўлса, оддий рўйхатда тўрган бўлса камроқ эслашади (Baddeley и др., 2009) – ва, бу қобилиятнинг бир қанча сўзни ягона бирликлар маълумоти сифтида ҳис қилишади чунки кетма-кетлигида сўзлар маъноси тезроқ кўринади.

### **1.1.3. Жанубий Корея таълим тизими.**

Жанубий Корея Республикаси кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда, сабаби бу давлат постиндустриал цивилизация ютуқларини эгаллаган Осиё – Тинч океани регионининг ноёб давлатларидан биридир. Кореяликлар бажарилиши шарт бўлган асосий вазифа - ўз анъанавий маданиятини сақлаш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўз маданий-сиёсий идентивлик, Шарқнинг анъанавий қадриятлари ва ориентирлари билан боғлашга интилиш деб ҳисоблайдилар. Бу давлатнинг таълим тизими ЮНИСЕФ экспертлари хулосасига кўра саноати ривожланган давлатлар ичида “энг самаралиси” деб тан олинган.

Кўпчиликнинг ягона фикрича, Жанубий Кореянинг иқтисодиёти ва техникадаги ютуқлари “инсон ресурсига инвестицияни тўғри тикканлигида” деб таъкидлашади. Конфуций давридан сақланиб қолган зиёли одамга жамоат хизмати ҳозирги кунгача бор. Жанубий Кореяда 1980 йиллардан бери илмий касблар энг нуфузли ҳисобланади<sup>17</sup>.

Жанубий Корея таълим тизими яна битта бугунжаҳон тамойилини амалга оширади: бу таълим ва фан интеграциясидир. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг қўшилиши бугунги кунда интеграциянинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Кўп ривожланаётган давлатларда таълим бугунги кунда жамиятнинг фақат сарф-ҳаражатлар соҳаси эмас, балки асосий ишлаб чиқарувчи кучига айланди. Яъни, таълим рақобатбардош, жиддий молиявий маблағларни олиб келувчи соҳа бўлиши кераклиги исботланди. Таълимнинг деярли 1-босқичидаёқ давлат ва иқтисодиётнинг ривожланишига қаратилган бўлиши керак. Фақат билим олиш учунгина эмас, балки олинган билимларни амалиётда самарали қўллаш учун ўқиш зарур.

Лекин шуни ҳисобга олиш жоизки, таълимни тизимли модернизация қилиш жараёни ўз-ўзидан эски тартиб элементларни енгиб ўтиш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва табиий бошқарувнинг бошқа метод ва механизмларини шакллантиришни назарда тутаяди. Лекин бу шундоқлигича нусха олиш шаклида эмас, балки янгиликларни қабул қилиш билан бирга таълим ривожланиш босқичидаги энг яхши анъаналар ва қўлга киритилган ютуқларни сақлаб

<sup>17</sup> Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: [books@bmbf.bund.de](mailto:books@bmbf.bund.de) Internet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-16 p

қолишни тақозо этади<sup>18</sup>.

**Мактабгача таълим** Жанубий Кореяда болалар боғчаси умумтаълим турига кирмайди. Ота-оналар фарзандларини хусусий мактабгача муассасаларга берадилар. Бу муассасаларда таълим корейс тилида, инглиз тилида, баъзиларида фақат инглиз тилида олиб борилади. Болалар боғчасига 3 ёшдан 5 ёшгача қабул қилинади. Кўпчилик болалар “мактабгача” тайёргарлик олмасликлари, яъни хусусий мактабгача муассасаларга бормасликлари, балки болалар боғчасига шунчаки боришлари мумкин.

Болалар боғчасининг асосий вазифаси оилаларни ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратишдан иборат. Боғчаларда асосан мусиқа, расм, ҳисоблаш дарслари ўтилади. Корейс боғчаларида болаларда мустақилликни шакллантиришга катта эътибор берилади. Болалар ёши орасидаги фарқ 3 йилгача бўлиши мумкин.

Гарчи қобилиятнинг ишлов бериш одамнинг билиш жараёнида чекланган тахминан 7 бирликлар маълумотлари билан ёки бўлиши мумкин озгина кичикрок, бу бирликлар мустақил равишда узгармайдиган ўлчамга ёки мураккабликка эга эмаслар: шундай қилиб маълумотнинг ёлғиз рақами айрим вазиятларда мураккаб бўлиши мумкин<sup>19</sup>.

**Бошланғич таълим** Жанубий Кореяда болалар (6 ёшдан ошган) 7 ёшдан 13 ёшгача бошланғич мактабга борадилар. Ўқиш муддати 6 йил, мажбурий ва бепул. Бошланғич мактабда қуйидаги 9 та фанлар ўқитилади:

- Корейс тили;
- Математика;
- Аниқ фанлар;
- Жамият ҳақидаги фанлар;
- Чет тили;
- Тасвирий санъат;
- Мусиқа.

Одатда бу фанлар синф раҳбари томонидан ўқитилади, фақатгина баъзи фанлар учун махсус ўқитувчилар тайинланади. Бошланғич таълимдан ўрта таълимга, ундан юқори таълимга имтиҳонлартопшириш орқали эмас, балки фақатгина ёшига қараб ўтилади. XX асрнинг 80 йилларига қадар инглиз тили ўрта мактабларда ўқитилган, ҳозирда эса бошланғич мактабнинг 3-синфидан ўқитиляпти. Корейс ва инглиз тили грамматикаси жуда жуда катта фарқли бўлганлиги учун инглиз тилини ўрганиш жуда қийин. Шу боис ота-оналар ўз фарзандларини хусусий ўқув муассасаларига қўшимча ўқишга жўнатадилар. Хусусий ўқув муассасалари, яъни “хагвонлар” болаларга тил ўрганишда

<sup>18</sup>Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994. p. 16.

<sup>19</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p. 114.

индивидуал ёндашадилар. Шу мақсадда инглиз тилида гаплашувчи чет элликларни бошланғич мактабга жалб қилиш йўлга қўйилган.

Бошланғич мактаб корейчасига “чходын хаккё” деб номланар ва бошланғич таълим маъносини англатар эди.

1996 йил Жанубий Корея ҳукумати бу номни ўзгартирди ва “гукмин хаккё” деб номлади. Бу атама “фуқаролик мактаби” деган маънони англатади.

Кореяда давлат тасарруфидаги бошланғич мактаблардан ташқари қатор хусусий мактаблар ҳам мавжуд. Бу мактабларнинг ўқув дастурлари давлат мактаблари ўқув дастурларига бирмунча мос келади, лекин ўқитиш юқори даражада амалга оширилади. Масалан, кам сонли ўқувчиларга кўп ўқитувчиларнинг жалб этилиши, қўшимча фанларнинг киритилиши, умуман таълимнинг юқори стандартларга эгаллиги ва ҳ.к. Шу боис кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларини хусусий мактабга беришга интиладилар. Лекин бундай мактабларда ўқиш нархининг баландлиги ота-оналарни ўйлантириб қўяди. Бошланғич мактабни битирган ўқувчилар кейинги босқичларга имтихонсиз ўтадилар. Жанубий Кореяда синфларни рақамлаш одатдагидай пастдан юқorigа эмас, балки ҳар бир таълим босқичида 1 дан бошланади. Масалан, бошланғич мактаб 1 дан 6 гача, ўрта мактаб (3 йил) 1 дан 3 гача, саналади: бошланғич мактабнинг 1-синфи (2,3,4,5,6-синфи), ўрта мактабнинг 1-синфи (яъни, ўзбек мактабларидаги 7-синф), олий мактабнинг 2-синфи (яъни ўзбек академик лицей ва КХ коллежининг 2-курс талабаси) каби.

**Жанубий Кореяда** Корейс тилида ўрта мактаб “чунхакё” деб **мактаб тизими: ўрта ва** номланади ва “ўрта мактаб” маъносини беради. **юқори мактаблар** ўрта мактабдатаълим мажбурий, бепул ва 3 йил ўқитилади. Ўрта мактабга 11 ёшдан ошган, 12 ёшдагилар қабул қилинади<sup>20</sup>.

Бошланғич мактабга нисбатан ўрта мактабда ўқувчиларга анча юқори талаблар қўйилади. Синф раҳбарлари – хангыльлар ўқувчилар ҳаётида муҳим ўринга эга, ўқувчилар уларни қаттиқ хурмат қилишади.

Ўрта мактабда бир кунда 6 та фан ўқитилади, шунингдек, алоҳида махсус 7-дарс ҳам бор. Ўқув дастурининг негизини қуйидаги фанлар ташкил этади:

- Математика;
- Корейс ва инглиз тили;
- Қатор аниқ фанлар;
- “Қўшимча” фанлар қуйидагилардан иборат:
- Санъат соҳалар;
- Жисмоний тарбия;
- Тарих;
- Ханча (хитой пероглифи);
- Этика;
- Уй иқтисодини юритиш;
- Компьютер саводхонлиги.

<sup>20</sup>Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994. p. 13

Машғулотлар 45 дақиқа давом этади. Бошланғич синфдаги 9 та фанга, ўрта мактабда яна 4 та фан қўшилиб, жами 13 та фан ўқитилади. Мактабда чет тилларига эътибор кучли. Кўпчилик инглиз тилида бемалол гаплаша олади.

Чет тилини ўқитишга ҳафтасига 4-5 соат ажратилган. Ўқиш ўрта мактабда бир йилда 1222 соатни ташкил этади. Корейлик ўқувчилар инглиз тилидан ташқари классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 5-синфдан бошлаб, Хитой тарихи ўргатилади. Бошланғич мактабдаги каби ўрта мактабда ҳам ўқувчи синфдан-синфга имтиҳонсиз ўтади. Маълум фанлар учун имтиҳонларнинг стандарт шакллари мавжуд, фан ўқитувчилар тавсия қилинган ўқув қўлланма ва дарсликлардан фойдаланадилар. Ўрта мактабнинг кўплаб ўқувчилари дарсдан кейин қўшимча курслар “хагвонлар”га борадилар, ёки хусусий репетиторларга қатнайдилар. Алоҳида эътибор инглиз тили ва математикага қаратилган. Баъзи хавгонлар битта фанга асосланади, баъзилари барча асосий фанларни қамраб олади. Бу ўз навбатида мактаб машғулотларининг янада қийин бўлган иккинчи қисмига айланади.

Ундан ташқари жуда иродали ўқувчилар кураш турлари ва мусика мактабларига қатнашадилар. Ўқувчилар шу тариқа дарсдан кейин уйларига жуда кеч қайтадилар.

### **Юқори мактаб**

Корейчасига “кодынхаккё” деб номланади. Корейлик болалар юқори мактабга ўрта мактабдан кейин 17 ёшдан 1-курсга қабул қилинади ва 19

ёшгача таҳсил олади. Юқори мактаблар бир неча турларга ажратилади<sup>21</sup>:

- *Давлат юқори мактаблари*: Корея Таълим ва техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради;
- Умумий юқори мактаблар: ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади;
- Хусусий юқори мактаблар.

Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади:

- Ихтисослаштирилган мактаблар (қишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот);
- Умумий мактаблар;
- Махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб);
- Техника мактаблари;
- Чет тили мактаблари;
- Жисмоний тарбия мактаблари;
- Санъат мактаблари ва ҳ.

Жанубий Корея Республикасида таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади.

Юқори мактаб ўрта мактаб каби мажбурий эмас. Бироқ кейинги йилларнинг барчасида статистик маълумотларга қараганда 97-98 % корейс

<sup>21</sup>Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994. p. 15

ёшлари юқори мактабни тамомлаганлар. “Илмий” юқори мактаблар, чет тиллар ва санъатшунослик мактабларига кириш анча мураккаб имтиҳонларни топширишни талаб этади. Юқори мактаблар хусусий ва давлат тасарруфида бўлиши мумкин, бу мактабларда мутахасислик бермайди, балки уларни кейинги таълим босқичига тайёрлайди.

Коллежда таҳсил олишни истамаган ўқувчилар касбий билим юртларига кириб ўқишлари мумкин. Бу билим юртлари технология, агрикультура ёки молия йўналишларига ихтисослашган. Юқори мактабларнинг жадвали ҳақида гапириладиган бўлса, ҳар бир ўқувчи учун кун ярмида қайтиб келиш одатдаги ҳолатга айланган.

Жанубий Кореяда ҳунар мактаблари 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45% бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23% да техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисосликлари ўзлаштирилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталиқ қиладилар. Жанубий Корея “Таълим ҳақидаги қонун” талабларидан бири ҳам шудир. Бизнинг Республикамиздаги каби Жанубий Кореяда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эътибор жуда кучли. Сўнгги йилларда 5 та спорт, 6 та илмий мактаблар очилган. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган.

Ривожланишдан орқада қолган болалар учун махсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига қурилган.

Давлат мактабларида дин фан сифатида ўқитилмайди. Лекин 3-синфдан бошлаб “Одобнома” каби махсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, ҳафтасига 2 соат ажратилган. Бу фан ўз ичига динни ҳам қамраб олади. Дин қотиб қолган бир ақида сифатида эмас, қадрият сифатида ўқитилади. Бу бутун бир тарбия тизими натижасидир. Эҳромларга бориш, тарихий ёдгорликлар билан танишиш, маънавий тарихни ўрганиш мактаб фанларининг мажбурий давоми ҳисобланади.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилди. Кореядаги барча талабаларнинг 6,5% бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар тайёрлайдиган коллежлар мавжуд ҳар бир провинция (вилоят) ўз коллежига эга. Юқори мактаб битирувчилари “сусен” де бномланувчи стандарт тест топширадилар. Мактаб ўқув дастурлари кириш тестлари – имтиҳонлари мазмунини қамраб олган. Сусен 3 та асосий секция / фанлардан иборат: корейс тили, математика ва инглиз тили. Ундан ташқари табиий ва ижтимоий фанлардан танлов асосида қатор фанлар киритилади. Бундай тест 1 йилда 1 марта топширилади, у интенсив тайёргарликни талаб этади. Бу тестга бўлажак ОўЮ талабалари боғча ёшидан тайёрланишни бошлашади.

Тестни топширолмаган ва коллежга кириш 1 йилга сурилган ўқувчиларни “чесусенлар” деб аташади.

**Жанубий Кореяда касб-хунар таълими ва олий таълим тизими**

Жанубий Кореяда олий маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг кейинги мавқеи муваффақияти учун жуда катта аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам бу мартабали таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган эҳтиёж ҳам катта. Жанубий Кореяда эътибор кўпроқ математика, корейс тили ва инглиз тилларига, аниқ фанларга ва жамият билан боғлиқ фанларга қаратилади.

Жисмоний тарбияга унчалик эътибор берилмайди, чунки, у таълим берувчи фан эмас. Ўқув йили 2 семестрдан иборат. 1-семестр мартда бошланади ва июлнинг ўрталарида тугайди. 2-семестр эса кеч августда бошланиб, февралнинг ўрталарида тугайди. Ёзги таътил июл охиридан августнинг сўнгига қадар, кишки таътил эса кеч декабрдан эрта февралга қадар давом этади. Таълим дастури аниқ белгиланмайди ва фанлар бир ўқув йилидан сўнг яна ўзгартирилиши мумкин.

Жанубий Корея аҳоли ўртасида талабалар сонига кўра дунёда биринчи ўринларда туради. “Таълим тўғрисида”ги қонунга кўра барча ОЎЮ давлат тасарруфидаги ва хусусий таълим вазирлиги ва меҳнат ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан бошқарилади. Бошқа масалалар бўйича университетлар Корея Университет таълими кенгаши тамойилларига таянади. Жанубий Кореяда қуйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- ✓ Коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида);
- ✓ Индустириал университетлар;
- ✓ Педагогика институтлари;
- ✓ Сиртки университетлар;
- ✓ Очиқ университетлар;

Жанубий Корея таълим тизимининг барча бўғинларида бўлганидек, олий таълим соҳасида ҳам чуқур ислохотлар олиб борилган. Мамлакатда таълимни ислох қилиш ва ривожлантиришга оид қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни олий таълимни рақобатга тайёрлаш, университет таълимини ривожлантиришда тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, битирув мактаб таълими ва амалий мутахассисликларни кучайтириш, университетларнинг маҳаллий саноат билан алоқадорлигини яхшилаш, саноат талабларига жавоб берадиган касбий таълимни ривожлантириш, мактаб билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий кам таъминланган оилалар ва ишчилар учун касбий таълимни кучайтириш, олий таълим учун ўсмирлар имкониятларини яхшилаш, ахборот асрида таълим бошқарувида уни молиялаштириш халқаро таълим алмашинувини мустаҳкамлаш каби долзарб масалаларга катта эътибор қаратилди<sup>22</sup>.

Кореяда олий таълим муассасаларига қабул қилиш қаттиқ назорат остида бўлиб, ҳар бир даъвогарнинг маълум бир коллеж ёки университетга мувофиқлиги талабанинг таълимни ўзлаштириш қайдлари ва стандартлаштирилган миллий тест натижалари орқали белгиланади.

1999 йилги маълумотга кўра, Кореяда жами бўлиб 350 та олий ўқув юрти фаолият олиб борган. Мамлакатда расмий равишда олий ўқув юртларининг 5 та тури (ҳарбий ва диний ўқув муассасаларини ҳисобга олмаганда) мавжуд:

<sup>22</sup>Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994. p. 16.

университет, коллежлар, ўқитувчилар институти, очик университетлар ҳамда сиртки университетлар.

### 1.1.1-чизма.

#### Корея ўқув юртларининг турлари<sup>23</sup> (1999 йилги маълумот)

№	Ўқув юртлари	Ўқув юртлари сони
1	Университетлар	158
2	Коллежлар	161
3	Сиртки университетлар	1
4	Ўқитувчилар институти	11
5	Очик университетлар	19
	<b>Жами:</b>	<b>350</b>

2002 йилги маълумотга асосан эса олий таълим муассасалари сони 358 тага етган.

Ушбу тизимда таълим тўрт йилдан иборат бўлган университетлар юқори ўринни эгаллайди. Университетларнинг битирувчиси таълим муддати икки йил бўлган магистратурага кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Келажакда мактабларда ишлаш учун педагоглар тайёрлайдиган ўқитувчилар институти университетларга яқин туради.

Мамлакатда ягона сиртки олий ўқув юрти - Сеулдаги сиртки университет ўзига ҳос аҳамиятга эга. “Очик университетлар” нинг вазифаси ҳам шунга ўхшаш бўлиб, уларга ишлаб чиқаришда ишлаётганларгина кириши мумкин, уларда кириш имтиҳонлари йўқ. Жанубий Кореяда коллежларнинг асосий вазифаси малакали ишчилар ёки бўғин идора хизматчиларини тайёрлашдир. Талаба коллежни тугатгач, назарий жиҳатдан бирданига университетнинг иккинчи ёки учинчи курсига кириш учун ҳаракат қилиши мумкин. Шу билан бирга махсус ўтиш имтиҳонини топшириб, бошқа мутахассислик бўйича ҳам кириши мумкин.

**Бакалаврият.** Ўқиш муддати 4 йил. Талабалар 140-150 кредит соат атрофида таҳсил оладилар. Тиббиёт соҳасида ўқиш 6 йил давом этади ва 180 кредит соат ўқишади. Ўқиш тугагач, бакалавр даражасини олганлиги ҳақидаги диплом берилади. Типик йирик корейс университетлари таркибида 10 тадан 20 тагача факультетлар бор. Факультетлар америкача термин билан “колликлар”, яъни корейсча “тэхак” деб аталади. Кореяда ўқув жараёнига ахборт технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор берилади. Натижада Жанубий Корея дунёда ўз мактаб ва таълим муассасаларини компьютер ва интернет билан тўлиқ таъминлаган иккинчи давлатга айланди.

**Магистратура.** Ўқиш муддати 2-3 йил. Ўқиш якунида талабалар диссертация ёқлайдилар. Тиббиёт соҳасидаги талабалар Тиббиёт мактабининг барча талабаларини бажариб, миллий имтиҳон топширадилар. Ўқиш якунида магистрлик даражаси берилади.

<sup>23</sup>Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994. p. 17.

**Докторантура.** Ўқиш муддати 3-4 йил. Ўқиш якунида докторлик диссертацияси ҳимоя қилинади, оғзаки ёки соҳага мос имтиҳон топширилади.

### 1.1.2-чизма.

№	Босқичлар	Ўқиш давомийлиги	Мажбурийлиги
1	Бошланғич мактаб	6 йил	Ҳа
2	Ўрта мактаб	3 йил	Ҳа
3	Юқори мактаб	3 йил	Йўқ
4	Касбий таълим(коллеж)	2 йил	Йўқ
5	Олий таълим(университет)	4 йил	Йўқ

### 1.1.4. Белгия таълим тизими<sup>24</sup>.

№	Таълим босқичлари	Ёш
1	Бошланғич мактаб	6-12
2	Ўрта мактаб	12-16
3	Ўрта касбий мактаб	16-18
4	Олий мактаб	18-23

#### Мактабгача таълим

Белгияда МТ 2,5 ёшдан бошланади. Ушбу белгиланган ёшга етганда болаларни МТга беришади, шу сабабли гуруҳдаги болалар сони йил давомида ўзгариб боради. МТ гуруҳларининг асосий мақсади: болаларнинг билиш, билим орттириш (когнитив), коммуникатив ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади. Машғулотлар ойин шаклида олиб борилади. Мактабгача таълим мажбурий таълим дастурига киритилмаган бўлсада, Белгияда тахминан 90%гача бўлган болалар унда таҳсил олишади. Кўп ҳолларда мактабгача таълим муассасалар бошланғич мактабларга уйғунлашган бўлади. Болалар 6 ёшга этганда бошланғич мактабнинг биринчи синфига ўқишга киради.

#### Мактаб

Мактаб таълими даври 2 та – бошланғич ва ўрта мактаб босқичига бўлинади. Бошланғич мактаб, ўз навбатида, 3 та 2 та синфли босқичдан иборат. Бу даврда болалар арифметика, ўқиш, ёзиш, мусиқа, тарих ва баъзи бошқа фанлардан таълим олишади. Дарслар 8.30 да бошланиб, 15.30 гача давом этади. Соат 12.00 дан 13.00 гача тушлик учун танаффус берилади. Чоршанба куни тушликдан сўнг, шанба ва якшанба кунлари дам олиш кунлари ҳисобланади.

Брюсселдаги фламанд мактаб дастурига биринчи ёки иккинчи синфдан

<sup>24</sup>National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.- 9 p.

бошлаб, француз тилини ўқитиш киритилган. Қолган фламанд мактабларининг кўп қисмида бу фан бошланғич мактабнинг 3-босқичида ўргатилади. Мамлакатнинг француз тилида сўзлашувчи қисмида ўқувчининг хоҳишига кўра инглиз ёки нидерланд тиллари ҳам ўргатилади. Герман тилида сўзлашувчи қисмида француз тили мажбурий тарзда ўқитилади. Шунингдек, Белгияда, белгиланган ижтимоий гуруҳ (денгизчи ва дипломатлар болалари)га йўналтирилган катор хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатади.

Ўқувчилар бошланғич мактабни тугатиб, худди шундай 3 та 2 йиллик босқичдан иборат ўрта мактабга ўтадилар. Бу босқичда ўқувчилар фанларни маълум гуруҳлар орасидан танлашлари шарт бўлади ва бу танлов маълум даражада уларнинг дарс жадвалини аниқлаб беришга асос бўлади. Дарс жадвалидан бу танланган фанлардан ташқари ҳамма учун мажбурий фанлар ҳам жой олган. Масалан, давлат тили ва жисмоний тарбия фанлари ва ҳоказо.

#### **Белгия ҳудудида 4 типдаги ўрта мактаблар фаолият юритади:**

Умумий таълим берувчи ўрта мактаб (Алгемееен Сесундаир Ондервижс, (АСО)). Мазкур типдаги муассасалар ўқув дастурида мактаб битирувчиси 6 йил тўлиқ таълим олиб, ўқишни олий ўқув юртида давом эттириши кўзда тутилган. Меҳнат бозорида АСО тугатганлик тўғрисидаги дипломли шахсларга эҳтиёж мавжуд эмас, чунки мазкур типдаги муассасаларда таълим кўп ҳажмли назарий билимлар бериш фанларга қаратилган бўлиб, амалий ва касбий тайёргарлик кўзда тутилмаган.

Техник ўрта мактаблар (Течнисч Сесундаир Ондервижс, (ТсО)) иккита: ТТК ва СТК каби “типча”га бўлинади. И “типча”даги мактабларда таълим техник жиҳати томонига йўналтирилган, ИИ “типча”га - амалий муассасаларга ихтисослашган. Мазкур таълим муассасаларда математика, тиллар, тарих, табиий фанларга урғу берилади, лекин АСОга нисбатан билим ҳажми камроқдир. СТК битирувчилари меҳнат бозорига чиқишга тайёр, ТТК битирувчилари эса, одатда, ўқишни давом эттиришни: ихтисоси бойича бир йил кўшимча таҳсил олиш, туризм, савдо, соғлиқни сақлаш каби соҳалар бойича бакалавр ёки ҳаттоки магистр даражасини олишни афзал кўришади.

Касбий-техник ўқув юртлари (Бероепс сесундаир ондвервижс (БСО)) дурадгор, заргар, ғишт терувчи (курувчи) уста каби ўзига хос мутахассисликлар бойича таълим таклиф этишади. БСО — фақат белгия ўрта таълимида мавжуд бўлган таълим муассасаси типидир, бундан кейин олий таълим олиш имконияти кўзда тутилмаган. Агарда ушбу таълим муассасаси битирувчиси кўшимча йил (7 ёки 8) ўқиш истагини билдирса, бу кўшимча ўқув йилидан кейин битирувчига ТсО дипломига эквивалент бўладиган диплом беришади.

Ўрта бадиий таълим муассасалари (Кунст сесундаир ондвервижс (КСО)). Ушбу ўқув юртлар санъат соҳаси бойича олий маълумотга эга бўлиш учун университет ёки коллежга ўқишга кириш учун талабаларни тайёрлайдилар. Танлаган йўналишига қараб, актерлик маҳорати, хореография, мусика ёки тасвирий санъат устувор бўлиши мумкин.

## **Белгияда олий таълим: университетлар ва олий мактаблар<sup>25</sup>.**

Белгия олий таълими ўзининг кўхна анъаналарига эга. Ўқитиш жараёни ва замонавий илм-фанни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ўртасидаги боғлиқлик Белгия таълим тизими учун анъанавий ҳисобланади. Белгияда ўқишни танлаш жараёнида эътиборни, асосан, ишлаб чиқариш (масалан, технологиялар) ва бизнес (халқаро бизнес, иқтисодиёт, бошқарув, ҳуқуқ, молия ва бошқа)лар билан боғлиқ бўлган дастурларга қаратиш керак бўлади. Бунда, албатта, таълим олиб бориладиган тилни билиш тўғрисида далиллар бўлиши керак. Белгиядаги таълим халқаро бизнесга йўналтирилганлиги олий ўқув юртлари битирувчилари учун катта имконият беради.

Белгия таълимига француз, фламанд ва немис ҳамжамиятлари жавобгар. 6 ёшдан 16 ёшгача ва кечки мактабларда 18 ёшгача бўлган барча болалар учун таълим мажбурий ва бепулдир. Саводсизлик деярли тугатилган. Белгияликлар болаларининг ярими хусусий, аксарият қисми католик черковларга тегишли бўлган мактабларда таҳсил олади. Қарийб барча хусусий мактаблар давлат томонидан томонидан ёрдамга бериладиган маблағ – субсидия билан таъминланади.

Мактаб таълимининг биринчи босқичи - олти йиллик бошланғич мактаб ҳисобланади. Ўрта таълим аксарият ҳолларда учта икки йиллик босқичдан иборат бўлиб, унинг дастлабки тўрт йили мажбурийдир. Биринчи ва иккинчи босқичлар ўқувчиларининг таҳминан ярми умумпедагогик тайёргарлик, бадиий таълим олишади ёки техник ёхуд ҳунармандчилик тайёргарликдан ўтади; бошқалар эса таълимнинг умумий курсини ўташади. Охири гуруҳининг таҳминан ярим ўқувчилари битиргандан кейин университетга кириш ҳуқуқини берувчи ўрта мактабнинг олий босқичида таълим олишни давом эттирадилар.

Белгияда 7 та академия ва 8 та университет фаолият кўрсатади. Белгияда олий таълим қадимги анъаналарга эга: биринчи олий ўқув юрти - Лувен католик университети ҳисобланади. У 1425 йили Мартина В папаси ташаббуси ва брабант герцоги Жана ИВ кўрсатмасига биноан ташкил топган. 1517 йили Роттердам ҳам Лувенда уч тил (иврит, лотин, грек) мактабига асос солди ва унинг намунасида Парижда Франция коллежи яратилди.

Ҳозирги кунда Белгиянинг аҳолиси 10 млн.дан ортиқ кишидан ташкил топган бўлиб, у ерда қарийб 180 та олий таълим муассасасида 280 минг нафар талаба таҳсил олади. 1970 йили француз тилида сўзлашиладиган Баллония, нидерланд тилида сўзлашувчи Финландия, икки тилда сўзлашиладиган Брюссель ва немис тилида сўзлашиладиган Германия билан чегарадош бўлган Баллония шарқидаги туман 4 та лингвистик ҳудуд мамлакат конституциясида мустақамланди.

Ўша вақтдан бери маориф федерал вазирлиги фақатгина ўрта таълимнинг мажбурийлигини назорат қилади ва барча босқич бўйича таълим тўғрисидаги диплом ва сертификатларни беришнинг талабларини белгилайди. Таълим бўйича бошқа масалалар тиллар ҳамжамияти ваколатига киради. Шундай

---

<sup>25</sup>National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.- 9 p.

қилиб, олий таълим масалалари Фламанд ҳамжамиятининг таълим ва давлат хизмати вазирлиги, француз ҳамжамиятининг олий таълим, илмий тадқиқотлар, халқаро алоқалар ва спорт вазирлиги ҳамда немис тилида сўзлашувчи ҳамжамиятнинг таълим, маданият, илмий тадқиқотлар, ҳайкаллар ва диққатга сазовор жойлар вазирлиги ваколатидадир.

Ақлнинг танқидийлигини тараққий эттириш учун ўқитувчи таълим жараёнида ўспиринларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига, ақлий қобилият имкониятларига, ақлий ўсиш кўрсаткичига, мазмундорлигига, фикрнинг теранлиги ва чуқурлигига, ташаббускорлиги ва сермахсуллигига, ўқувчининг ўқув предметларига қизиқишига, нутқ маданияти ва сўз бойлигига, шахсий позиция ва нуқтаи назарига, эътиқоди ва дунёқарашига, ўқув фаолиятининг усулларини эгаллаганлик даражасига, ўз - ўзини бошқариш, ўз - ўзини назорат қилиш, ўз - ўзини баҳолаш, ўз - ўзини қўлга олишга билимлар тизимининг даражасига, ўқув кўникма ва малакасини, фикр юритиш шаклига (хукм, хулоса чиқариш, тушунча, терминлардан фойдаланиш имкониятига), мантиқ операциясига (асослаш, исботлаш, далиллаш, изланиш, ишонч ҳосил қилиш) алоҳида эътибор бериши ўқитиш самарадорлигини ошириш гаровидир.

Воқеликни ички боғланишлари, муносабатлари, қонуниятларини англашда, шунингдек, ўқувчи онгида, тафаккурида реалистик қарашларни шакллантиришда ақл - заковат ҳал қилувчи роль ўйнайди<sup>26</sup>.

### **Университет типигаги ўқув юртлар ва Олий мактаблар<sup>27</sup>.**

1970 йил 7 июлдаги қонунга мувофиқ ОўЮлар университет типигаги ўқув юртлар ва Олий мактабларга бўлинади. Аслини олганда 7 та Белгия университети фаолият юритади: Льеж давлат, Монсе-Енодаги Университет, Гент давлат, Брюссель эркин (француз тилида ва алоҳида фламанд), Лувен католик (француз тилида ва алоҳида фламанд). Улар қаторида бир нечта хорижий университет бўлимлари (Брюссель ва Антверпенда), ҳамда университетга тенглаштирилган қатор Белгия ОўЮ (одатда улар университет факультети, марказ, бирлашма ёки жамғарма номларига эга) фаолият юритади.

ОўЮларнинг бир қисми - юқорида номлари қайд этилган ҳамжамиятлар ҳукуматлари бюджетидан молиялаштириладиган давлат, ёки «расмий» ўқув юртлар. Бошқалари шахсий маблағлар ҳисобидан - хусусий, шахс ёки ташкилотлар томонидан очилган ва “мустақил”, “эркин” номларига эга бўлишган. Уларнинг аксарияти Белгияда, анъанага кўра, таълимнинг барча босқичларини, шу жумладан олий таълимни, ташкил этиш ва молиялаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган Рим католик черкови раҳбарлигида очилган. Баъзи мустақил ўқув юртлар, хусусан, католик университетлар ҳамжамиятлар ҳукуматлари кўмагидан фойдаланишади.

Брюсселдаги мустақил университет - Нидерланд тилида ўқитиладиган

<sup>26</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p. 79-81

<sup>27</sup> National Student Fee and Support Systems in European Higher Education. - 9 p.

университет ҳисобланади. 1970 йили нидерланд тилидаги факультетлар 1834 йили ташкил этилган Брюссель эркин университети таркибидан алоҳида университет бўлиб ажралиб чиққан. Ушбу университетлар номларидаги “эркин” сўзи уларнинг мураккаб ўқув юрти эканини билдиради.

Ҳар иккала типдаги университет етарли маблағга эгаллиги сабабли Белгиядаги ҳеч бир ўқув юртлири тармоқларига давлат ва католик черковга тегишли эмас.

Улар эркин илмий тадқиқотлар принципига бўйсинади ва шиорлари ҳам бир хил: “Қаронғиликни илм билан енгиш”. БЕУ, юқорида қайд этилганидек, 1834 йили ташкил топилган ва таълими фақатгина француз тилида, 1934 йилдан бошлаб голланд тилида олиб борилади. 1970 йили эса Нидерланд тилида ўқитиладиган факультетлар эркин университетларига ажратилади. Шундай бўлсада ҳар иккала университет ўзаро ҳамкорлик дастурини амалга оширади. Факультетлари:

- ҳуқуқ ва криминология;
- иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фанлар;
- психология ва педагогика;
- табиий фанлар;
- тиббиёт ва доришунослик;
- файласуф ва филология;
- техник (муҳандислик) фанлар;
- жисмоний тарбия;
- ўқитувчиларни тайёрлаш фанлараро гуруҳ.

Шунингдек, университетга тенглашган ўқув юртлири таркибига Қиролнинг ҳарбий мактаби ҳам қиради. Университет дипломи мавжудлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ маълум давлат мансаб, лавозимларини эгаллаш ва жамоат аҳамиятига эга (адвокат, врач ва бошқа) мутахассисликлар бўйича фаолият юритиш учун руҳсат олиш учун керакдир. Алоҳида ҳолатларда Белгия университетлари чет элликларга Белгияда ишлаш ҳуқуқига эга бўлмаган диплом беришади. Университетда таълим олиш энг кам муддати 4 йилдир, лекин баъзи мутахассисликлар бўйича 10-12 йил таҳсил олиши мумкин.

Университетдаги ўқишлар кўп поғоналидир: университетда таълим олишнинг ҳар бир даври ёки циклли университет илмий даражасини олиш учун қуйидаги даражаларини олиши билан тугатилади:

Курс	Давомийлиги	Даража
<b>(Таянч)-Базавий</b>	2 йил	кандидат (таълимнинг бошқа тизимида бакалавр дипломига мос келади)
<b>Асосий</b>	3 йил	лицензиат (таълимнинг бошқа тизимида магистр дипломига мос келади)
<b>Қўшимча</b>	2 йил	доктор (мутахассис)

<b>Олий</b>	2 йил	олий таълим агрежеси
-------------	-------	----------------------

“**кандидат**” даражаси - 2 ёки 3 йиллик таянч таълим олганидан кейин берилади. Бу 1-цикл ҳисобланади (кейин эса таълимнинг 2-цикли, яъни ихтисос (соҳа) бўйича тайёрлаш бошланади;

“**лицензиат**” - бакалавр даражасига мос келади, мутахассислиги бўйича 2 ёки 3 йиллик қўшимча таълим олиши ва илмий иш ёзганидан кейин берилади.

Баъзи фанлар бўйича кўп муддатли ўқишдан кейингина ушбу даражага эришиш мумкин: муҳандислик, фармацевт, ҳуқуқ соҳалари бўйича мутахассисликлари учун - 3 йил ёки медицина, жарроҳлик ва доялик (акушерлик) ихтисослиги бўйича доктор унвонига эга бўлиши учун 4 йил ўқишлари шарт.

“**доктор**” - магистр даражасига тўғри келади, мазкур даражага “лицензиат” даражасини олгандан кейингина камида яна 1 йил таҳсил олиб, диссертацияни ёзиб, албатта уни ёқлаш талаб этилади.

“**олий таълим агреже**”си - ушбу иерархия (кетма-кетлик)нинг олий даражаси ҳисобланади ва у докторлик даражасини олиб, 2 йил муддат ўтишидан кейингина берилиши мумкин.

Университетларда, шунингдек университетдан кейинги таълим ёки, одатда, давомийлиги 2-3 йил бўлган “3-чи цикл (босқич) таълими” бордир. Мазкур таълим турининг мақсади инсонларга қўшимча таълим ёки даража олиш учун имконият яратиш ҳисобланади. Баъзи фанлардан университет даражасига эга бўлиш учун кечки ёки дам олиш кунлари курслари ташкил этилиши орқали ёши катта бўлган кишиларга имконият яратилади. Баъзи университетларда таълимнинг “алмашиб келиш”и, яъни таълим олиш жараёни ишлаб чиқаришдаги амалиёт билан алмашиб келади ва “танаффусли таълим” каби шакллари мавжуд. Белгия олий мактаб тизими учун таълим жараёни билан замонавий фанни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича амалий тадқиқотларнинг боғлиқлиги анъана бўлиб қолган.

Илм, фанни ривожлантириш учун университетларнинг бюджетидан 40% гача бўлган миқдордаги маблағ ажртилади. Илмий тадқиқотларининг молиялаштирилиши вазирлик, саноат ва қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқотларга кўмак Институти йўналишлари бўйича давлат маблағлари, илмий тадқиқотлар Миллий жамғармаси, шунингдек турли хил компания, жамғарма ва ассоциациялар йўналиши бўйича хусусий (шахсий) манбалар ҳисобидан амалга оширилади<sup>28</sup>.

1995 йил 8 августдаги “Олий мактабларда таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги Декрет “узун” ва “қисқа” типдаги таълимни белгилаб берди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, олий ўқув юрти номидаги “институт” ёки “университет” сўзлари мазкур ўқув юрти ўз битирувчиларига олий маълумот беради дегани эмас. Қисқа муддатли таълим 3 йиллик (баъзи ҳолларда санъат ва тиббиёт соҳалари бўйича 4 йил) муддатли бир циклдан иборат бўлади. Назарий қисмини ўқитиш навбатма-навбат лаборатория, устахоналардаги

<sup>28</sup>National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.- 9 p

амалий машғулотлар билан биргаликда олиб борилади. Кўпинча фермер, бухгалтерия, ҳамшира, мактаб ўқитувчиси, механик, кутубхоначи, фотограф, котиба каби мутахассисликларда ўқишнинг 1-йилидан бошланади.

Узоқ муддатли олий таълим, баъзи ҳолларда университет даражадаги, узоқ муддатли таълим билан ҳам номланадиган ҳар бири давомийлиги 2 йилдан иборат 2 циклдан иборат.

Белгия олий ўқув юртлари томонидан берилган барча дипломлар европа Иттифоқи давлатлари, шунингдек Исландия, Норвегия, Туркия ва Мальта мамлакатларида эътироф этилади.

Биринчи босқич Градуе диплом берилиши билан якунланади. Иккинчи поғона таҳсилдан кейин Лисенсие дипломи берилади. Институт ва университетларнинг иккинчи поғона битирувчилари учун ягона бўлиб, умумий ҳисобланган учинчи поғонадан кейин битирувчига (Инженеур дипломи) дипломи муҳандис даражаси берилади. Аслида, олий таълим секторлари оралигидаги чегаралар ўзгалар учун ёпиқ ҳамда талабалар навбатдаги таълим босқичини ўз мутахассислигига мос келадиган ҳоҳлаган олий ўқув юртида давом эттириши мумкин.

ОЎЮга кириш имтиҳонлари мавжуд эмас: таҳсил олиш учун ёзилиш тизими мавжуддир. Баъзи ОЎЮлар келажак талабалари учун қўшимча равишда тест синовларини ўтказишади.

### **1.1.5. Франция таълим тизими<sup>29</sup>.**

Франция жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда «Таълим ҳақидаги» қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган «Таълим ҳақидаги қонун»и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар мамлакатнинг ички ташқи сиёсатида ислохотлар юзага келган иқтисодий шароитлар чет эл педагогикасидаги илғор технологияларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблари;
2. Хусусий мактаблар;
3. Оралиқ мактаблар мавжуд.

Ўқитиладиган предметлар ичида француз тили ва адабиёти ўқиш ва ёзув алоҳида аҳамиятга молик бўлиб ҳисобланади. Улар учун дарс вақтининг 30% ажратилади. Ўртача ҳафталик соатлар 26 соатдан иборат дарснинг

<sup>29</sup>National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-20 p

давомийлиги эса 60 дақиқа. Ўқув йили 5 чоракка бўлинади. Француз мактаблари бошланғич синфларда ўқиш эрталабки ва тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар.

Математика она тили ва адабиёти бази предмети тарих, география, меҳнат, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

Франция таълимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади. Бу босқичда тарбияланувчилар қуйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ (2-4 ёш), ўрта гуруҳ (4-5 ёш), катта гуруҳ (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гуруҳи (5-6 ёш) бўлиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулоти эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Тайёрлов босқичи - 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга жисмоний машқлар билан машғул бўлишга мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга мусиқа ва меҳнатга ўргатилади.

Навбатдаги босқич — элементар курс бўлиб бу босқичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олинган билимларни янада такомиллаштирилади.

Бошланғич мактабнинг 3 - босқичи — чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Француз мактабларининг бошланғич босқичида «Гражданлик таълими» «Нафосат таълими» ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига мусиқа тасвирий санъат, спорт киритилган. Ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш уларни рағбатлантириш шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш таълимда узлуксиз ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқувчиларига кўйилган бош талабдир.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Бир сўз билан айтганда ўқитувчи болалар билимига тўла масъул экан унинг услуб танлашига мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар берилади.

1990 йилдаги ҳукумат қарорига мувофиқ мактабгача тарбия ва бошланғич таълимига модуллаштириш, болаларнинг билимига у ёки бу фанга мойиллигига қараб табақалаштириш, дарс жадвалини ҳам шу асосда тузиш ҳуқуқи берилади. Бундай дарс жадваллари йиллик ярим йиллик чораклик асосида тузилиши ҳам мумкин.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда :

Биринчи босқичда қуйидаги предметлар ўргатилади: француз тили ва адабиёти, чет тили (инглиз, немис, испан, италян тиллари), тарих, Франция географияси математика, тиббий фанлар.

Шундай қилиб 6-5-синфлар умумий ўрта таълим беради, 4-3-синфларда ўқувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади. Биринчи босқич якунлагач ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар.

Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб 2- синф кичик 1- синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва диплом иши учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат маиший хизмат кўрсатиш информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутаяди.

Сиртки таълим шахобчалари жуда кенг бўлибу 500 турдаги ўрта олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимига эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалаларқонунчилик ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жиҳатларни ўрганади ўқиш якунлангач суҳбатдан тест имтиҳонларидан ўтадилар.

**Франциянинг таълим**<sup>30</sup> тизими бой ва қадимий тарихга эга. Бу ерда "Таълим ҳақида"ги Қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб, 1975 йилда унга бир қатор ўзгартишлар киритилган.

Франциянинг ҳозирги даврида амал қилаётган "Таълим ҳақида"ги Қонуни 1989 йил 10 июлда қабул қилинган. Францияда таълимнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш, шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир.

Мамлакатда мактаблар давлат, хусусий, оралик мактабларига бўлинади.

---

<sup>30</sup>National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.- 20 p.

Ўқитиладиган фанлардан француз тили ва адабиёти, ўқиш ва ёзишга 30фоиз ажратилган. Умуман, 45 фоиз дарслар гуманитар йўналишда, қолганлари табиий фанлардир.

Синфларнинг ўртача ҳафталик дарслари 26 соатдан иборат, дарсларнинг давомийлиги эса 60 минут, синфлардаги болаларнинг ўратча сони 35-40 та, ўқув йили 5 чоракка бўлинади.

Бошланғич синфлардаги ўқиш эрталабки ва тушдан кейинги қисмларга бўлинади. Эрталаб ўқувчилар она тилидан, тушдан кейин эса математика ва бошқа предметлардан сабоқ оладилар. Франция мактабларида она тили ва адабиёти ҳамда математика база предметлари, тарих, география, меҳнат таълими, жисмоний тарбия предметлари эса ривожлантирувчи предметлар ҳисобланади.

**Таълим тизимлари.** Франция таълим тизимининг дастлабки босқичини мактабгача тарбия ташкил этади. Бу босқични "Оналар мактаби" деб ҳам юритилади. Бундан кўзланган асосий мақсад болаларнинг мактабдаги шароитини ўз шароити билан яқинлаштириш, уларга оиладагидек илиқ муносабатни шакллантиришдан иборат. Уларни мустақил ҳолда ҳам, мактабларнинг бошланғич синфлари базасида ҳам ташкил этилган. Франция таълим тизимида болаларнинг гўдаклик чоғиданоқ мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш ғоят муҳим масала ҳисобланади.

Мактабгача тарбия босқичида тарбияланувчилар куйидагича табақалаштирилган: кичик гуруҳ 2 ёшдан 4 ёшгача; ўрта гуруҳ 4 ёшдан 5 ёшгача; катта гуруҳ 5 ёшдан 6 ёшгача.

5-6 ёшлилар мактабга тайёрлов гуруҳи бўлиб, уларга Францияда 100 фоиз шу ёшдаги болалар қамраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алоҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

#### **Бошланғич таълим<sup>31</sup>.**

Танқидий машғулот мулжали – катта бўлмаган миқдорда мазмунни танқидий тажрибага ўхшашушлаб туриш, назариялар учун фаразни, қайсики қабул қилинса: ҳақиқатда ҳам шундай ҳал қилувчи тажрибалар мавжуд (Lakatos, 1970)<sup>32</sup>.

Францияда бошланғич мактабларга 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич таълим барча учун мажбурий ва бепул.

Бошланғич таълимга қўйилган асосий талаб ўқувчиларга ифодали ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдан иборатдир.

Францияда таълим олаётган чет эл фуқаролигига мансуб кишиларнинг фарзандларига уларнинг ватани, халқи, тарихи, тили ва адабиётини ўрганиш учун факультатив курслар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бошланғич синфлада ўқиш 5 йил бўлиб, ўқиш 3 босқичга бўлинади:

- Тайёрлов босқич - 1 йил. Бунда болалар ҳисоблашга, ўқиш ва ёзишга,

<sup>31</sup>National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-20 p.

<sup>32</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p.92-95.

куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга, жисмоний машқлар билан машғул бўлишга мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга, меҳнат қилишга ўргатиладилар. Ўқиш машғулотлари эрталаб соат 9 дан 12 гача, ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Овқат пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган.

- Иккинчи босқич -элементар курс бўлиб, бу 2 йил давом этади. Тайёрловдаги билимлар янада такомиллаштирилади. Тайёрлов бўлимида бир ўқитувчи ишласа, элементар босқичда 2 ўқитувчи (ҳар бири бир йилдан) ишлайди.

- Учинчи босқич- чуқурлаштирилган босқич. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади.

Дастурларда ўқув предметларининг барчасига уч босқич бўйича аниқ, алоҳида-алоҳида талаблар қўйилади.

Масалан:

Ўқиш

### **1-босқичда ўқувчи:**

1. Босмадан чиққан барча нашрларни (китоб, газета, журнал, луғат, эълон, хат) бир-биридан ажрата олиш;

2. Хатни ўқиш тамойилларини (сатр боши, сарловҳа, боб, бетларнинг кетма-кетлиги)ни ўрганиб олиш;

3. Матн таркибини аниқлай олиш;

Мустақил машғулотларда китоблардан, луғатлардан фойдалана олиш.

### **2-босқичда:**

1. Ўтилган материал мазмунини элементар баён қилиб бера олиш;

2. Матнда иштирок этган шахсларни аниқлаш, номини билиш, тасвирлаб бериш;

3. Синтетик таҳлил қила билиш (урғу, тиниш белгилари).

### **3-босқичда:**

1. Ифодали, тез ва аниқ, овоз чиқариб ҳамда ўзича ўқиш, ўқиш қоидаларини тўла шакллантириш, саволларга оғзаки ва ёзма жавоб қайтариш, расмларни изоҳлаб бериш;

2. Матндаги ноаниқ сўзларни аниқлаш ва уни тез таржима қилишни билиш;

3. Синф кутубхонасини ташкил этишда иштирок этиш;

4. Баён қилинган ахборотни тинглаш ва тўғри қабул қилиш;

5. Сўзларни оғзаки ва ёзма фонетик таҳлил қилиб бериш;

6. Соддалаштирилган матнлар билан ишлашни билиш.

Бошланғич мактабнинг уч босқичда ўқув жараёнида тарих, география бўйича ҳам жиддий талаблар асосида билим берилади.

Франция мактабларининг бошланғич синфларида фуқаролик таълим предмети ҳам ўқитилади. Бунингмазмуни шундан иборатки, ўқувчилар оила, мактаб, синф олдида маълум бир масъулият сезишлари лозим. Уларни ёшлигиданоқ ўз дўстларини, синфдошларини, оила аъзоларини ҳурматлаш, улар меҳнатини қадрлаш, жамоатчилик ишида ўзини тутиш каби инсоний ҳислатларни сингдиришдан ташқари, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёт,

бошқариш ишлари тузилиши, шаҳар мери, шаҳар кенгаши уларнинг вазифалари, сайлов тизимлари, сайл оолди компаниясининг қўйилиши моҳияти ва бошқалар ўргатилади.

Ўқувчилар ўз мамлакатининг сиёсий ҳаётини англаб етишлари, у ҳақда элементар фикр беришни билишлари лозим. Франция мактабларида нафосат таълимига ҳам алоҳида аҳамият берилади, бу таълим уч таркибдан иборат: мусиқа, тасвирий санъат, спорт.

Таълим турли цикллар орқали амалга оширилади. Таълимни цикллаштириш ўқитувчи фаолиятига кенг эркинликлар беради, унинг педагогик масъулиятини оширади.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Ўқитувчи болалар билими учун маъсул экан, унинг услуб танлашига, мустақил ҳаракат қилишига тўла эркинликлар ҳам берилади.

1990 йилдаги ҳукумат қарорига мувофиқ, мактабгача ва бошланғич таълимга модуллаштириш, болаларни билимига у ёки бу фанга мойиллигига қараб табақалаштириш, дарс жадвалини ҳам шу асосда тузиш ҳуқуқи берилди.

### **Ўрта таълим<sup>33</sup>.**

Ўқувчилар 11 ёшдан ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим 2 босқичда берилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил бўлиб, энг кичик синф6-синф, 5,4- ўрта, 3-синф энг катта синфҳисобланади. Биринчи босқичда француз тили ва адабиёти, чет тили (инглиз, немис, испан, италян тиллари), тарих, география, математика, табиий фанлар ўқитилади.

6-5-синфларумумий ўрта таълим беради, 4-3синфларда ўқувчиларнинг қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади.

Биринчи босқич якунлангач, ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Иккинчи босқичда ўқувчилар 15-18 ёшдатаълим оладилар. Бунда ўқиш 3 йил давом этиб, 2-синф кишик, 1-синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва дипломи учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Умумий таълим йналишидаги уч йиллик таълим лицейларида адабиёт тарихи, она тили ва адабиёти, лотин тили, чет тили, тарих, география, экономика каби фанлар ўқитилади. 1 йиллик техник лицейларда йўналишига қараб математика, физика, химия фанлари ўқитилади. Чет тили ўрганишга катта эътибор берилади.

Гувоҳнома олганларидан сўнг олий педагогика институти, политехника институти, олий маъмурий мактабларга имтиҳон билан қолган олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

### **Олий таълим.**

Францияда қуйидаги билим масканларида олий таълим берилади:

-Университетлар

<sup>33</sup>National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-20 p.

- олий технология мактаблари
- олий муҳандислик мактаблари
- олий архитектура мактаблари
- олий тижорат мактаблари
- сиёсий фанлар олий мактаби
- олий педагогик ва филология билимгоҳлари
- олий тиббиёт ўқув муассасалари
- олий бадиий мактаблар
- малака ошириш олийгоҳлари.

Олий таълимда уч циклда билим берилади. Биринчи цикл умумий, ёки техник, илмий соҳада олий маълумот олиш билан якунланиб, ўқиш 2 йил давом этади. Иккинчи циклда ўқиш 1 йил давом этиб, талабалар униметризи, магистр даражалари билан якунлайдилар. Учинчи цикл 1-2 йил давом этиб, бунда:

- бирон-бир предметни чуқурлаштириб ўрганилганлиги учун диплом (бир йил);
- ихтисослаштирилган олий маълумот тўғрисида диплом (бир йил);
- учинчи цикл докторлик диссертацияси (1,2 йил);
- давлат докторлик диссертацияси - бирон-бир соҳани мукаммал ўрганиб, диссертация ёзиш каби ҳужжатлар олиш мумкин.

Францияда олий профессионал таълим бериш кейинги 30 йил давомида қарор топди. Бу қисқартирилган махсус таълим бўлиб, унда ўқиш 2 йил давом этади. Ўқув университетлар ёки техник лицейларда амалга оширилади. Унинг битирувчилари ишлаб чиқариш соҳасида, хизмат кўрсатиш соҳасида ва бошқаларда раҳбарлик лавозимларида ишлайдилар.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мавжуд. Улар одатда саноат, маиший хизмат кўрсатиш, информатика мутахассисликларига ихтисослаштирилган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб, дарслар ҳафтасига 30-35 соатни ташкил этади, 8 ҳафталик ишлаб чиқариш амалиёти ҳам ўтказилади.

### **Сиртқи таълим<sup>34</sup>.**

Францияда сиртқи таълим 1 млн кишини қамраб олиши мумкин.

Сиртқи таълим хусусий ёки давлат таълим шохобчаларида амалга оширилиши мумкин. Мамлакатда миллий сиртқи таълим маркази фаолият кўрсатмоқда, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади. Одатда таълимнинг бу тури оилавий шароит, иқтисодий шароитлар туфайли мактабда ўқишни давом эттириш имконияти бўлмаган кишилар учун мўлжалланган. Сиртқи таълим катта ёшлилар узлуксиз таълимнинг муҳим шохчаси бўлиб қолган.

## **1.2. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳияти<sup>35</sup>**

<sup>34</sup>National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-20 p.

<sup>35</sup>“Mobilising the Brainpower of Europe: Enabling Universities to Make Their Full Contribution to the Lisbon Strategy.” Communication from the Commission, COM (2005) 152 final, 12. Brussels: European Union, 2005. [http://ec.europa.eu/education/policies/2010/doc/comuniv2005\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/education/policies/2010/doc/comuniv2005_en.pdf).

**Модулли ўқитиш-ўқитишнинг** истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини вожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қуйидаги жадвалда келтирдик.

<b>Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган</b>	<b>Модулли ўқитиш технологиясига асосланган</b>
Бир томонга йўналтирилган ахборот. Бир томонлама мулоқот (дарслик→ўқитувчи→ўқувчи) Ахборот олиш Хотирада сақлаш Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш.	Фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш. Икки томонлама мулоқот Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш Билим ва кўникмаларни намойиш этиш Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қилади.

Модулли ўқитиш таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади.

- Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;

- ўқитишни индивидуаллаштириш;

- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;

- касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;

- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;

- талабалар тайёргарлиги даражасига;

- кутиладиган натижалар баҳосига;

- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;

- модуллар натижаси ва таҳлилига.

**Модулли ўқитишда** ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқувматериалини мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли ўқитиш фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқномали маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотилари маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

**Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усуллари қўллаш мумкин<sup>36</sup>:**

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик суҳбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнларва ҳоказо.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари аниқланди:

- фанлар ва фанлар ичидаги модулар орасидаги ўқитиш узлуксизлигини таъминланиши;
- ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлигини ўрнатилиши;
- фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги;
- талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;
- талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуаллаштиришни тавсия этиши мумкин);
- ахборотни «сиқиб» бериш натижасида ўқитишни жадаллаштириш аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маърузавий амалий (тажрибавий) машғулотилари ндивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш.

Бунинг натижасидаталаба етарли билимларга кўникмага эга бўлади.

Модулли таълим асосида ўқитишда фаолиятлик, тизимли квантлаш, қизиқтириш, модуллилик, муаммолилик, когнитив визуаллилик, хатоликларга таяниш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим<sup>37</sup>.

*Ўтказилган тадқиқотларга кўра модулли методика асосида ўқитишнинг*

<sup>36</sup>“Mobilising the Brainpower of Europe: Enabling Universities to Make Their Full Contribution to the Lisbon Strategy.” Communication from the Commission, COM (2005) 152 final, 12. Brussels: European Union, 2005. [http://ec.europa.eu/education/policies/2010/doc/comuniv2005\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/education/policies/2010/doc/comuniv2005_en.pdf).

<sup>37</sup>“Mobilising the Brainpower of Europe: Enabling Universities to Make Their Full Contribution to the Lisbon Strategy.” Communication from the Commission, COM (2005) 152 final, 12. Brussels: European Union, 2005. [http://ec.europa.eu/education/policies/2010/doc/comuniv2005\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/education/policies/2010/doc/comuniv2005_en.pdf).

*қуйидаги тамойиллари очиб берилди.*

1. *Фаолиятлилиқ тамойили:* Бу тамойил мутахассиснинг касбий фаолияти мазмунига мувофиқ шаклланишини англатади. Бу тамойилга кўра модуллар фан бўйича фаолият ёндашуви ёки тизимли фаолият ёндашув асосида тузилиши мумкин. Модулли ўқитиш технологиясига фан бўйича фаолият ёндашувида модулларни ўқув режаси ва дастурлар таҳлили натижасида тузишни тақозо этади. Тизимли фаолият ёндашувида модуллар блоқи мутахассиснинг касбий фаолияти таҳлили асосида шакллантирилади.

2. *Тизимли квантлаш усули-* бу принцип дидактик бирликлар умумлаштирилган назарияларининг талабларига асосланади.

Модулда тизимли квантлаш тамойили ўқув материалининг тегишли тузилмасини тузиш йўли билан эришилади. Модул умумий кўринишда қуйидаги элементлардан иборат бўлиши мумкин:

- тарихий - бу муаммо теорема, масала, кашфиёт ва тушунчаларнинг тарихига қисқача шарҳ бериш;

- муаммоли - бу муаммони шакллантириш;

- тизимли - бу модул таркиби тизимини намоён этиш;

- фаоллаштириш - бу янги ўқув материални ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч иборалар ва ҳаракат усуллари ажратиш кўрсатиш;

- назарий - бу асосий ўқув материали бўлиб, унда - дидактик мақсадлар муаммони ифодалаш гипотезани асослаш муаммони ечиш йўллари очиб кўрсатилади;

- тажрибавий-бу тажрибавий материални (ўқув тажрибаси тажрибавий ишни) баён этиш;

- умумлаштириш - бу муаммо ечимини ва модул мазмунини умумлаштириш;

- жорий этиш- бу ҳаракатларнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва ўрганилган материални амалиётда қўллаш;

- хатоликлар – талабаларнинг модул мазмунини ўрганишдаги ўзлаштиришда кузатиладиган хатоликларини очиб ташлаш, уларнинг сабабини аниқлаш ва тузатиш йўллари кўрсатиш;

- боғлиқлик- ўтилган модулни бошқа модуллар билан шу жумладан ёндош фанлар билан боғлиқлигини намоён этиш;

- тест ва топшириқлар ёрдамида баҳолаш - модул мазмунини талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўқув материалининг ўзлаштирилишига машғулотлар пайтида модулнинг амалий аҳамияти қай даражада очиб кўрсатилганлиги модул мазмунининг бошқа модуллар билан боғлиқлиги шу модулни ўрганишдаги талабаларнинг бир хил хатоликлари таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

3. *Қизиқтириши тамойили* – бу тамойилнинг моҳияти таълим олувчининг билим олиш фаолиятини рағбатлантиришдан иборат бўлади. Модулнинг ўқув материалига қизиқишни уйғотиш, билим олишга рағбатлантириш, машғулотлар пайтида фаол иштирок этиш, ижодий фикрлашга даъват этишм одулнинг тарихий ва муаммоли элементларининг вазифалари ҳисобланади.

4. *Модуллилиқ тамойили-* бу тамойил ўқитишни

индивидуаллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Биринчидан модулнинг динамик тузилмаси фан мазмунини уч хил яъни тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган кўринишда намоён этиш имкониятини беради. Ўқитишнинг у ёки бу турини танлаш талабанинг ўзига ҳавола қилинади.

Иккинчидан модул мазмунини ўзлаштиришда ўқитиш усули ва шаклларнинг турлилигида ҳам модуллилик намоён бўлади. Бу эса ўқитишнинг фаоллаштиришга шакл ва усуллар (диалог, мустақил ўқиш, ўқув, имитацион ўйинлар ва ҳоказо) ҳамда муаммоли маърузалар семинарлар маслаҳатлар бўлиши мумкин.

Учинчидан модуллилик янги материални поғонасимон ўзлаштиришда таъминланади, яъни ҳар бир фан ва ҳар бир модулда ўқитиш оддийдан мураккабга қараб йўналган бўлади.

Тўртинчидан модулга кирувчи ўқув элементларининг мосланувчанлиги туфайли ўқув материални мунтазам равишда янгилаб туриш имконияти туғилади.

5. *Муаммолилик тамойили*- муаммоли вазиятлар ва машғулотларни амалий йўналтирилганлиги ўқув материалининг ўзлаштирилиш самарадорлигини ошишига имкон беради.

Машғулотлар пайтида гипотеза қўйилади, унинг асосланганлиги кўрсатилади ва муаммонинг ечими берилади. Кўпчилик ҳолларда бизнинг ўқитувчилар дарсларда фақатгина далиллар келтирадилар. Масалан АҚШда ўқитувчи масалани ўрганиш услубини, ўзи қўйган муаммонинг ечим йўллари, тажриба хусусиятини, унинг натижаларини кўрсатади ва тушунтиради. Яъни у тадқиқотчи ёки маслаҳатчи сифатида намоён бўлади.

Биринчи навбатда айниқса ана шу нарса талабани қизиқтириб қўяди унда ижодий фикрлаш ва фаолликни туғдиради.

6. *Когнитив визуаллик (кўз билан кузатиладиган) тамойили*-бу тамойил психологик-педагогик қонуниятлардан келиб чиқади. Ўқитишдаги кўргазмалар нафақат сўроқ вазифасини, шу билан бирга когнитив вазифани бажарган тақдирдагина ўзлаштириш унумдорлигини оширади. Айнан шунинг учун когнитив графика-сунъий интеллект назариясининг янги муаммоли соҳаси бўлиб, мураккаб объектлар компьютер суръатчалари кўринишида тасвирланади. Модулнинг таркибий тузилмаси бўлиб рангли бажарилган когнитив-график ўқув элементлари хизмат қилади. Шунинг учун расмлар модулнинг асосий бош элементи ҳисобланади. Бу эса:

Биринчидан, талабанинг кўриш ва фазовий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради;

Иккинчидан, ўқув материали мазмунини ўзида зич жойлаштириб равшан кўрсатувчи расм талабада тизимли билим шаклланишига ёрдам беради.

Учинчидан, рангли суратлар ўқув материални қабул қилиш ва эслаш самарасини оширади ҳамда талабаларни эстетик тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Кўргазмали маълумот оғзаки маълумотдан кўра аҳамиятлироқ ва унумлироқдир. Кўриш механизмининг маълумотни ўтказиш қобилияти

эшитишниқидан кўра анча юқоридир. Бу эса ўзнавбатыда, кўриш тизимиға инсон қабул қилинадиган маълумотнинг қарийб 90 фоизини етказиш имкониятини беради. Унданташқари кўргазмали маълумот бир вақтнинг ўзида берилади. Шунинг учун маълумотни қабул қилиш ва эслашға оғзаки маълумотдан кўра кам вақт талаб этилади. Кўргазмали маълумот ишлатилганда таассурот ҳосил бўлиши оғзаки баёндан кўра ўртача 5-6маротаба тезроқ кечади.

Инсоннинг кўргазмали маълумотға ишончи, оғзаки маълумотдан кўра юқори бўлади. Шунинг учун “юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрмоқ афзалроқдир” деб беиж айтилмаган.

Шу билан бирға кўргазмали маълумотда абул қилиш ва эслаш унуми уни кўрсатилиши орасидаги муддатни узоқлиғиға боғлиқ бўлмайди. Оғзаки маълумотнинг ўзлаштирилиши эса, бунға боғлиқ бўлади. Ўрни келиб яна бир муҳим тафсилотни қайд этиш лозим: символли-кўргазмали маълумотни қабул этиш ўқитиш самарасини оширади, яъни ўқув-илмий адабиётдан ва компьютер техникаси воситасида олинадиган маълумотни кўпайтиришу чун шарт-шароит яратиш зарур. Бу эса ўқитишни индивидуаллаштириш зарурлигини кўрсатади.

7. *Хатоликларға таяниш тамойили*- бу тамойил ўқитиш жараёнида доимий равишда хатоликларни излаш учун вазиятлар яратилишиғаталабаларнинг рухий фаолияти функционал тизими аркибида олдиндан пайқаш тузилмасини шакллантиришға қаратилган дидактик материаллар ва воситаларни ишлаб чиқишға йўналтирилган бўлади.

Бу тамойилнинг амалға оширилиши талабада танқидий фикрлаш қобилиятини ривожланишиға ёрдам беради.

8. *Ўқув вақтини тежаш тамойили* - бу тамойил талабаларда индивидуал ва мустақил ишлаш учун ўқув вақтининг захирасини яратишға йўналтирилган бўлади. Тўғри ташкил қилинган модулли ўқитиш ўқиш вақтини 30%ва ундан ортиқ тежаш имкониятини беради. Бунға эса модули ўқитишнинг барча тамойиллари тўла амалға оширилганда, ўқув жараёни компьютерлаштирилганда ёндош фанларнинг ўқув дастурлари мувофиқлаштирилганда эришиш мумкин. Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар натижасида модулли ўқитиш – талабаларнинг билим имкониятларини ижодий қобилиятларини ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара бериши аниқланди. Модулли методика асосида ўқитишда фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашға ўқитишни жадаллаштиришға талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишға ва баҳолашға қизиқтириш асосида амалий фаолиятға ўргатишға ҳамда ўқув материални босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришға эришилади.

### 1.3. Модулли-кредит тизими<sup>38</sup>.

---

<sup>38</sup>“Mobilising the Brainpower of Europe: Enabling Universities to Make Their Full Contribution to the Lisbon Strategy.” Communication from the Commission, COM (2005) 152 final, 12. Brussels: European Union, 2005. [http://ec.europa.eu/education/policies/2010/doc/comuniv2005\\_en.pdf](http://ec.europa.eu/education/policies/2010/doc/comuniv2005_en.pdf).

### 1.3.1. Модулли -кредит тизимнинг аҳамияти ва моҳияти.

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техник тараққиёт ўзининг юксак чўққиларига эришди. Илмий техник тараққиётининг (ИТТ) ҳозирги даражаси шундаки фан техника ва технология ривожининг эришилган суръатларини мамлакат қай даражада ривожланган бўлмасин алоҳида олинган мамлакатда уни таъминлаб бўлмайди. ИТТ кейинги ривожифақат турли мамлакатлардаги олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги илмий-тадқиқот ишларнинг интеграцияси натижасида амалга оширилиши мумкин. Фантехника ва технологиянинг тараққиёти таълим тараққиёти даражаси билан чамбарчас боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак таълим соҳасидаги халқаро интеграциянинг устуворлиги яққол муаммога айланиб қолади.

Бу кредит технологияни яратилишини ва қўлланишининг долзарблигини белгилайди. Чунки таълим соҳасидаги халқаро интеграллашуви энг аввало ўқув жараёнини кредит технологияси асосида ташкил этишига таянади.

Таълим соҳасидаги интеграцион жараёнлар илк бор Европада бошланган эди. 1989 йилда Европанинг минглаб талабалари Европа ҳамжамиятининг ERASMUS (European Community Action Scheme for mobility of University students) TEMPUS ва бошқа дастурлари асосида чет элларда таҳсил олиш имкониятига эга бўладилар.

ERASMUS дастури бўйича Европа ҳамжамияти университетлари ўртасидаги талабалар алмашинуви схемаси даставвал 145 олий ўқув юртини қамраб олган эди.

ERASMUS дастурининг ютуқларидан бирибу Европа университетларидаги ўқитиш натижаларини ўзаро тан олиш тизими – (бу) (European Credit Transfer System (ECTS) ни яратиш синаш ва амалиётга кенг қўллаш деб айтиш лозим<sup>39</sup>.

2001 йилда ўқув жараёнини ташкил этишнинг кредит технологияси ECTS Европанинг 1200 та университетларида аллақачон қўлланилган эди.

2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларациясининг имзоланиши Европа таълим ҳудудини яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Болонья декларациясига кўра дипломларнинг ўзаро тан олиниши, яъни ўқитиш натижаларини якуний кўрсаткичларнинг ўзаро тан олиниш муддати – 2010 йил деб белгиланган эди.

Болонья декларациясига кириш учун қуйидаги дастлабки талаблар қўйилади:

- Олий ўқув юртига 12 йиллик таълим;
- икки босқичли олий таълим-бакалаврият ва магистратура;
- ўқув жараёни ва ўқитиш натижаларини баҳолаш ECTS кредит технологияси асосида ташкил этилиши.

“Кредит” атамаси (ECTS- credit) – синондан ўтди, маълум бир курсни ўқув юртида ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома маъносини англатади.

<sup>39</sup>ERASMUS Network for Music ‘Polifonia’. <http://www.polifonia-tn.org/>.

Creditда “Кредит – шартли синов бирлиги бўлиб, талабанинг ўқув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги ҳақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўқувфанига маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Кредит бирликлари сониталабаларнинг меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади.

**ECTS кредитлари- бу ягона Европа таълим ҳудудини яратишнинг (ибтидосидир) бошланишидир.**

Талабанинг меҳнат сарфи – аудитория машғулотлари мустақил ишлар ва ўқув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади. Яъни ECTS кредитлари фақат аудитория соатлари билан чегараланмасдан талабаларнинг тўла юкмасига таянади. Шунинг учун ECTS кредитларини талаба меҳнат сарфининг ўқув фанлари бўйича шартли-сонли ифодаси деб ҳисоблаш мумкин.

Одатда ўқув режасидаги фанларга ажратиладиган кредитлар сони 3 га тенгундан кўп ва кам сонли фанлар ҳам мавжуд.

ECTSда кредитлар йиғиндиси семестрда – 30ўқув йилида – 60бакалавриятдаги ўқув даврида – 240 ни ташкил этади.

ECTS кредитлари барча ўқув фанларига яъни мажбурий ва талаба танлови асосида фанларга тақсимланади. Улар мазкур фан бўйича курс лойиҳалари ва ишларининг мавжудлигини ҳисобга олишлари зарур.

Ўқув фанига ажратиладиган кредитлар миқдори, фаннинг мураккаблигига ва ўзлаштириш боғлиқ бўлади. Яъни ҳар қандай мураккаб фан ҳам катта миқдордаги кредитларга эга бўла олмайди.

Агар мураккаб фан билиш ва тушуниш даражасида ўзлаштириладиган бўлса, кам мураккабли ўқув фани малака даражасида ўзлаштирилса табиийки охиргисига кўпроқ кредитлар ажратилади. Шунинг учун турли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун, бир фаннинг ўзи турли ўқув дастурларига ва унга мувофиқ турли меҳнат сарфи ва кредитларга эга бўлиши мумкин.

Кўришиб турганидек бизнинг мамалкатимизда биринчи ва иккинчи талаблар бажарилган. Энди навбат учинчиги бажаришда – яъни ўқув жараёнини кредит технологияси асосида ташкил этиш.

*Ушбу технология асосида ўқув жараёнини ташкил этишдан мақсад нимадан иборат?*

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ECTS кредит технологиясига ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- хорижда ўқишни давом эттириш учун олий юртини танлашда шарт-шароит яратиш;
- Ўзбекистонда таълим олган муддатини хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш;
- Европа олий ўқув юртлари ўқув режаларини ўрганиш ва шу асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш;

- талабалар қобилиятини тўлароқ очилишига ва ўқитишнинг юқори натижаларига эришиш<sup>40</sup>.

### 1.3.2. ECTSнинг асосий тамойиллари.

ECTSқуйидаги асосий тамойилларга таянади:

**1. *Transferancy***- бу ECTS тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиқлик муҳити шакллантирилади.

Ахборот тарғиботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- алмашиш схемасига киритилган талабаларнинг ўқиш натижалари ҳақида бир-бирига ўз вақтида ахборот етказиб туриш;
- олий ўқув юртларининг ўз ахборот пакетлари билан мунтазам алмашиб туришлари, таълим хизматлари доирасида бир-бирини имкониятларини ўрганиш;
- олий ўқув юртларида, ECTS ҳақида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.

**2. *Agreement*** – талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаторлари орасида тайёрлаш мазмуни, ўқув тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидаги фарқни бартараф этиштартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англатади.

**3. *Credits*** – Host университетда (қабулқиладиган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post – университетда ( талабани бошқа ОТМга жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.

**4. *Таълимнинг инсонпарварлашуви*** – бу шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобиятининг очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлиш имкониятини беради.

**5. *Таълимнинг индивидуаллаштируви*** – бу ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70%ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70%ни, аудиториядаги иши эса 30%ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

**6. *Таълимнинг самарадорлиги*** – гуруҳда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70%гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан ўз қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. Ушбу билан таълимнинг самарадорлиги таъминланади.

---

<sup>40</sup>Commission of the European Communities. “Delivering on the Modernisation Agenda for Universities: Education, Research, and Innovation.” Communication from the Commission, COM(2006) 208 final, 16. Brussels: European Union, 2006.  
[http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM\(2006\)\\_208.pdf](http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM(2006)_208.pdf).

 *ECTS тамойиллари – шахснинг ўз қобилиятини тўла ривожланиши ва рўёбга чиқариши ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиши зарурийлигини кўзда тутуди.*

### **1.3.3. ECTSнинг хусусиятлари<sup>41</sup>.**

Замонавий ўқитиштехнологияси, олий таълим муассасасининг жиҳозланганлиги, профессор-ўқитувчилар таркиби фақат даражали, юқори малакали кадрлардан иборат бўлиши, ўқитишнинг юқори сифатлари – ECTS учун дастлабки зарурий талаблар ҳисобланади. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ушбу тизими, куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

#### Ўқув режаси бўйича:

Барча ўқув фанлари икки гуруҳга бўлинади – мажбурий ва талаба танлови асосидаги фанлар. Бу нисбатан тахминан 1:2 га тенг қабул қилинади; Ҳар бир талаба шахсий ўқув режасига эга бўлади.

Асосий ҳужжат транскрипт (transcript of records) у хусусиятларнинг унификациялашган ҳужжат бўлиб, ягона шаклда тузилади, ўқитиш натижаларини тан олиш учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Транскриптда, талабанинг мазкур давлатда қабул қилинган баҳолаш тизимида ҳам, хусусиятлар тизими бўйича ҳақ олган баҳолари, олинган хусусиятлар кредитлари бўйича маълумотлар келтирилади:

- Ҳар бир семестрда ўрганиладиган фанларнинг сони 3...5та бўлиши;
- Мустақил ишга ажратилган соатлар, аудитория соатларидан кўп бўлиши;
- Кредит ўзида талабанинг ўқув фанини ўзлаштириш учун зарур бўлган барча меҳнат сарфларини мужассамлаштирди. Ўқув фани учун ажратиладиган кредитлар сони, аксарият ҳолларда 3 га тенг бўлади.

 Ўқув фани дастурининг мазмуни (syllabus) қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ✓ ўқув фанининг тўлиқ номланиши ва унинг ўқув режасидаги тартиб рақами;
- ✓ ўқув фанини ўрганиш мақсади;
- ✓ ўқув фанининг қисқача мазмуни;
- ✓ тақвимий режа, машғулотлар жадвали билан;
- ✓ ўқитиш технологияси;
- ✓ талабанинг масъулияти ва унга қўйилган талаблар;
- ✓ талабалар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари;
- ✓ асосий ва қўшимча адабиётлар рўй хати.

 Ўқитувчининг ўқув юкларини ҳисоблашда:

Умумий меҳнат сарфи миқдори (аудитория ва мустақил иш соатлари) бир ўқув йилида 750-800 соатни ташкил этиши – эътиборга олинади.

 Ўқитиш жараёнининг асосини:

<sup>41</sup>ERASMUS Network for Music ‘Polifonia’. <http://www.polifonia-tn.org/>.

- ✓ шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари;
- ✓ талабанинг мустақил ишида, ўқитувчи маслаҳатчи сифатида иштирок этади;
- ✓ талаба ўқув фанини ва ўқитувчини танлаш ҳуқуқига эга.

 Ҳар бир талабага ахборот пакети берилади. У қуйидагиларни ўз ичига олади.

- Олий таълим муассасаси ҳақида маълумот;
- Ўқув режаси;
- Ўқув жараёнининг графиги;
- Ўқув фанларининг мазмуни;
- Олий таълим муассасида қабул қилинган таълим тизимининг методик хусусиятлари ҳақида маълумотлар;
- талабалр билимини баҳолаш тизими ва баҳолар шкаласи ҳақида маълумотлар;
- ижтимоий-маиший шарт-шароитларга тегишли маълумотлар;
- тарихий ва маданий соҳага оид маълумотлар;
- қўшимча таълим хизматлари тўғрисида маълумотлар

 *ECTS – олий мактабда ўқув жараёнини ташкил этишнинг демократик тизимининг намунаси*дир.

#### **1.3.4. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси<sup>42</sup>.**

Давлат таълим стандартларига таяниб тузилган ўқув режаси, ўқув жараёнини ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида ўқув фаолияти турлари бўйича меҳнат сарфлари аниқланади. Ўқув фаолияти турлари бўйича меҳнат сарфларини ҳисоблаш намунаси 21.1.-жадвалда келтирилган.

Кредитларни ҳисоблаш ва уларни ўқув фаолиятлари турлари, блоклар ва алоҳида фанлар бўйича тақсимлашда ўтиш коэффициентини аниқлаш зарур

( $K_{\text{ўм}}$ ).

$$K_{\text{ўм}} = 240 : 8262 - 0,029$$

Бу ерда: 240 – бакалавриатнинг ECTS бўйича умумий меҳнат сарфлари йиғиндиси, соат.

Кредитлар сони меҳнат сарфини ўтиш коэффициентига (0,029) кўпайтириб торилади.

Ўқув фаолияти турлари, блоклар ва алоҳида ўқув фанлари бўйича кредитларни ҳисоблаш намуналари қуйидаги жадвалларда келтирилган.

#### **1.3.1 -жадвал**

 **Ўқув фаолияти турлари бўйича кредитлар тақсимоти намунаси**

№	ДТС асосида ўқув	Ҳафта-	Аудито-	Умумий	Кредит
---	------------------	--------	---------	--------	--------

<sup>42</sup>ERASMUS Network for Music ‘Polifonia’. <http://www.polifonia-tn.org/>.

	фаолиятининг ногми	лар сони	рия соатлари	ўқув юкламаси	
1	Назарий ва амалий таълим	136	[136·36]	136·54=7344	7344·0,029=213
2	Малакавий амалиёт	12	432	648	19
2.1.	Ишлаб чиқариш амалиёти	4	4·6·6=144	4·6·9=126	6
2.2.	Педагогик амалиёт	8	288	432	13
3.	Битирув иши	5	5·36=180	5·54=270	8
4.	Аттестация	19			
5.	Таътил	32			
<b>Жами:</b>		<b>204</b>	<b>5508</b>	<b>8262</b>	<b>240</b>

☝ Жадвалдаги маълумотларни ҳисоблашда ҳафталик аудитория ўқув юкламаси- 36 соат, талабаларнинг меъёрий ҳафталик меҳнат сарфи – 54 соат қабул қилинган.

☝ Замонавий ўқув режаси бўйича, ECTS бир кредитнинг тахминий қиймати талабанинг 34,4 соат меҳнат сарфига тенгдир.

### 1.3.2- жадвал

☝ **Фанлар блоклари бўйича кредитларни тақсимоти назарияси**<sup>43</sup>

№	Фанлар блокларининг номланиши	Аудитория соатлари	Умумий ўқув юкламаси	Кредит
1.	Умумгуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1214 (≈25%)	1726	50
2.	Математик ва табиий-илмий фанлар	846 (25%га)	1292	37
3.	Умумкасб фанлари	2034 (50%га)	3682	89
4.	Ихтисослик фанлар	468 (≈10%)	794	23
5.	Қўшимча фанлар	334 (≈5%)	450	14
6.	Малакавий амалиёт	432 6	648 9	19
7.	Битирув иши	180	270	8

<sup>43</sup>ERASMUS Network for Music 'Polifonia'. <http://www.polifonia-tn.org/>.

<b>Жами</b>	<b>5508</b>	<b>8262</b>	<b>240</b>
-------------	-------------	-------------	------------

### 1.3.3- жадвал

№	Фаннинг номи	Меҳнат сарфи (соат)	Ҳисоб бўйича кредит	Кредит
<i>I курс: Кузги семестр</i>				
1.	Ўзбекистон тарихи	110·0,29	3,2	3
2.	Иқтисодиёт назарияси	85·0,29	2,5	3
3.	Ўзбек (рус) тили	55	1,6	2
4.	Чет тили	43	1,3	1
5.	Жисмоний маданият	58	1,7	2
6.	Информатика	110	3,2	3
7.	Иқтисодий география	80	2,3	2
8.	Иқтисодий таълимотлар тарихи	86	2,5	3
9	Иқтисод учун математика	110	3,2	3
10	Ёш даврлар физиологияси ва гигиенаси	54	1,6	2
11	Талаба танлови фанлари	182	5,3	5
<b>Жами:</b>		<b>972</b>	<b>28,4</b>	<b>29</b>

### 1.3.4 - жадвал

#### Ўқув фанлари бўйича кредитлар тақсимооти намунаси

<b>I курс: баҳорги семестр</b>				
1.	Ҳуқуқшунослик	55	1,6	2
2.	Ўз.Р.Конституцияси	55	1,6	2
3.	Иқтисодиёт назарияси	98/98	2,8	3
4.	Ўзбек (рус) тили	55	1,6	2
5.	Чет тили	43	1,3	1
6.	Жисмоний маданият	57	1,7	2
7.	Информацион технологиялар ва тизимлар	108	3,2	3
8.	Иқтисодчилар учун математика	110	3,2	3
9.	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика	110	1,8	3
10.	Иқтисодий география ва экология	60	2,4	2
11.	Замонавий табиий	82	2,9	2

	фанлар концепцияси			
12.	Иқтисодчилар учун информацион технологиялар	97	4,3	3
13.	Психология	150	3,2	4
14.	Талаба танлови фанлари	110	31,6	3
<b>Жами</b>		1080	60	31
<b>Ҳаммаси:</b>		202	60	60

### 1.3.5. Кредит технологияси бўйича талабалар билимини баҳолаш методикаси<sup>44</sup>.

Ўқув жараёни кредит технологияси асосида ташкил этилганида, аксарият ҳолларда 4 балли баҳолар шкаласини қўллаб, 100 фоиз баҳолаш тизими ишлатилади.

Масалан: А-4 б; В-3,5 б; С-3 б; D -2,5; Е-2 б; F- 1,5 б;F-1 б.

100 фоизли баҳолаш тизими қуйидагича тақсимланиши мумкин: машғулотларша қатнашиши – 5%, жорий тестлаш – 30%, одатда 3 марта 10% дан; мустақил ишларни бажариш – 15%, ўртача 3 марта 5% дан; лаборатория ишларини бажариш – 10%, курс лойиҳаси (иши)ни бажариш -10%; якуний имтиҳон -30%.

6.4-жадвал келтирилган баҳолар мезонларидан 10 фоизли баҳолаш тизимида қўлланилганида фойдаланиш мумкин.

**1.3.1- жадвал**

### Баҳолаш мезонлари

Баҳолар таърифи	Шартли белгиси	Ўзлаштириш %	Баҳолаш мезони	Тайёргарлик даражаси
Аъло	А	90-100	Билимларни умумлаштиради ва баҳолайди, таҳлил этади, тушунади, билади	4-даража ижод даражаси
Жуда яхши	В	80-90 таҳлили	Таҳлил этади, қўллайди, тушунади, билади	3-даражаси кўникма, малака ва даражаси (автоматик)
Яхши	С	70-80 қўллаш	Қўллайди, тушунади, билади	3-даражаси кўникма ва малака даражаси
Қониқарли	Д	тушуниш	Тушунади, билади	2-даража қайта тиклаш даражаси
Етарли	Е	50-60 билиш	Билади	1-даражаси тасаввур этиш даражаси

<sup>44</sup>ERASMUS Network for Music ‘Polifonia’. <http://www.polifonia-tn.org/>.

Етарли эмас, кўшимча яна ишлаш талаб қилинади	FY	40-50	Ёмон билади	0-даражаси ёмон тасаввур этади
Етарли эмас, кўшимча яна жуда ҳам кўп ишлаш талаб қилинади	F	40 кам	Умуман билмайди	0-даражаси умуман тасаввур этмайди

Ўқув фани материалнинг 90-100% ўзлаштириши “аъло” баҳога тўғри келади. Бу тайёргарликни 4-даражасига тенглаштирилади ва “ижод даражаси” деб белгилайди.

Ўқув фани дастури камида 50%ўзлаштирилганида “етарли” баҳоси қўйилади, бу ўзлаштиришнинг тасаввур даражаси” деб белгиланади. Ўқув фанининг 40%дан кам ўзлаштириши, тайёргарликнинг 0-даражаси, яъни “умуман тасаввур этмайди” деб ҳисобланади.

#### 1.4.Замонавий таълим шакллари: **blended learning (аралаш ўқитиш)**, масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар<sup>45</sup>.

##### **4.1. Масофали ўқитиш.**

Бугунги кунда ахборотлар шиддати ва янгиликлар оқими тобора кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Бу эса ўз ўрнида ҳар бир шахсдан фикрий етукликни, тўғри мушоҳада юрита олишни, ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришни тақозо этади. Айниқса бу жараён жамиятнинг сезиларли қисмини ташкил этувчи ёшлар онги ва шуурида кескин бурилишлар, янгича қарашларни вужудга келишига таъсир кўрсатади. Таълим мазмунини такомиллаштириш, интеграциялаш, ахборот технологияларига асосланган таълимни ташкил этиш эса ана шундай тезкор давр тақозосидир.

Соғлом фикр юритувчи ва маънавий жиҳатдан мукамал, ақлан етук, фикран теран, ривожланган шахсни тарбиялаш таълимда ёш хусусиятларига эътиборли бўлиш, ўқитишда таълимнинг барча бўғинлараро алоқадорлигини таъмин этиш ва шахс онги ва тафаккурида янгича ғоя, тасаввурлар шаклланишига имкон берувчи замонавий фаол усуллардан фойдаланишни талаб этади. Олий таълимдаги ижтимоий, гуманитар фанлар доирасида таълимни ноанъанавий усуллари қўлланилиши талаба ёшларнинг ижодий тафаккурини шаклланишида, мулоқот имкони кенгайишида, воқеа-ҳодисаларга нисбатан баҳолашлари ва қарашларини шаклланишида, шунингдек, дарс жараёнида вужудга келган қизгин мунозара ва мантикий ечимларни бевосита иштирокчиси сифатида ўз фаолиятдан психологик қониқиш ҳисси вужудга

<sup>45</sup>Commission of the European Communities. “Delivering on the Modernisation Agenda for Universities: Education, Research, and Innovation.” Communication from the Commission, COM(2006) 208 final, 16. Brussels: European Union, 2006. [http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM\(2006\)\\_208.pdf](http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM(2006)_208.pdf).

келишида муҳим аҳамиятга эга.

Педагогика фани билимлар соҳаси ва ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тенденциялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганишни илмий тушуниш илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади. "Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади". Шу билан бирга миллий ғоялар ва анъаналарда қурилган таълим ҳар доим миллий ривожланиш масалаларига жавоб беришини эсда тутиш керак.



Бундай таълимнинг техник ёки ташкилий шакллари турлича бўлиши мумкин баъзан умуман одатдан ташқари тасаввур қилиб бўлмаган кўринишларга эга бўлиши мумкин. Аммо бизнинг чуқур ишонч ҳосил қилишимизга охир-оқибат одамнинг таълим олиши натижаси фақат ўқув фаолияти шакллари шу жумладан масофавий таълим билан белгиланмайди, балки ўқув жараёни қуриладиган таянч психологик - педагогик мазмунга боғлиқ бўлади. Айнан мана шу мазмунларини излаб топиш миллий менталитетга нисбатан масофали таълим асосларини ишлаб чиқиш бошланғич вазифаси ҳисобланади. Бу "нарс" турли рамзий амалиётлар экранларида акс эттирилиб намоён бўлади. Фикри сезгилари ва ҳаракатларида моддийлашади. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти бой чет эл ва миллий тажрибалар тадқиқотлар йўналишлари умуман долзарблигини тасдиқлайди. Янги педагогик ахборот ва телекоммуникатсия технологиялардан фойдаланишга асосланган таълим олиш усулидан бири ҳисобланган масофали таълим моҳиятини тушунишга бизни яқинлаштиради. Таълимнинг синтетик интеграл ва гуманистик шакли ҳисобланувчи масофали ўқитишнинг айнан назарий ва амалий масалалари таълимни ислоҳ қилиш шароитларида миллий таълим тизими олдида турган муаммолар катта қисмини ҳал этиши керак.

Чет эл таълим тизимларида масофали ўқитишнинг ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини ўрганишда таълим муассаларида масофали ўқитишни амалий ташкил қилиш турли шакллари ва вариантларини ҳамда масофали

таълимни дидактик таъминлаш воситаларини таҳлил қилишга эътиборни қаратиш зарур.

Солиштириш методи моҳиятини хитой олими Х. Шу ва Н. Чжоулар тўла очиб берадилар: "Агарда миллат вақт ўқида ўзининг турган жойини тарихий ёки "вертикал" солиштиришлар билан аниқлай олса шунда у миллатлараро ёки "горизонтал" солиштиришлар ёрдамида дунёдаги ўз ўрни тўғрисида яхшироқ тасаввурга эга бўлади. Шу билан бир вақтда "вертикал" солиштириш ишонч уйғотади "горизонтал" эса реалист бўлишга мажбур этади".

Масофали таълим<sup>46</sup> - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро алоқалар протоколлари аппарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат.

Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами.

Келтирилган тушунчалардан таққослаш тадқиқотини ўтказишда дунёда масофали ўқитиш таълим муҳити қандай шаклланишига асосий эътиборни қаратиш зарурлиги кўриниб турибди. Шу билан бирга бизни биринчи навбатда таълимнинг мана шу соҳаси ривожланиши тенденциялари қизиқтиради.

Умуман таълимнинг ноанъанавий шаклларига ўтишда дунё тенденциялари янги ахборот технологиялари бўйича тайёргарлик олиб борувчи касбий ўқув юрталарининг сони ортиб бориши кузатилади. Университетлар ташкилий тизимларининг бирлаштирилиши масофали таълимнинг ўзига хос тенденцияси ҳисобланади. Мисол учун охириги йилларда масофали университет таълими ташкилий тузилиши янги тури- университетлар консорсиуми ривожланмоқда. Бир неча университетлар фаолиятини бирлаштирувчи ва бошқарувчи махсус ташкилот масофали таълим хизматларини кўрсатмоқда. Университетлар консорсиуми турли университетларда ишлаб чиқилган абитуриентлар учун курслардан тортиб илмий даража олишгача бўлган курслардан иборат курслар тўпламини тақлиф этади.

Ғарбий Европада олий таълим олиш даражасидан масофали таълим "очиқ университетлар" деб аталувчи шаклларда амалга оширилади. Миллий очиқ университетлар кўп жиҳатдан сиртки таълим ташкилий принципларидан фойдаланадилар. Очиқ таълим асосида - ўқитувчилар ўзлари олдиларида турган таълим мақсадларига эришишга интилиб тўла мустақил йўналадиган таълим

---

<sup>46</sup>Commission of the European Communities. "Delivering on the Modernisation Agenda for Universities: Education, Research, and Innovation." Communication from the Commission, COM(2006) 208 final, 16. Brussels: European Union, 2006. [http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM\(2006\)\\_208.pdf](http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM(2006)_208.pdf).

муҳити пухтаишлаб чиқилган<sup>47</sup>.

Таълимнинг очиклиги принципи куйидагини англатади: олий ўқув юртига очик ўқишга қабул қилишияъни зарур ёшга етишдан ташқари (18 ёш) ҳар қандай шарт ва талаблардан воз кечиш; ўқишни очик режалаштириш яъни курслар системасидан йўли билан ўқиш индивидуал дастурини тузиш эркинлиги; ўқиш вақти ва суръатларини эркин танлаш, яъни бутун йил давомида талабаларни олий ўқув юртига қабул қилиш ва белгиланган ўқиш муддатларининг йўқлиги; ўқиш жойини эркин танлаш: ўқув вақти асосий қисмида талабалар ўқув аудиторияларида жисмонан бўлмайдилар ва қаерда ўқишни мустақил танлай оладилар.

Очиклик принципини амалга ошириш катта ташкилий янгиликларга олиб келди уларни ахборотларни сақлаш қайта ишлаб чиқиш ва етказиш янги технологияларини татбиқ этиш ҳисобига амалий амалга оширилиши мумкин бўлди.

Мисол учун ўтган аср 90-йилларида телеконференциялар ўтказиш технологияси асосида масофали таълим янги модели пайдо бўлди. Моделнинг асосини ўқитувчилар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро алоқалар асосий шакли ҳисобланган ҳақиқий вақт давомида ҳам бўлиши мумкин бўлган телеконференциялар ўтказишдан иборат. Шу билан бирга телеконференциялар ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ҳам ва ўқувчиларнинг ўзлари ўрталарида ҳам ўтказилиши мумкин. Булар аудио аудиографик видео-компютерли телеконференциялар бўлиши мумкин. Телетаълим модели яқинда пайдо бўлди, лекин у замонавий таълимда ташкил этишда тубдан ўзгаришларга олиб келмоқда. Мана шу асосида замонавий таълимнинг янги ташкилий шакли - виртуал университетлар ривожланаётганлигида бу яққол намоён бўлмоқда<sup>48</sup>. Ўқишнинг бу шаклини биз янги таълимнинг энди пайдо бўлаётган модели сифатида қараймиз. Мазкур моделида ўқув мақсадларида фойдаланиладиган телеконференциялар технологиясига эга бўлган таълим тизимини қайта қуриш мавжуд имкониятлари амалга оширилади. Бу технологиялар талабалар гуруҳларига ва алоҳида ўқитувчиларга бир-биридан ҳар қандай масофадан туриб ўқувчилар билан ва ўзаро учрашиш имконини беради. Бундай замонавий телекоммуникация воситалари босма матнлар аудио ва видеотасмалар ўрнини босувчи компютерли ўқув дастурлари билан тўлдирилади.

Хотира – таълимнинг таянч компоненти ҳисобланади, чунки маълум бир хотирасиз таълим бўлмайди. Фан тадқиқотида олиб бориладиган катта йўналиш талабаларни билим ва тушуниш жараёнларини тадқиқ қилишга уринади, лекин таълим олувчининг хотираси жихатларини ўрганади. Бироқ, “хотира” – аклий ривожланиш регистрининг рўйхатида туради (2 Боб), ва унинг асосий фаолияти ҳар кунлик коммуникацион тармоқларда ишлатилади ва меъёрдаги

<sup>47</sup>Commission of the European Communities. “Delivering on the Modernisation Agenda for Universities: Education, Research, and Innovation.” Communication from the Commission, COM(2006) 208 final, 16. Brussels: European Union, 2006. [http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM\(2006\)\\_208.pdf](http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM(2006)_208.pdf).

<sup>48</sup>Commission of the European Communities. “Delivering on the Modernisation Agenda for Universities: Education, Research, and Innovation.” Communication from the Commission, COM(2006) 208 final, 16. Brussels: European Union, 2006. [http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM\(2006\)\\_208.pdf](http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM(2006)_208.pdf).

ривожланишида кўришимиз мумкин (Боб 2). Шундай қилиб, ҳар кунги тажриба одам тасаввурини қўллаб қувватлаяпти, мен нимани эсимда бор ва нимани сақлашим керак, бу хотиралар бирор жойда ва ҳар кунлик суҳбатда, мен фараз қиламан бошқа одамларда ўхшаш субъектив воқеалар бор<sup>49</sup>.

Ўспирин йигит ва қизлар гоҳо фикр юритишга эриниб, дарслик ва қўлланмаларда баён қилинган материалларни ҳеч ўзгаришсиз (уларни тушуниб олмасдан) «тайёр ҳолда» эгаллашга (уқиб олишга) интилиб, ҳатто дарсликларда ва бошқа бирламчи манбаларда ҳам жавоби кам учрайдиган муаммолар юзасидан ижодий изланишларга ҳаракат қилмайдилар. Лекин ўқувчилар таълим мазмуни, шакли ва ўқув фаолиятининг характери, мақоми уларнинг олдига юксак ақл - заковатли бўлишни талаб қилаётганлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

Ўспиринларнинг характерли хусусиятларидан яна бири, бу уларнинг ўзлаштираётган ўқув материалларини мустақил равишда мавҳумлаштириш (абстракциялаш) ва умумлаштириш имкониятига қодир эканлигидир. Ана шу тариқа фикр юритиш орқали ўқувчиларда назарий тафаккур вужудга келади. Билим ва савиянинг кенгайиши - ўқишга қизиқишни ривожлантиради, у аста - секин ўқув фанларига қизиқишга ўсиб ўтади.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларда назарий тафаккурнинг шаклланишида дарсдан ва синфдан ташқари мустақил машғулотлар, мутолаа қилиш муҳим аҳамият касб этади, жумладан ҳар хил тўғаракларда қатнашиш ўқувчи билимини чуқурлаштириб, билим доирасини кенгайтиради. Агарда тўғараклар шахсий ташаббус асосида ҳукм сурса, йигит ва қизлар уларга қатнашсалар, ижодий изланиш заминига қурилса, у ҳолда кўзланган натижага эришилади. Гуманитар ва табиий фанлар бўйича тузиладиган тўғараклар, олимпиадалар, конкурслар, мактаб амалиётида яхши самара бермоқда. Тўғаракларнинг таъсири остида ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, ақлнинг танқидийлиги, нутқ маданияти ва техникаси, нотиклик санъати ўсади.

Ўспирин йигит ва қизлар тафаккурининг мустақиллик даражасини вужудга келишида ўқитувчи шахсининг роли жуда катта. Биринчидан, ўқитувчи ўспиринларда ўрганилаётган қонуният ва хоссалар тўғрилиги ҳақида ишонч туйғусини ҳосил қияди, ўтилаётган мавзулар мазмуни бўйича қаноатланиш ҳиссини вужудга келтиради, воқеликни исбот қилишга, билдирилган мулоҳазаларни далиллашга ўргатиб боради. Шунинг билан бирга, санаб ўтилган жараёнларни амалга ошириш учун, қўйилган муаммони ҳал этиш учун қулай усул ва методлардан фойдаланиш йўли - йўриқлари билан қуроллантириб боради. Иккинчидан, ўқитувчи ўқувчиларни танишаётган нарса ва ҳодисалар бўйича оригинал, янгича фикр юритишга, ҳар бир ҳолатга ижодий ёндашишга ўргатади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун у уларни мантиқий фикр юритиш усуллари билан таништиради ва фойдаланш йўллари тушунтиради. Учинчидан, ўқитувчи ўспиринлар томонидан қўлланавериб, эскирган, архаик-эскирган терминга айланган сўз ва иборалардан камроқ фойдаланишга, шаблондан-бир хилликдан ҳамиша қочишга ўргатади, уларни ижодий изланишлари сари

<sup>49</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p. 79.

етаклайди. Тўртинчидан, ўқитувчи ўспиринлар олдида билимларни амалиётда татбиқ қилиш вазифасини муаммо тарикасида қўяди. Бешинчидан, ўқитувчи ўспирин ўқувчи йигит ва қизларнинг индивидуал (шахсий) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мавжуд ақлий имкониятларини ўқишга, ижодга сафарбар қилишга интилади. Олтинчидан, ўқитувчи юқори синф ўқувчилари диққатига муаммоли вазиятни, жумбоқни ва топшириқни ҳавола қилади ва қўйилган масалаларни ечиш ва ҳал қилиш босқичлари билан атрофлича таништиради, шунингдек ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга уларни даъват этади. Еттинчидан, ўқитувчи ўқувчиларнинг ҳис - туйғуси ва иродавий хусусиятларини янада мустаҳкамлаш учун яққол йўл - йўриқ кўрсатади, махсус психологик кўрсатмалар (установка) беради, қийинчиликларни енгиш ва уларнинг олдини олиш воситалари билан ўртоқлашади.

Тафаккур ва ақл - заковат бошқа психик (рухий) жараёнлардан ажралган ҳолда тараққий этиши мумкин эмас. Ана шу сабабдан тафаккурнинг ривожланиши билан бир даврда ўспиринларнинг ахлоқий сифатларида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлади, жумладан, нутқ маданияти ўсади. Бу эса ўз навбатида, ўқувчида шахсий фикрини аниқ ва тўғри ифодалаш малакасини таркиб топтиради, нутқ фаолияти тузилишини мустаҳкамлайди, мураккаблаштиради ва луғат бойлигини орттиради.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш малакасини эгаллаб олганлиги, мустақил ақлий меҳнат техникаси ва методлари билан қуролланганлиги, мустақил билим олиш учун кенг имконият очади. Бироқ тафаккурнинг мустақиллиги суғр ривожланганлиги учун ўқувчилар таълим жараёнида ҳар хил мазмундаги, шаклдаги қийинчиликларга дуч келадилар. Бунинг яна бир муҳим сабаби ўқув топшириқларини талабалар олдида нотўғри қўйилиши шунингдек изчил мулоҳаза юритишга ўргатилмаганлигидир. Масаланинг ўқувчи олдида методик жиҳатдан нотўғри қўйилиши оқибатида ўспирин «тайёр мулоҳазалар қули» бўлиб қолаверади. Шу боисдан ўқитувчи юқоридаги мулоҳазали муаммоларни ўқитишда эътиборга олиш мутлақо мақсадга молиқдир. Ўспирин ақл - заковатининг характерли жиҳатларидан бири шуки, вужудга келаётган вазиятни тўғри аниқлашга, уни асослашга, исботлашга бутун диққат - эътиборини қаратишга майли кучли бўлади. Таълим жараёнида ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг чин эканлигига, ҳақиқий моҳиятига ишонч ҳосил қилишга интилиш бу ё ўқувчиларнинг муҳим фазилати ҳисобланади.

Фикр юритишнинг танқидийлиги - ўспирин йигит ва қизлар руҳиятининг муҳим хусусиятидан бири бўлиб ҳисобланади. Атроф - муҳитга, нарса ва предметларга, инсон хатти - ҳаракатига, ўз - ўзига танқидий муносабата бўлиш, фикр юритиш жараёнида ақлий меҳнат қилиш кезида алоҳида аҳамият касб этиб, мустақил фикр билдириш, шахсий нуқтаи назарига эга бўлиш, ўз позициясини ишлаб чиқиш, хатти - ҳаракат дастурини вужудга келтириш сари етаклайди. Ақлнинг танқидийлиги мавжуд бўлса ҳам қатъий мулоҳаза билдириш тажрибасининг камлиги, умуминсоний маданият ҳиссининг заифлиги, тезкорлик билан ақл заковатдан фойдалана олмаслик у ёки бу нарсани юзаки баҳолашга олиб келади, асл

қиймати рўй - рост очиб берилмай қолади.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчи адабиёт фанига ўсмирга қараганда бошқачароқ мақсадда ёндашади. Ушбу мақсад кўп тармоқли бўлиб, турли характердаги муаммо, жумбоқ ва бошқа вазифаларни ҳал этишни назарда тутади. Ўспирин ўзини ҳаяжонга солаётган саволларга китоб саҳифасидан жавоб топишга ҳаракат қилади, ўз дунёқарashi ва шахсий позициясини қиёслашга, персонажлар ичидан ўзига идеал излашга ва ана шуларни амалга ошириш орқали қониқиш ҳиссини намойиш қилишга интилади. Ундаги ақл заковат характеристикаси ўспирин руҳий дунёсининг кўп жиҳатлари етуқлиги билан оилавий турмуш оstonасига кириб келаётганлигидан далолат беради.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ўқувчига ўқитувчининг тайёр билим бериши, ақлни пешлаш машқларини ўтказмаслиги уни зериктириб қўяди, натижада ўқишга, ижтимоий турмушга нисбатан, қизиқиши совуяди. Бундай кўнгилсиз ҳолни вужудга келмаслиги учун ўқитувчи ўқувчини мустақил фикр юритишга йўллаши айна муддаодир.

Ўспирин учун маънавий озуқа бера олмайдиган дарслар фанга нисбатан қизиқишини камайтиради, шунинг учун у маънавий бойлик орттириш йўлини қидиради, вужудга келган маънавий талабни қондиришни истади. Туғулиб келаётган маънавий эҳтиёжни қондириш учун талаба мустақил билим олиш йўл ва усулларини қидиради. Ижодий изланишлар, янги усул, янгича ўқиш услуби ақл - заковатни ўсишига энг муҳим туртки вазифасини бажаради.

Катта мактаб ёшидаги ўқувчилар хусусиятларидан яна бири бу дарслиқда баён қилинган фикр ва мулоҳазалардан фойдаланиб, бадиий асарни мустақил тушуниш сари интилишидир. Аммо бундай интилиш, изланиш ҳамма вақт ҳам бадиий дид малакаси билан мустаҳкам алоқада бўлавермайди. Бунинг асосий сабаби - ўспиринда эстетик дид, бадиий ҳис - туйғуси савиясининг етарли даражада ривожланмаганлигидир.

Агарда адабиёт фани ўқитувчиси ёрдамида ўқувчига меҳнатнинг янгилик яратувчи, бунёдкорлик ҳикмати мавжудлиги, ижтимоий турмушнинг ўзгарувчи фаолият эканлигини яққол тушунтириш имкониятига эга бўлса, шунингдек ҳаёт ва турмуш шарт - шароитлари, уларнинг оддий кўз билан илғаб бўлмайдиган жиҳатлари мавжуд эканлигини намойиш қила олса, нозик эзгу ният, истак ва тилак, нафис ҳис - туйғу қабиларга муайян, аниқ йўл билан етиш сеҳри билан қуроллантурса, у ҳолда ўқувчининг мазкур фанга нисбатан муносабати ижобий томонга ўзгаради.

Ўспирин йигит ва қиз ҳар хил бадиий асарни ўқиш, танишиш ва унинг моҳиятига тушуниш орқали мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилишга борган сари уқуви ортиб боради. Унда мустақил нуқтаи назар, муносабат, шахсий позиция шаклланади. Ўз - ўзидан маълумки, ушбу фазилат ўспириннинг шахсий фикрлаш, мустақил ўйлаши ва қатъий қарорга келишининг натижаси бўлиб, ўзгаларнинг ташқаридан берган маслаҳатининг маҳсули эмасдир. Балким бу нарса ўспиринда фикр юритиш фаолиятини ривожланиб бораётганлигидан далолатдир.

Ўспиринлар томонидан бадиий асарни баҳолаш, унга нисбатан шахсий фикрини билдириш, акс эттирилган воқелик билан бевосита мунозарага

киришиш каби хислатларнинг мавжудлиги тафаккур танқидийлигининг айнан ўзгинасидир. Ноўрин танқидийликка келсак, у эса ўқувчи бадиий диди, нутқ маданияти, теварак - атрофга нисбатан ҳис - туйғуси ва турмуш тажрибасининг камчилигидир.

Айрим юқори синф ўқувчиларида асардаги аллогориялар, эпитет ва метафорларни нотўғри тасаввур этиш ҳоллари учраб туради. Улар шоир ёки адиб фаолиятини таҳлил қилиб, ҳаётда асардаги воқеликнинг асло содир бўлмаслигида айблайдилар, бу нарса жўрттага тўқиб чиқарилган деб даъво қиладилар, ҳатто қаттиқ «қоралашгача» бориб етадилар. Лекин бу бадиий асар компонентлари (таркибий қисми) қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини бўрттириброк кўрсатиш воситаси эканлигини ҳали тўла англаб етмайдилар. Шу сабабдан «фалон нарса бундай бўлмайди, унга ақл бовар қилмайди» деб ишончсизлик кайфиятини изҳор этадилар.

Кузатишларимизнинг кўрсатишича, ўспиринлар бир даврнинг ўзида ҳам шоир, ҳам адиб билан мунозарага киришадилар. Чунончи, асардаги ўхшатиш ва таққослаш, типиклаштириш каби бадиий бўёқлар негадир уларнинг ҳиссиётига, ички мураккаб кечинмаларига мутлақо мос тушмас эмиш. Асарда акс эттирилган ўта нафис дид, кучли ҳиссий пафос билан оламига олиб кириш, фикран мулоҳаза юритиш уларда таажжуб ҳиссини вужудга келтиради. Шунинг учун катта ёшдаги ўқувчиларда адиб ёки шоир билан «келишмовчилик» ғовини вужудга келтиради. Уларнинг тавбурида акс эттирилган воқеалар жуда нурсиз ёритилгандай туюлади. Улар «ўз позициялари»нинг барбод бўлишига қарши «ички кураш» олиб борадилар, маълум давргача ўз фикрларидан воз кеча олмайдилар. Мазкур ҳолатда ўқитувчининг бош вазифаси - бу ўқувчилар тафаккурини шахснинг танқидий сифати билан алмаштириб, уларни воқеликка одилонга танқидий нуқтаи назар билан қарашга ўргатишдан иборатдир.

Шахсий тажрибаларимиздан шу нарса маълум бўлдики, ўспирин йигит ва қизлар муайян образни, яхлит ҳолдаги асарни, муаллиф ижодий фаолиятини баҳолаш жараёнида ҳамма вақт ҳам ўз шахсий қараши, мулоҳазаси ва муносабатини айнан шундайлигича қўллай олмас эканлар. Бундай фактни биз ўспиринлар мустақил ишларини текширишда учратдик. Ёзма ишлар билан ўспиринларнинг жонли мушоҳадасини таққослаганимизда, ёзма ифода билан шахсий мулоҳазалар ўртасида катта фарқ мавжудлигига иқроп бўлдик.

Мазкур феноменни (омилни) аниқлаш учун биз ўспиринларга ушбу саволларга жавоб беришларини талаб қилдик: «Нега ўз шахсий фикрингизни ёзган иншода ифода этмадингиз?», «Авторга, асарга нисбатан асл муносабатингиз шундан иборатмиди?», «Эркин темада ёзилган мустақил ишда нега ўз мулоҳазангизни тўлиқ ифодаламадингиз?», «Агар Сиз асар қаҳрамони ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз?», «Абсолют ҳақиқатни билишга қай тарзда интиласиз, нега улар Сизни тинчлантормади?», «Нима учун Сиз ҳар бир нарсани ўз ақл тарозингиз билан яна бир марта тортгингиз келади?». Ўқувчилар билан кенг кўламдаги савол- жавоб викторинасини ўтказдик. Бундан ташқари, уларнинг мустақил

ёзма ишлари билан яқиндан танишиб чиқдик.

Тажриба натижаларини таҳлил қилганимизда берилган саволларга кўпгина ўспиринлар бир – бирига ўхшаш, маъно жиҳатидан ўзаро яқин жавоблар беришган. Жумладан улар ўз шахсий фикрларини рўй – рост ифода этмаганликларини қуйидагича исботлайдилар: «... агар мен ўз фикримни ва муносабатимни ўз билганимча ёзганимда эди, у ҳолда Сизнинг кўймоқчи бўлган баҳойингиз, ҳозирги қўйиладиган баҳодан бир - икки балл паст бўлар эди. Мен шундай бўлишидан кўрқдим. Чунки менинг шахсий фикримга қарши эканлигингизни биламан-ку!» деб жавоб қайтардилар.

Мазкур мулоҳазалар муаллифлари бўлмиш юқори синф ўқувчиларида тафаккур танқидийлигида беқарорлик хусусияти мавжуд эканлигидан далолат бермоқда. Келтирилган мисолдан шундай хулосага келиш мумкинки, бу ёшдаги ўқувчи ўғил - қизларда фикрида то охиригача қатъий туришнинг иродавий сифати етишмаслиги, мустаҳкам “позицияси” шаклланмаганлиги намоён бўлмоқда. Шу нарса очик, равшан кўзга ташланиб турибдики, юқори синф ўқувчиси хусусиятида ақлнинг танқидийлигига мурасасизларча муносабатда бўлиш майли кучлидир. Уларда намоён бўладиган иккиланиш, шубҳаланиш туйғулари, бизнингча, икки хил сабаб билан изоҳланиши мумкин. Биринчи сабаб - воқелик моҳиятини тўғри англаб ёки тушуниб етмасликда ўз ифодасини топса, иккинчиси - ўқувчининг “ ўз позицияси” да бўш келмаслиги ва ҳодисаларни фаҳмлаб туриб, «ўжарлик» қилишидан иборатдир.

Ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммолар бири - бу ўспирин йигит ва қизларда тафаккур мустақиллигини, ақлнинг танқидийлигини дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда кенг жамоатчилик фикрига суянган ҳолда ривожлантиришдан иборатдир. Ўқитувчи бутун диққат - эътиборини ўспиринларни нарса ва ҳодисалар тўғрисида шахсий фикрини ўзгартирганлиги ёки ўзгартирмаганлиги, бирор нарсани тушуниб олишга муяссар бўлганлиги ёки бўлмаганлиги, агарда тушуниб олишган бўлса, фақат дарсликка асосланибгина англаганлиги, ўз фикрини фақат «дилда» қолдириш шартлиги ва шарт эмаслигини ҳис этганлиги ёки ҳис этмаганлиги каби муаммоларга қаратиши мақсадга мувофиқ. Таълим жараёнининг асл мақсади ва моҳияти ўқувчиларда мурасасозлик ва иккиюзламачилик иллатига йўл қўймасликдан иборатдир.

Ўспирин ўқувчилар кўпинча воқелик ҳақида бошқа бир нарсани гапириб, ҳақиқатдан эса иккинчи бир нарса тўғрисида мулоҳаза юритишга мойилдирлар. Кўпинча, бу ҳолатни фавкулотдаги вазият белгилаб беради. Бунинг учун иншо тўғрисидаги ўқувчилар мулоҳазасини эслатиб ўтиш кифоя.

Ўқитувчи ўспиринларда вужудга келаётган ҳар хил ҳислатларига бепарво қарамаслиги керак. Бу йўлда камчиликларга, хатоликларга йўл қўйилса, инсон шахсини камол топтиришда қатор қийинчиликлар намоён бўлади. Шу сабабдан ўқитувчи - мураббий уларда шахсий қараш, мустақиллик, ақлий тезкорлик, зукколик, зийраклик, позиция, барқарор эътиқод ва илмий дунёқараш вужудга келаётганлигидан мутлақо хавотир олмаслиги, сира кўрқмаслиги, чўчимаслиги даркор. Педагог ўспиринларда шахсий қарашнинг бўлмаслигидан мустақил мулоҳазалардан узоклигидан, тайёр

фикрлар «кули»га айланганлигидан, тўтиқушдай ёд олишга одатланганлигидан ҳадиксирасин, хавотирлансин.

Ақлнинг танқидийлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ўз - ўзини тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ўқувчилар ўзлари бу борада муайян изланишларни амалга оширсалар нур устига нур бўлар эди.

Ақлнинг танқидийлигини тараққий эттириш учун ўқитувчи таълим жараёнида ўспиринларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига, ақлий қобилият имкониятларига, ақлий ўсиш кўрсаткичига, мазмундорлигига, фикрнинг теранлиги ва чуқурлигига, ташаббускорлиги ва сермахсуллигига, ўқувчининг ўқув предметларига қизиқишига, нутқ маданияти ва сўз бойлигига, шахсий позиция ва нуқтаи назарига, эътиқоди ва дунёқарашига, ўқув фаолиятининг усулларини эгаллаганлик даражасига, ўз - ўзини бошқариш, ўз - ўзини назорат қилиш, ўз - ўзини баҳолаш, ўз - ўзини қўлга олишга билимлар тизимининг даражасига, ўқув кўникма ва малакасини, фикр юритиш шаклига (хукм, хулоса чиқариш, тушунча, терминлардан фойдаланиш имкониятига), мантиқ операциясига (асослаш, исботлаш, далиллаш, изланиш, ишонч ҳосил қилиш) алоҳида эътибор бериши ўқитиш самарадорлигини ошириш гаровидир.

Воқеликни ички боғланишлари, муносабатлари, қонуниятларини англашда, шунингдек, ўқувчи онгида, тафаккурида реалистик қарашларни шакллантиришда ақл - заковат ҳал қилувчи роль ўйнайди<sup>50</sup>.

Масофали таълимнинг бундай модели пайдо бўлиши фақатгина масофадан туриб эмас, балки таълим муассасаси қандайлигидан қатъий назар таълим беришни олиб боришга олиб келади. Бундай модел ҳали тўла амалга оширилган эмас. Бу модел катта қийинчиликларга дуч келмоқда хусусан жамоатчилик томонидан тан олинishi ва маълум илмий даража беришдиплом ва сертификатлар бериш ҳуқуқини олиш (виртуалуниверситет аккредитацияси) муаммолари. Мана шу қийинчиликларни йўқотиш ва виртуал университет моделининг тўла ривожланиши замонавий таълим ташкилий тузилишида чуқур ўзгаришларни англатади.

Масофали таълим фақатгина миллий таълим тизими (институционал) доирасидагина эмас балки олий таълим бутун дастурининг тўртдан бир қисмини ташкил этувчи асосан бизнес соҳасида тайёрлашга йўналтирилган алоҳида тижорат компаниялари томонидан ҳам ривожлантирилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. ИБМГенерал Моторс Форд каби ва бошқа компаниялар томонидан хусусий корпоратив таълим тҳармоқлари яратилган. Мана шу таълим тизимларининг кўплиги мураккаблиги бўйича ҳам ва сони бўйича ҳам университетларда яратилган тизимлардан анча илгарилаб кетган. Охирги ўн йилликлар давомида масофали ўқитишнинг ривожланиши узлуксиз таълим воситаси сифатида дунё ҳамжамиятининг диққат маркази объекти ҳисобланади. 1990 йил март ойида Европа комиссияси "Масофали ўқитиш ва

<sup>50</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p. 79-81

касбий тайёрлаш" ишчи ҳужжати қабул қилдибу ҳужжатда таълим "айниқса таълимнинг самаралилиги нуқтаи назаридан қизиқарли.

Юксак сифатли таълим технологиялари марказда ишлаб чиқилиши ва шундан кейин жойларда тарқатилиши мумкин" дейилган. Масофали таълим учун қулай шароитлар яратиш учун 1994 йилда Европа комиссияси "Леонардо да Винчи" дастурини ишга солди. Ушбу дастур "бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълимни ва тайёрлаш янги шакллари" тизимини ривожлантириши керак.

"Сократ" дастури "уйда таълим олишни европа масштабига олиб чиқиш" мақсадини ўз олдига қўяди. Масофали таълим соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш учун бутун дунё масофали таълим ассоциацияси (WAOE) ташкил этилди бу ассоциация масофали таълим минтақавий таълим тизимларини бирлаштиради. Дунёда масофали таълимнинг тизимлари турли-туманлиги хизматлар кўрсатиладиган таълим ва ташкилий шакллари жуда хилма-хиллиги сабабли ҳатто оддий турларга ажратиш ҳам жуда қийин. Қуйида чет эл нашрлари материалари бўйича масофали таълим ўқитиш тизимлари энг эътиборлилари кўрсатиб ўтилган.

Мамлакат Масофали таълим ўқитиш тизими Белгия Брюсселдаги Олий иқтисодиёт мактаб(ЕСАЛ) АҚШда масофали таълимнинг ҳолати ва тенденцияларини алоҳида кўриб чиқишни муҳим деб ҳисоблаймиз. Биринчидан таълимнинг бу тури ўқувчилар кўп қисмини қамраб олгани кинчидан ўқитиш масофали шакли анъанавий таълим тизимлари билан (мактаб ўрта таълимдан кейинги ҳамма таълим турлари фирмалар ичидаги касбий таълим)табiiй равишдабирлаштирилган<sup>51</sup>.

МДХ давлатларида фақатгина 1 миллионга яқин одам масофали таълим тизимида ўқитилади. Мисол учун40 та инженерлик мактабларидан консорсиум ташкил этувчи Миллий технологик университет 90-йиллардаёқ масофали таълим методи билан 1100 талабаларни магистр даражасига тайёрлашни таъминлади. Масофали таълим учун АҚШда телевидениедан кенг фойдаланилади. ПБС-ТВ оммавий телекўрсатувлар тизими доирасида миллиондан ортиқ талабалар ўқитилади. Катталарни ўқитиш дастури фан бизнес бошқарув курсларини ўз ичига олади. Бизне смолия ва АҚШдан чиқишсиз ҳуқуқи соҳасида бакалавр магистр ва доктор диплом ҳамда илмiiй даражаларини олиш билан америка Кеннеди-Вецери университетидаги масофали ўқитиш дастури таълим хизматлари орасида алоҳида ўрин тутди. Дастур халқаро тан олинган мавқеини олишни истаган бизнесменлар ва банкирлар учун мўлжалланган. Майк Харт томонидан бошқариладиган Иллиное штати Бенедикт коллежи "Гуттлер берг" лойиҳаси АСЧ-файллар кўринишида классик асарларни иложи борица кенг аудиторияга етказиш мақсадини ўз олдига қўяди. Америка таълим хизматларини таълим хизматлар бозорида тақдим этишда БМИ (Бусинесс Манагемент Интернационал) - Калифорния штатида (АҚШ) Сан-Франциско шаҳрида штаб-квартирасига эга ихтисослаштирилган америка консалтинг компанияси катта фаоллик

<sup>51</sup>Commission of the European Communities. "Delivering on the Modernisation Agenda for Universities: Education, Research, and Innovation." Communication from the Commission, COM(2006) 208 final, 16. Brussels: European Union, 2006. [http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM\(2006\)\\_208.pdf](http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM(2006)_208.pdf).

кўрсатмоқда. Шундай қилиб масофали таълим фаолиятига келтирилган мисоллардан Ғарбда масофали таълимнинг ривожланиши асосий тенденцияси масофали таълим тизими орқали тақдим этиладиган таълим хизматларининг кенглиги ва турли хиллиги ҳисобланади деган хулосага келиш мумкин. Бундан ташқари масофали таълимнинг ривожланиши ахборот ва телекоммуникация технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқдир.

#### 4.2. Вебинар методи<sup>52</sup>.

**Вебинар усулида** дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио -видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиб ушбу дарс кейинги фойдаланишлар учун ёзиб олинishi мумкин бўлса-да бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона платформа доирасида ўзаро узвий боғланмайди, яъни алоҳида-алоҳида бир марталик дарслар бўлади дейиш мумкин.

Таълимни энг сўнгги интернет хабарларидан фойдаланилган ва турли слайдлар кўринишида ташкил этилиши талабаларда ижодий тафаккурни, ички фаолликни, эркин мулоқотга киришиш, ўз хулқини бошқариш имконини шакллантирибгина қолмай, мулоқот маданияти ва савиясини ўзлаштиришига кучли таъсир кўрсатади. Шахс маънавияти, руҳий олами кўринишлари унинг мулоқоти орқали намоён бўлади. Сир эмаски, бугунги кунда ёшларни мулоқот савияси, маданияти, мулоқот орқали ҳиссий ҳолатларини баён эта олиш имкониятида кўпол нуқсонлар кўзга ташланади. Бу муаммо ечими эса уларни таълим жараёнида ўз устида ишлашларини ташкил этиш, ўзга шахсларни ва ўзини ўзгалар қарашлари (рефлексия) билан баҳолай олишларини юзага келтириш орқали ҳал этиш мумкин. Бу эса кенг дунёқарашни, бой маълумотлар захирасини, турли ахборотлар тизимидан фойдалана олишларини тақозо этади. Бундан ташқари таълимда индивидуал хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ва ички имкониятларга кўра турли усулларни қўлланилиши, талабаларни турли вазиятларда фаолиқ кўрсатишларини талаб этилиши улардаги очилмай қолган имкониятларни, забт этилмаган янги қирраларни кашф этилишига туртки бўлади.

Одатда кўз билан қараб қилинган хотира ва қиёфалари Eidetic қобилиятни жуда ҳам секинлаштиради, бир кўриниш бор Eidetic образлари қиёфалари ёки фотографик хотира, қаерда одамлар анчагина катта миқдорда визуал маълумотларни ўтказишга қобилияти бор деб туюладилар. Бу Eidetic қиёфалари гапиришига кўра, кам учрайдиган воқеа деб ҳисобланади, қайсики перцепциянинг объектлари бўлиб ҳисобланадилар. Ҳисобланадики, бу хил визуал хотира болалар ўртасида кўпроқ тарқалган бўлиб, катта ёшлар ҳаётида

---

<sup>52</sup>González, Julia, and Robert Wagenaar, eds. Tuning Educational Structures in Europe. Universities' Contribution to the Bologna Process. An Introduction. 2nd ed. Bilbao: Universidad de Deusto, 2008.

унутилади<sup>53</sup>.

LTM да маълумки, фараз қилишимиз мумкин, тугамайдиган қобилият борки, қайсики ҳаёт мобайнида ўзгаради тажриба кўпайган сари; WM ҳар қандай пайт фақат нисбатан кичкина бўлган қисмига мурожаат қилиши мумкин бўлган маълумотлар, LTM да қилинган. Мана шу чекланган қобилият жиддий чеклаш деб санаш мумкин.

Масалан, талабалар учун синфда тўпلام масалалари ҳаддан ташқари қийин бўлиши мумкин, шунинг учун уларнинг кўзга кўринган мураккаблиги WM ишлов бериш қобилиятини оширади – фақат жуда кўп борлиги, хотирада ушлаб туриши учун, вазифани тугатиш учун. Бу таълимнинг таянч ғоялар билан боғланади, шундай қандай қилиб metacognition муҳимлигини таъминлаш, қайси одамларга стратегияларни ривожлантиришга асосланган қадамларни кетма-кетлигини таъминлаш, қайсиларданки якка тартибда бошқарилади WM худудида, ва ёрдамчи тушунчасида. Ҳавоза – ўқиш техникаси, қайсики ўқувчига имконият беради бошланишида бошқаларга ишонишади, модоимки улар хусусий қадамлар билан енгадилар: ёрдам, қайсики кейинроқ ортиқча бўлиши мумкин катта имкониятлар туфайли, пастроқ муҳокама қилинганидек.

Гарчи қобилиятнинг ишлов бериш одамнинг билиш жараёнида чекланган тахминан 7 бирликлар маълумотлари билан ёки бўлиши мумкин озгина кичикроқ, бу бирликлар мустақил равишда узгармайдиган ўлчамга ёки мураккабликка эга эмаслар: шундай қилиб маълумотнинг ёлғиз рақами айрим вазиятларда мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, одамлар кўпроқ сўзларни эсга келтиришади қачон сўзлар гап билан боғланган бўлса, оддий рўйхатда тўрган бўлса камроқ эшлашади (Baddeley и др., 2009) – ва, бу қобилиятнинг бир қанча сўзни ягона бирликлар маълумоти сифтида ҳис қилишади чунки кетма-кетлигида сўзлар маъноси тезроқ кўринади.

Гап фикр юритиш операцияларини фаоллаштириш, ақлий фаолиятни фаоллаштириш хусусида борар экан, биз энг аввало, эътиборни талабаларнинг йўналганлигини аниқлашга қаратишимиз лозим. Йўналганлик шахснинг атроф муҳитда рўй бераётган воқеа, ҳодисаларга нисбатан муносабатлар мажмуи бўлиб, фаолият сифатини белгилаб беради. Хатти-ҳаракатлар тузилишининг шаклланишига таъсир|ўтказади (янги эҳтиёжлар, мақсадлар, мотивлар).

Бу ўринда установакалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўқиш-билим олиш фаолияти шахс камолотида катта роль ўйнайди ва чуқур муаммо касб этади. Бу шундай фаолликки, унинг жараёнида билимлар, малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади.

Фаолият турлари ўз-ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгалланган мавқеи ҳам сабабсиз, ўз-ўзидан рўй бермайди.

Шахснинг жамиятда одамлар орасида хулқи ва ўзини тутиш сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати

---

<sup>53</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p. 110-114.

фарқланади.

1. Ички сабаблар, яъни хатти - ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва ҳ.к.).

2. Ташқи сабаблар - фаолиятнинг ташқи шарт - шароитлари ва ҳолатлар. Яъни, булар айна конкрет ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Шахс хулқ - атворини ички психологик сабаблар туфайли бошқариш одатда *шахсий диспозиция* деб ҳам аталади. Улар шахс томонидан англангани ёки англандислиги мумкин. Баъзан шундай бўладики, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан шаклланган муносабатнинг ҳақиқий сабабини ўзи тушуниб етмайди. «Нега?» деган саволга «ўзим ҳам билмайман», деб жавоб беради. Бу англандис диспозициялар ёки установаклар деб аталади. Агар шахс бирор соҳага, касбга қизиқиб, онгли тарзда, унинг барча сир - асрорларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилса, бунда вазият бошқачароқ бўлади, аниқроғи диспозиция англандис, онгли ҳисобланади.

Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга қараб бир хил вазиятни алоҳида ҳолларда турлича идрок қилишга мойил бўларкан. Шунинг учун ҳам одамнинг айна пайтдаги реал ҳаракатларни ўша маълум шароитдаги ички ва ташқи стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки шунга ўхшаш ҳолатларни идрок этишга ички бир ҳозирлик - диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтириш тўғрироқ бўлади. Шу маънода шахс фаоллигининг мотивацияси турли шароитларда орттирилган тажрибага таянган, онгли таҳлиллар, ҳаттоки ижтимоий тажриба меъёрларининг таъсирида шаклландиган сабаблар мажмуасини ўз ичига олади<sup>54</sup>.

### 4.3. Муаммоли метод.

Муаммоли таълим методи фаол ўқитиш методларидан бири бўлиб, ўзининг юксак кўрсаткичи билан бошқаларидан ажралиб туради. Муаммоли вазият ўз ичига қуйидаги муҳим томонларни қамраб олиши мумкин, гоҳо уларни босқичлар деб юритиш қабул қилинган. Биринчидан, муаммо қўйилишини инсон тушуниб етиши, яъни топшириқ ифодаланишини англаши, иккинчидан, муаммони ҳал этишга ёрдам берувчи восита, усул, йўл, ақлий ҳаракатларни шахснинг ўзи излаб топиши ва уларни маълум тизимга солиш, учинчидан, инсон муаммони ҳал этиш учун сараланган усулларни аввалги усуллардан ажратиш, яъни уларнинг салбий томонларини олиб ташлаш, тўртинчидан, ўқувчи муаммо ечимининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши учун танқидий нуқтаи назардан текшириб чиқиши кабилар.

Муаммоли, вазият мана бундай шартларга риоя қилинган тақдирдагина ижобий натижалар беради. Биринчидан, муаммоли

<sup>54</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p. 110-114.

вазиятни одамларнинг ёш хусусияти, ахборотларни эгаллаш ва ўзлаштириш даражаси, индивидуал хусусиятлари ва қобилиятини ҳисобга олган тақдирдагина вужудга келтириш мумкин. Муаммоли вазият уларнинг кучига, иқтидорига мос қилиб яратилиши лозим, аммо ўта содда ёки ўта мураккаб бўлмаслиги жоиз. Иккинчидан, танланган муаммо қандайдир ташқи турткига, яъни муайян йўлланмага, кўрсатмага таянмаслиги шарт. Учинчидан, муаммони ҳал қилиш йўлини, усулини вазиятни тушунган ҳолда кишиларнинг ўзлари мустақил топа билишлари ва қўллашлари керак. Тўртинчидан, қўйилган муаммони қандай тартибда ҳал қилиш зарурлиги яъни воқеликнинг айрим хусусиятларини ёритиш муаммо тарзида бўлиши мақбул. Бешинчидан, муаммони «ижодий» ҳал қилиш имконияти яратилган бўлиши шарт, бунда берилган матндан ташқари, айрим ижодий тўлдиришлар, қўшимчалар билан уни бойитиш ечимини қидириш вазифасини қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Муаммоли ўқитиш жараёни ўқувчилар ёки талабалар олдида муаммоли вазият яратиш, ўқувчи билан ўқитувчи ҳамкорлиги, ўқитувчининг умумий раҳбарлигида, талабаларнинг мустақил фаолиятини амалга ошириш натижасида мазкур вазиятни аниқлаш, тан олиш, ечимини қидириш ва ҳал қилиш учун воситалар танлашда ўз ифодасини топади.

Муаммоли вазият субъект билан объектнинг ўзай таъсир этишини ифодалаб, субъектга масала (топшириқ)ни ҳал қилишни, то шу давргача унга номаълум бўлган билимларни ва ақлий фаолият усуллари аниқлашни талаб қиладиган психик ҳолат сифатида гавдаланади. Муаммоли вазиятнинг тузилиши инсоннинг интеллектуал фаолиятини муайян мақсадга йўналтирувчи билиш эҳтиёжидан, оқибат натижасида эгаллаш зарур бўлган номаълум билимлар, ақлий ҳаракат воситалари ва усулларида ҳамда имконият тарздаги психик қўзғатувчилардан иборатдир.

Муаммоли вазиятда янгиликни англаб етмаслик, уни ечиш зарур бўлган фаолиятни амалга оширишни уддасидан чиқмаслик, мазкур ҳолатда ечилиши шарт ҳисобланган фаолиятга ва шарт - шароитларга тааллуқли номаълумлик, қўйилган масалани фикр юритиш операциялари ёрдами билан эгаллаш жараёнлари иштирок этади. Муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва уни ҳал қилиш учун унда изланадиган номаълумлик, янгилик, ноаниқлик, изланувчида эса қидириб топиш имконияти, шунингдек янги билимларни ўзлаштиришга нисбатан эҳтиёж мавжуд бўлиши зарур.

Зеро, қанчалик таълим жараёнидаги берилаётган янги маълумотлар талабадаги мавжуд тасаввурлар ва тажрибаларга уйғунлашган бўлса, уни идрок этиш, билиш жараёнлари орқали таҳлил қилиш ва баҳолаш фаоллашади. 1-2-курс талабаларида абстракт тафаккур, мантиқий фикрлаш, танқидий баҳолаш, қиёслаб таҳлил қилиш имконини янада такомиллашишида «Муаммоли ўқитиш», «Ақлий ҳужум», «Индивидуал ўқитиш» каби турли субъектив фаолликни талаб этувчи усуллар орқали таълимни ташкил этилиши юқори самарали аҳамиятга эга. Мана шундай шахс билиш жараёнларини ўзаро уйғунлигини, ва фаоллигини талаб этадиган усуллардан бири бўлган «Ақлий

ҳужум» усули мантиқий фикрлашни, хотира, диққат, идрок, ҳаёл, нутқ жараёнлари узвийлигини, тафаккур тезлиги ва нутқий маҳоратни мукамал даражасини намоён этишни талаб қилади. Бундан ташқари ҳал этилаётган муаммо ечимига қадар турли ёндошишлар, таърифлар кенг қамровли фикр юритишга, ўз ақлий салоҳиятини қай даражада эканлигини баҳолай олишга шароит яратади. Психологик нуқтаи назардан, шахс ўз қобилиятлари ва имконларини қай даражада адекват баҳолай олиши уни жамиятда фаоллик кўрсатишига, шахслараро муносабатлар тизимига осон кириша олишига, ички салоҳиятидан оқилона, самарали фойдалана олишига замин яратади.

Бундан ташқари бир хилликка йўғрилган таълим мазмуни шахс хотирасида кам кўзғолишлар ҳосил қилади, тасаввурлар тизимида ассоциатив боғланишлар узвийлиги фаол бўлмайди. Таълимдаги маълумотлар тизими қанчалик янги бўлиб, инновацион технологиялар асосида ёритилган тарзда узатилса ўзлаштириш жараёнида сифат даражасини ошишига олиб келади. Таълимда иложи борича визуал воситалар, слайдлар асосида ўқитишни ташкил этилиши аниқ, мавҳумликларсиз, мавжуд билимлар билан боғланган мустаҳкам тасаввурлар тизимида ўрин олган тушунчаларни ҳосил бўлишига олиб келади.

Интерфаол усуллардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ҳам шахс фаоллигини таъминловчи, ўзига нисбатан талабчанликни оширувчи, бевосита ўзини вазиятни фаол иштирокчиси сифатида эркин идрок қилишига, мавжуд нуқсон ва камчиликларини тўғрилашига таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бунда эса таълимни мультимедиа кўринишида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Таълимда қанчалик мураккаб билиш жараёнларини иштироқи талаб этилишига эришилса, талаба шахсини яширин бўлган ички имкониятлари, қобилият қирралари намоён бўлади. Бевосита таълим жараёнида талаба ўзи ҳам таълим мазмунини ёритувчи сифатида фаоллик кўрсатиши, муаммони ифодалашда изланиши ўзлаштириш даражасини юқори савияга кўтарилишига олиб келади.

Талаба шахсини баркамол маънавий-руҳий олами мукамаллилигини, теран интеллектуал салоҳиятини шакллантириш, етук камолот эгаси қилиб тарбиялаш аввало таълим жараёнида белгиланадиган аниқ мақсадлар билан баҳоланади. Тараққиёт сари юз тутиб бораётган бугунги ахборотлар асри эртанги кун ёшларидан турли муаммоли вазиятларда ўзини-ўзи тўғри баҳолай оладиган, мустақил фикрига эга бўлган, ақлий ва руҳий имкониятларидан юксак савийи-ҳаракатлар йўлида фойдалана оладиган ижобий хусусиятлар соҳиби бўлишни тақозо этмоқда. Бу эса тўғри ташкил этилган таъсирчан, инновацион таълим ҳамда ўқитиш жараёнида таркиб топиб борадиган инсоний сифатлар, ахлоқий хусусиятлар, кўникмага айланиб борадиган ижодий фаоллик даражаси билан белгиланади. Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари «муаммоли вазият» «муаммо», «муаммони топиш» кабилар ҳисобланади.

Gauld ўзининг ишларида муаммоларни муҳокама қилади, талабани моделлардан ўз жойини ўзгартириш учун, қайсики талабалар уларни ички хис

билан сезиб андозалардан анча узоқда бўлиши мумкин, ва бу ўқув лойиҳада мақсадли билим сифатида кўрилади. Gauld талабалар моделларини “критик” машғулотдан сўнг аниқлаган ва тахминан охириги мавзулар тугагач 3 ойдан кейин яна суҳбатга тортган. Танқидий машғулот мулжали – катта бўлмаган миқдорда мазмунни танқидий тажрибага ўхшашушлаб туриш, назариялар учун фаразни, қайсики қабул қилинса: ҳақиқатда ҳам шундай ҳал қилувчи тажрибалар мавжуд (Lakatos, 1970)<sup>55</sup>.

Муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб ўзида субъектнинг аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди уни бартараф этиш янги билимлар усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида кийинчиликларни йўқотиш йўллари излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса шубҳасиз муаммоли вазият ечимини у қабул қилмайди яъни муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятини тушуниб етилиши ифодаланишимавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланоқ бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этадибирокбарча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайдир параметрлари кўрсатилса у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони демак муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ юқорида таъкидланганидек барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса уни муаммоли масалага айлантиради, яъни унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда, у бошқа кўрсаткичларни қидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

Асос бўлиб таълимда бу танқиқий машғулот учун айланиш тақдимоти бўлган, таркибий қисмлардан олдин ва кейин олинган амперметр кўрсаткичлари, чироққа ухшаш, шундай экан ҳеқ қандай оқим компонентда ишлатилмаган ёки тан бермаган. Талабалар диққатини тақдимот аҳамиятига қаратиш учун, кетма-кетлик кузатиш, тушунтириш( White & Gunstone, 1992 ) қуйидагилардан фойдаланилди:

Амперметрнинг роли ҳозирги ўлчайдиган асбоб сифатида муҳокама қилинган, ва қизқувчиларни башорат қилишга сўрашди, улар асосида моделлар, амперметрлар ўқитишининг орасидаги муносабатларни, ер шарининг аввал ва кейин жойлаштирилган. Қачон метрлар боғлиқ бўлган эди (“танқидий” машғулот вақтида) талабалар усулларни муҳокама қилдилар, улардан қайси бири мазмуни тўғри келиши, айниқса қачонки улар оригинал ғояларга асосланган кутишлар қарши чиққан бўлса. Бир талаба “куррьер” модели деган

---

<sup>55</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p.92-95.

тушунчани киритди, қайсики батареяда сақланган материал симлар орқали ажратилган ҳолда оқмайди, лекин иккинчи моддий нарсалар билан олиб борилади, қайсики курьер сифатида ҳаракат қилади (Gauld, 1986, p. 50).

Педагогик менежмент тадқиқотларида бу моделлар тушунтирилган ва ташлаб чиқарилган эди, талабалар ва ўқитувчилар тестларни ишлаб чиққанлар, иккита амперметрдан фойдаланган ҳолда ушбу андозаларни ўртасида ажратиш хусусиятларини топиш учун, ҳар бир ёруғлик томонидан турган жойини аниқлаш учун. Кўрсатилган оқим ҳар бир метрда бир хил булганини айтилганда, ҳар хил реакцияларга дуч келинди. Аксарият талабалар натижани ғалати эканлиги тўғрисида хабар берди... қандайдир вақтда, бошқалар бу ғоя билан келишишди, танқидий тест билан белиганган, лекин улар олдинги ўтказилган фикрларга қайтишди. Айрим талабалар ҳар хил ғояларни қабул қилишди, бошқалар эса бўлиши мукин қийматини тан олишди (сақланган оқим) олимлар ғоясига ўзининг хусусий ғояларни афзал кўриб (Cosgrove, 1995, p. 296,).

Gauld топдики, 14-ёшли синфда ўғил болалар ўртасида 29 дан 4 таси сақланган жорий моделни ушлаб туришган танқидий машғулот олдидан, кейинчалик 25 гача купайган. У вақтда, 3 ой ўтгач тахминан қачонки синф таълим кетма-кетлигини тугатган бўлса, Gauld синфдан 14 тасидан суҳбат олди. Фақат биттаси, уйлаганидек, ўқув режанинг андозасини намоиш қилди, гарчи ўқувчиларнинг ўнтаси тушунчаларни қабул қилишди, гарчи бошқа моделлар биоғланишида. Ҳақиқатда, суҳбатга тортилганлардан ярими (еттита), фараз қилгандек униполяр моделлар талқинини келтирди, гарчи ҳеч қайси талаба бу хил моделларни ушлаб турган бўлмаган.

Шундай қилиб, танқидий машғулот намоишни сақлаган ҳолда самарали туюлди ва уйлаган талабани ўқув режани ўзгартиришга олиб келди (талабалар ёзма ишларини талқин қилиб) ундай вазиятда кейинги ойлар талабаларнинг кўплари турли моделлар учун айланишни тушуниш деярли доимо битта танқидий намоиш билан жорий сақлашган.

Gauld топдики, талабаларнинг тушунтириш бир ўзига хос хусусияти уларнинг танлаган андолазарни эмпирик хотиралар гувоҳи бўлган, танқидий машғулотни тўғрисидаги хотираларни кўшиб ҳисоблаганда. Бироқ, бу хотиралар аниқ бўлиши шарт эмас эди. Масалан, шундай Р 4 ўқувчиси сақланган андозани кўриб чиқди, лекин у вақта уни рад этди, чунки бу нотўғри ҳисобланган экан (Gauld, 1986, p. 51).

Эса турган тушунтиришлар ва танлаган андолазар орасидаги муносабатлар тўғри бўлишмаган, шундай Gauld хабар қилдики, қандай бир ўқувчи хотирадан фойдаланган тенг тушунтиришларда, униполяр курьер андозасини ушлаб туриш учун, чунки у ишонган устозлар мурожаат қилиб микдорни улчаган (Gauld, 1986, p. 53). Gauld фараз қилди, биринчи ўринда муҳим эмпирик гувоҳнома қайси вақтда тан олинган бўлса, кўп ҳолатларда кетма-кетлик нуқтаи кўриш қобилияти бўлгани эришилди, тан олинган андоза билан тўғри келиши (Gauld, 1986, p. 53).

Тадқиқот, қайсики талабалар фикрлашидан келиб чиқади кенгайтирилган вақтда (ойлар, йиллар) усулини тушуниш таклиф қилади, қайсики фанларни

ўрганишда хотира ишлаши мумкин. Бу тадқиқот умумий маркази йўқ эди, чунки тадқиқот Gauld кўзлайди бу- мавзу, тадқиқотчиларнинг диққатига жуда ҳам лойиқ. Ажабланарли жойи йўқ булиши мумкин, талабалар янги илмий фикр юритишни тўғрисидаги воқеаларнинг моҳиятига ишонтиришган, синфда ўқитувчини ва устознинг босим фикри ҳокимият олиб бориши мумкин, кейинроқ орқага тез-тез қайтиш қилади, қачон далиллар ва гувоҳлик бериш синфда тақдим этилган камроқ ишончли туюлади.

Ҳайрон қоларли даражада бўлиши мумкин эди, агар талабалар намоёишни эслашни қила олишмаган бўлса, қайсики ғоят муҳим уша вақта фикрдан қайтиш учун. Бироқ, Gauld иши кўзлайди, талабалар учун бўлиши мумкин ҳис қилиш ва тушунишсинфда намоёишни қандай далиллар билан илмий андоза бўлиши машғулот даврида, кейинроқ ўзгариш тафаккурдан анча узокда, шунинг учун фикр юритишни ва келишни эсда тутиши танқидий намоёишда қандай натижа беради <sup>56</sup>.

#### 4.4. Эвристик ўқитиш методи<sup>57</sup>.

Эвристик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаситажрибасини эгаллайдилар.

Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Эвристик методи ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи-ўқитувчиларнинг фикрларига кўра бир мунча мураккаб ҳисобланади. Бироқ узлуксиз таълим тизимига шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат амалга оширилаётган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шунга қарамасдан бу тасниф мактаб амалиётида бирмунча кенг тарқалган ва педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган.

Ўқув фаолиятини режалаштириш усулларига иш вақтини, топшириқ ҳажмини, мураккаблигини, ўзига жалб этиш даражасини ва қизиқарлилигини

<sup>56</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p.92-95.

<sup>57</sup> González, Julia, and Robert Wagenaar, eds. Tuning Educational Structures in Europe. Universities' Contribution to the Bologna Process. An Introduction. 2nd ed. Bilbao: Universidad de Deusto, 2008.

ҳисобга олган ҳолда оқилона тақсимлаш, ақлий меҳнатни кун тартибига биноан омилкорлик билан ташкил қилиш киради. Ўзини – ўзи назорат қилиш талабаларда кўникма ва малакаларнинг шаклланишида, унинг ўз ўқув фаолиятидаги хатоларни англаб олишда, бу хатоларни оқилона йўл билан тузатишда жуда қўл келади. Талабаларни диққатини бошқаришга ўргатишда кўз югуртириш, кўрғазмали материални чуқур таҳлил қилиш, мантиқий хатони матндан топиш, мантиқий урғуга эътибор бериш, матндаги хатоларни аниқлаш усулларидадан фойдаланилади. Талабалар ёқтирадиган, уларни қизиқтирадиган ўқув материалларнигина эмас, балки мураккаб, ҳатто зерикарли бўлган илмий – назарий билимларни эгаллаш учун ҳам бутун зехнини қаратиш кераклиги ойдинлашади. Токи талабаларда қийинчиликларни енга олиш уқуви, ўзини – ўзи қўлга олиш фазилати, ўзига ўзи буйруқ бериш ва ўзини – ўзи уюштириш каби шахсий сифатлари таркиб топсин.

Ўқитишнинг мазкур шакли ўқув фаолиятининг мотивацион, ориентирлаш, операционал, назорат қилиш, баҳолаш, текшириш, таҳлил этиш таркибий қисмларини бир даврнинг ўзида ўрганишни бошқаришнинг психологик механизмлари доирасини янада кенгайтиради, мураккаб ички ҳолатлар тўғрисида янги қонуниятлар ечилишини таъминлайди. Талабаларда ўқув фаолиятини бошқаришнинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги, пухталиги бўлғуси мутахассисларнинг иродавий зўр бериши, маънавий эҳтиёжи, шахсий мослиги, дунёқараши, позицияси, англашилган ўқув мотивларига, уларнинг ақлий ва ахлоқий камолот даражасига бевосита алоқадордир. Бошқаришнинг самарадорлиги бўлғуси ўқитувчининг мақсадига, кун тартибига, иш режасига, санитария - гигиена қоидаларига риоя қилишига боғлиқ.

WM нинг аҳамияти билиш тизимида билиш тизимининг асосий қисми деб ҳисобланади. Бу ўзаро таъсир қилади LTMга, шундай қилиб талабалар ғояларининг табиатини муҳокама қилиб, LTM билан биргаликда шарҳлар иккилаган ролини ва тасаввурларини олдинги тажрибалар билан боғлайди. Буферлар, қайсики WMнинг қисми сифатида фаолият кўрсатса онг ости буферларга жойлаштирилиб LTM ва ижро модул орасидаги вақтинча перцепцион маълумотларни сақлайди, қайсига марказ диққатини қаратиши мумкин<sup>58</sup>.

Бизнингча, таълим фаолияти ўз ичига қуйидагиларни қамраб олиш зарурлигини таъкидлаб ўтиш лозим: а) маълум бир идеал ва амалий фаолият турини муваффақиятли ташкил қилиш учун теварак – атроф тўғрисидаги муҳим хусусиятлар ва қонуниятларни ўзлаштириш; б) мавжуд маълумотлар ва ахборотларни ўзлаштириб олишга ёрдам берадиган усул ва операцияларни эгаллаш; в) кўзланган мақсад ва муаммо шартига мос равишда омилкор услуб, оқилона йўл – йўриқ ва операциялар танлаш ҳамда назорат қилиш учун назарда тутилган инфорацион материалдан фойдаланиш усуллари билан

<sup>58</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p.106.

талабаларни қуроллантириш ва ҳоказо.

Тафаккур қилиш фаолиятида мустақил ҳаракат қилишнинг йўқлиги ва ночор ҳолатда эканлиги юқори синф ўқувчиларининг энг муҳим камчиликларидан бири ҳисобланади. Агарда уларга маълум даврга тааллуқли бадиий адабиёт ривожига обзор характеристика бериш талаб қилинганда, мазкур асарлар юзасидан мустақил ҳукм чиқариш топширилганда, аниқ қарорга келиш талаб қилинганда қандай ҳаракат қиладилар?

Кузатишларнинг кўрсатишича, биринчидан, ўқувчи асар парчасининг бир неча бор ўқиб чиқиши, лекин ҳеч қандай хулоса чиқармаслиги мумкин. Иккинчидан, ўқитувчи маърузасининг изчил ва тизимли эсга тушириб, уларни механик равишда, маъносига тушунмасдан сўзлаб бериши мумкин. Учинчидан, ўзи шахсан ўзга кишилардан ўқиб олганлари, тинглаганлари билан ўқитувчи маърузасини ўзаро аралаштириб, қориштириб қўйилган муаммога жавоб беришга интилади. Тўртинчидан, ўз шахсий фикрини баён қилишга қийналса, ўз сўзи билан тушунтира олмаса, у ҳолда берилган асарлардан кўчирмалар келтиришга ҳаракат қилади.

### **Хорижий таълимда тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик фаолияти<sup>59</sup>.**

Хорижий таълимда сўнгги йилларда бир қатор атамалар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

**ТЮТОР** - (*Tutorem-лотинча*) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маъруачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

**ЭДВАЙЗЕР(advisor)**-французча “avisen”“ўйламоқ”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойихаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.

**ФАСИЛИТАТОР** - (инглиз тилида *facilitator*, латинча *facilis*—енгил, қулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

**МОДЕРАТОР** -Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнинг ҳаммасини ўқитувчи бажаради ва педагог ёки ўқитувчи деб юритилади.

### **Назорат саволлари:**

---

<sup>59</sup>González, Julia, and Robert Wagenaar, eds. Tuning Educational Structures in Europe. Universities' Contribution to the Bologna Process. An Introduction. 2nd ed. Bilbao: Universidad de Deusto, 2008.

1. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари нималардан иборат? Ва қайси мамлакатлар таълими сизни кўпроқ қизиқтиради?
2. Модулли таълимнинг ўзига хослиги нимада деб ўйлайсиз?
3. Модулли-кредит тизимининг афзаллиги ва камчилиги нимада деб ўйлайсиз?
4. Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларнинг қўллашнинг аҳамияти нимада бўлиши мумкин? Ва уларни қўллашда қандай натижаларга олиб келиши мумкин?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Adam, R. The Process of Educational Innovation I R. -Lnd, 1991.
2. Bassett G. Innovation in Primary Education. - Lnd: 1992.
3. Beverly D. Inquiry Based Teacher Education / D. Beverly, D. Shaklee, K. Cushner II. Педагогическое образование для XXI века. - М.: 1994.
4. Blan W.E. Handbook for developing Competency-Based Training Programs I W.E. Blank. - New-Jersey: Prentice Hall, 2002.
5. Chambers W.N. Creative Scientist of Today I W.N. Chambers II Science. -L.: 1994. - Vol. 145.
6. Cowen E.L. Stress Reduction and Problem-Solving Rigidity I EX. Cowen II J. Consult. Psychol. - N. Y: 1992. - Vol. 16.
7. Mokshein, Siti Eshah; Ahmad, Hussein Haji; and Vongalis-Macrow, Athena. Secondary Teacher Policy Research in Asia: Towards providing quality secondary education: Training and retaining quality teachers in Malaysia. Bangkok: UNESCO Bangkok, 2009.
8. Butler, John, Kieran Corcoran, Tomasz Kubikowski, and Truus Ophuysen, eds. Tapping into the Potential of Higher Arts Education in Europe, InterArtes Handbook. Amsterdam / Warsaw: European League of Institutes of the Arts (ELIA), 2008.
9. Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p.343.

#### **Интернет сайтлари**

1. <http://www.polifonia-tn.org/>. ERASMUS Network for Music ‘Polifonia’. European League of Institutes of the Arts (ELIA). “Tuning Document for Film/Screen Arts Education.” EIA, <http://www.elia-artschools.org/images/activiteiten/20/files/Tuning%20document%20film%20EN.pdf>
2. Commission of the European Communities. “Delivering on the Modernisation Agenda for Universities: Education, Research, and Innovation.” Communication from the Commission, COM(2006) 208 final, 16. Brussels: European Union, 2006. [http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM\(2006\)\\_208.pdf](http://ec.europa.eu/euraxess/pdf/COM(2006)_208.pdf).

## 2-мавзу: **Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: кейс-стади.**

### **Режа:**

- 2.1. Кейс-стадининг аҳамияти ва моҳияти.
- 2.2. Кейслар типологияси.
- 2.3. Кейс-стадининг услубий паспорти.

 **Таянч иборалар** *Кейс, стади, тавсифнома, типология, процессуал тизим, услубий паспорт, аннотация, вазият, услубий кўрсатма.*

### **2.1. Кейс-стадининг аҳамияти ва моҳияти.**

#### **2.1.1. Таълим жараёнида кейс-стади услубини кенг татбиқ қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари.**

##### **Кейс-стади: масала тарихи**

Кейс-стади амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш асосида ўқитиш усули сифатида хорижий таълимда аввал-бошда ҳуқуқ соҳасида қўлланила бошлади: у илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

Ана шу вақтдан бошлаб HBS кейсларнинг бой тўпламини йиғди ва мазкур услубни таълимнинг мустақил концепцияси даражасигача олиб чиқди. Айти шу сабабга кўра кейс-стади услубини кўпинча гарвард услуби деб аташади. Ўз моҳиятига кўра, гарвард услуби таълим оловчиларнинг амалий вазиятларни видеоматериаллар, компьютер ва дастурий таъминотдан фойдаланиб ҳал қилиш бўйича интенсиф тренингидан иборатдир.

Кейс-стадининг икки классик мактаби - Гарвард (Америкада) ва Манчестер (Европада) мактаблари мавжуд. Гарвард мактаби доирасида мазкур услубягона тўғри ечимни излашни ўргатиш усули ҳисобланиб, иккинчи мактаб кейсда баён қилинган муаммоли вазият ечимининг кўп вариантлилигини таклиф қилади. Америка кейслари ўнлаб саҳифали матнни ва кўплаб чизмаларни ўз ичига олади. Европа кейслари ҳажми бирмунча камроқ.

Чет эллардаги бизнес-мактабларда одатий вазиятларни ўрганишга ўқув вақтининг ўртача 25 %дан 90 %гача бўлган қисми ажратилади. Масалан, Чикаго университети бизнес-мактабида ўқув вақтининг 25% кейслар улушига, Колумбия университетида – 30 %, Уортонда эса –40 % тўғри келади. Машғулотларни ушбу услуб бўйича ўтказишга ажратиладиган соатлар сони бўйича унинг “илк ихтироҳиси” – Гарвард етакчилик қилади. Оддий талабаHBSда ўқиш вақтида 700 тагача кейсларни кўриб чиқади ва бунинг учун ўқув вақтининг 90 %гача қисмини сарфлайди<sup>60</sup>.

Бунда шундай аниқлик киритиш керак: молиявий фанларга ихтисослашган мактабларда кейслар салмоғи асосий фанлар - менежмент,

<sup>60</sup>Case Studies in EducationLeadership and Innovation. 2012 by Richard Smith and David Lynch.-11 p

маркетинг, ахборот технологиялари, ходимларни бошқариш ва шу кабилардан иборат мактаблардагига нисбатан анча камдир.

Мамлакатимиздаги таълим соҳасида кейс-стади, асосан, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, айниқса бошқарув соҳасида қўлланилади. Кейинги йилларда олий ўқув юртларида ҳам ўқитувчиларнинг кейсларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қизиқиши ошаётганлиги кузатилаяпти.

**Кейс-стадини таълим  
жараёнида кенг татбиқ  
қилишнинг  
долзарблигини  
белгиловчи омиллар**

Кейс-стадини иқтисодий олий ўқув юртининг таълим амалиётига кенг татбиқ этишнинг долзарблиги ва зарурлиги қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

*Биринчидан, мамлакатдаги* **иқтисодий таълимнинг умумий йўналиши**, унинг нафақат

таълим олувчиларда аниқ билимларни шакллантиришга, шу билан бирга талабаларда фикрлаш фаолияти, назарий билимларини амалда қўллашга тайёрлик ва бунга қобилликни ривожлантириш, бўлғуси мутахассисларда мустақиллик ва ташаббускорлик, бошқарув ва иқтисодиётдаги тадқиқотларнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ кенг доирадаги масалаларни идрок этиш қобилиятини раванқ топтиришга йўналтирилганлиги билан.

«Инсоннинг қўлига балиқни тутқазсанг – у бир кун қорни тўқ юради, мабодо инсонни балиқ тутишга ўргатсанг – у бутун умри давомида очлик нималигини билмайди» - хитойлик донишмандларда шундай ҳикматли гап бор. Аудитория шароитларидаёқ бошқарувчилик ечимларини қабул қилишга доир малака ва кўникмалар эгалланмаса кейинчалик яхши бошқарувчи бўлиб чиқиш мумкин эмас. Келгусидаги касбий фаолият учун ўзининг бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш учун талабалар корхонада ва умуман иқтисодиётда вужудга келадиган турли хил вазиятларни таҳлил этиш малакалари ва кўникмаларини эгаллаши, таҳлил қила билиш қобилиятини ўстириши, бошқарувчига хос хусусиятларни орттириш зарур.

«Маслаҳат бериш мумкин, лекин бундай маслаҳатдан фойдаланишга ўргатиш мумкин эмаслиги» ҳақиқатдир. Ўрганиб олгач омадли иқтисодчи, молиячи ёки менежерга айланиб олишга имкон берадиган қандайдир ягона, универсал услуб ёки усул мавжуд эмас.

Талабаларнинг кейсларни ишлаб чиқиш технологияларини ўзлаштириши, кейсда тақдим қилинадиган амалий муаммоли вазиятларни таҳлил этиш, яқка тартибда ва жамоа бўлиб уларни оптимал ҳал қилиш йўллариини излаш малакаларини эгаллаши, бўлғуси мутахассисда функционал ваколатлиликни шакллантириш - касбий фаолиятда ўзининг бошқариш ва ташкил қилиш технологияларини лойиҳалаштириш, касбий жараён мантиғини қуриш усуллари, шунингдек касбий вазифаларни мустақил ва мобил тарзда ҳал этиш усулларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

*Иккинчидан, бозор иқтисодиётининг* ностандарт вазиятларда бир тизимли асосда ва самарали ҳаракат қилиш, оқилона ечимларни қабул қилиш қобилиятини эгаллаган мутахассисларга **муҳтожлиги** билан.

Кейсда ҳар хил ҳаётӣ вазиятлар баёни берилади ва уларнинг оқибатлари хусусида мушоҳада юритиш ёки қатнашчилар ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш ёхуд муаммони ҳал этиш усулларини таклиф қилиш талаб этилади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам амалий ҳаракат модели устида ишлаш таълим олувчилар – бўлғуси мутахассисларда меҳнат бозори талаб қиладиган касбий жиҳатдан муҳим хусусиятларни шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Учинчидан, жаҳон тажрибаси кўрсатиб турганидек, **кейс-стади талабаларда ижтимоий етукликни ривожлантириш, ўқишга қизиқиш ва мотивларни ҳосил қилиш, уларни ҳақиқий профессионаллар сифатида етиштиришга кучли таъсир кўрсатади.** Кейс-стадининг бўлғуси мутахассис шахсининг касбий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим фазилатларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган усуллари ва воситалари, назаримизда 1-жадвалда ишонарли тарзда акс эттирилган.

**2.1.1-жадвал**

<b>Мутахассис фазилатлари</b>	<b>Кейс-стадининг шахсий фазилатларни шакллантиришга таъсир кўрсатадиган усул ва воситалари</b>
Мавҳум шароитларда вазиятни ҳис этиш ва адекват баҳолаш, оқилона ечимларни топиш қобилияти	Вазият субъектининг фазилатлари ва камчиликларини таққослаш ва баҳолаш, вазиятнинг ривожланиш мантиғини ажратиб олиш, муаммонинг оқилона ечимини излаш
Бир тизимли фикрлаш, мулоҳазакорлик, бозор вазиятидаги параметрлар ва ўзаро алоқаларни тушуниш	Вазият хусусида ҳар томонлама фикр юритиш, уни мақсадли таҳлил этиш, субъектларни уларнинг тузилмавий-функционал ифодасида яхлитлигича идрок этиш
Мустақиллик ва ташаббускорлик	Мавҳумлик шароитида вазиятлар таҳлили, оқилона ечимнинг ишлаб чиқилишида ўқитувчи томонидан рағбатлантириладиган ва қўллаб-қувватланадиган мустақиллик ва фаоллик
Ўзгаришларга тайёрлик, қайишқоқлик	Мунтазам ўзгариб турадиган вазиятларда оптимал феъл-атворнинг ишлаб чиқилиши
Амалий йўналишлилик	Муаммоли вазиятнинг ҳал этилишида нисбатан амалий натижага эришиш учун доимий изланиш
Ахборотлар билан ишлаш маҳорати	Доимий равишда асосий ахборотни излаш ва танлаш, уни тузилмаларга ажратиш, яна қайта

	тузилмалаш, уни таҳлил этиш, таснифлаш, бир тақдимот шаклидан бошқача шаклга ўтказиш, ўзаро ахборот алмашиниш
Коммуникативлик, эмпатия	Муаммоли вазият ечими ва унинг мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этилишини танлаш юзасидан ўз позициясини ҳар доим аниқ билдириш, далиллаш ва ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қилиш; кейс билан гуруҳ бўлиб ишлаш, мунозаралар ва ўз фикрини ўтказиш пайтида жамоанинг ошкора мулоқот ва ахборот алмашиниш, адолатли, конструктив ва тактикали танқидга ҳамда уни қабул қилишга, биргаликдаги фаолиятда ишончга ва ҳамфикрликка асосланган баҳамжиҳат ҳаракати
Муаммоли, мантикий фикрлаш	Муамонинг изланилиши ва ифодаланиши ҳамда унинг асосий тавсифномалари белгиланиши, уни ҳал этиш усуллари ва воситаларининг асосланиши
Конструктивлик	Муаммони ҳал этиш моделининг ишлаб чиқилиши, конструктив ечимларнинг изланиши ва ифодаланиши
Назokatлилик	Жамоанинг ўз фикрини ўтказиш, мунозаралар, гуруҳ бўлиб ишлашга асосланган доимий баҳамжиҳат ҳаракати

Ва, ниҳоят, кейс-стади интерактив услуб бўлгани сабабли талабалар томонидан унга нисбатан ижобий муносабат бўлишига эришади, улар ушбу услубни ўқув ахборотини ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш юзасидан амалий кўникмаларни таъминлайдиган амалий қўлланма (практикум) сифатида қабул қиладилар.

### Кейс-стади услубининг умумий тавсифномаси<sup>61</sup>.

**Асосий  
категориялар ва  
тушунчалар**

 **Кейс** – бу реал ҳаётнинг «бир парчасидир» (инглизча - TRUE LIFE атамасига кўра). Кейсвазиятнинг оддий ҳақиқий баёнигина эмас, балки вазиятни тушуниш ва баҳолашга имкон

берадиган ягона ахборот комплексиدير.

 **Кейс-стади** (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли

<sup>61</sup>Education in a federal system: A case-study of Belgium Caroline Varin *University of Pennsylvania*, cvarin19@gmail.com

This paper is posted at Scholarly Commons. <http://repository.upenn.edu/curej/24>  
For more information, please contact [repository@pobox.upenn.edu](mailto:repository@pobox.upenn.edu).

таҳлил этилишига асосладиган *таълим услубидир*.

 **Кейс-стади** - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли этилишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган *таълим технологиясидир*.

 **Вазият** (ситуация) (кейинги лотинчадаги situation - аҳвол) – муайян вазият, аҳволни ҳосил қиладиган шарт-шароитлар ва ҳолатлар уюшмаси.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

 **Муаммоли вазият.** Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

**Кейс-стадининг моҳиятли белгилари ва дидактик ўзига хос хусусиятлари**

**Кейс-стадининг моҳияти** шундан иборатки, моҳиятига кўра кўриб чиқиладиган муаммоли вазият бўйича маслаҳатчилар ролини бажариши керак бўлган талабаларга қуйидагилар таклиф қилинади:

- кейсда баён қилинганида айтилган бир пайтда ташкилий ҳаётдаги типик амалий муаммони акс эттирадиган ва амалиётда ушбу муаммонинг ҳал этилишида ўзлаштирилиши ва қўлланилиши лозим бўладиган муайян билимлар мажмуини долзарблаштирадиган вазиятни идрок этиш ва таҳлилдан ўтказиш;

- муаммоли вазиятни мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этадиган усуллар ва воситаларни излаш;

- таклиф этилган муқобил жиҳат(альтернатива)ларни баҳолаш ва улар орасидан қўйилган муаммога нисбатан энг қулай вариантини танлаш;

- танланган муқобил усул(альтернатива)ни амалга ошириш бўйича аниқ ечимни бутун тафсилотлари билан ишлаб чиқиш.

### **Кейс-стадининг моҳиятли белгиларини ифодалаймиз:**

1. Ҳолати асосий параметрлари бўйича муайян дискрет вақтда ишларнинг реал аҳволини яна қайта тиклайдиган вазият шаклида тақдим этилган *институционал тизим моделининг мавжудлиги*.

2. *Берилган вазиятнинг муаммолилиги*.

3. *Вазиятнинг тўлиқ тузлимавий эмаслиги*ва, бунинг оқибати сифатида, *ундамустақил, шаблон бўлмаган ечимларни талаб қиладиган мавҳумликнинг мавжудлиги*.

4. Ечимларнинг *кўплаб муқобил жиҳат(альтернатива)ларга эгаллиги*: ҳар бир қатнашчи ўзининг билими, тажрибаси ва сезги(интуиция)сидан келиб чиқиб ўз вариантини таклиф қилади.

5. Муаммоли вазият оптимал ечимининг *якка тартибда, сўнгра жамоа*

*бўлиб ишлаб чиқилиши ва оммавий тақдим этилиши* (Шунингдек, кейс билан мутлақо якка тартибда ишлашга ва натижаларни якка тартибда тақдим этишга ҳам йўл қўйилади).

6. Муаммоли вазият таҳлили ва унинг ечимини ишлаб чиқишдаги *ягона мақсад*.

7. Фаолият *натижаларини гуруҳ бўлиб баҳолаш тизими*.

8. *Таълим олувчиларда бошқариладиган ҳиссий (эмоционал) кескинликнинг* мавжуд бўлиши.

9. Ўқитувчи ва талаба таълим жараёнида айна бир пайтда *ҳам масъул, ҳам эркин* бўлади:

- Ўқитувчи кейсинг тайёрланиши ва унинг ўқув-услубий таъминоти, шунингдек ундан самарали фойдаланиш учун *масъулдир*.

- Талаба машғулотга тайёрланиш ва кейс бўйича ўқув топшириқларини самарали бажариш учун *масъул*, айна бир пайтда у муаммоли вазиятни таҳлил этиш натижасида ечимлар ва хулосаларни ишлаб чиқиш борасида *эркин иш тутади*.

- Талаба ўқув шароитида муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишда *хатога йўл қўйиши мумкин*, лекин у реал ҳаётда қабул қилинадиган нотўғри ечим учун *масъулият ҳиссини сезиши керак*.

10. Таълим *натижаларини режаслаштириши ва уларга эришишида таълимдаги ошкоралик билан қатъиятлилигининг* қўшиб олиб борилиши.

**Кейс-стади таълим услуби сифатида қуйидаги дидактик ўзига хос хусусиятларга эга:**

- Кейсда тақдим этилган аниқ вазият таълимнинг воқелик билан ўзаро алоқасини таъминлайди, чунки у келгусидаги касбий фаолият учун типик муаммоларни акс эттиради. Бунда ўрганиш жараёни, ўз моҳиятига кўра, реал ҳаётда ечимни қабул қилиш механизминини ифодалайди.

- Кейс ундан фойдаланувчига муаммоларни таҳлил этиш, бир хиллаштириш ва ҳал қилиш йўллариини излашда эркинлик беради.

- Кейс кўриб чиқишда талабалар таълим жараёнининг ташкилотчиларига айланадилар ва бир-бири билан ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилиш орқали реал коммуникацион ҳолатларни ифодалашади (масалан, банк - корхона).

- Таълим олувчилар аниқ вазиятни кўриб чиқиш жараёнида муайян умумлашган, концептуал тусга эга билимни шакллантиришга муваффақ бўладилар ва айна бир пайтда оддий умумлаштириш малакаларини орттирадилар.

- Амалий вазиятларга асосланган машғулотлар назарий тайёргарлик даврида олинган билимлар, шунингдек талабаларнинг ўз малака ва маҳоратларидан фойдаланиш ва амалда қўлланишга йўналтирилади.

- Кейс билан ишлаш натижаларининг оммавий тақдим этилиши тақдимотлар ўтказиш ва матбуот анжуманларида қатнашиш: ахборотни лўнда, мантиқан ва кўргазмали тарзда тақдим этиш, саволни ифодалай билиш ва жавобни далиллаш малакаларини ҳосил қилишга кўмаклашади.

- Кейс-стади таълимнинг бошқа услубларидан фарқли равишда нафақат таълим бериш ва тренинг, шу билан бирга диагностик/назоратчилик функцияларини ҳам бажаради.

Талаба якуний *назорат олдидан* кейсни олиши: уни ҳал қилиши ва амалий вазият таҳлилини ҳамда уни ҳал қилишга доир таклифларини ёзма иш шаклида тадим этиши мумкин.

Кейс талабаларга *бевосита якуний назорат пайтида* таклиф қилиниши ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолда у анча қисқа бўлиши, мақсадлари эса уларни талаба белгиланган вақт давомида ҳал қилишга улгурадиган ҳолатда бўлиши керак.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича *аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил иши* кейслар туркумининг ечимини ўз ичига олиши мумкин. Натижаларнинг графика биноан ёзма тақдим этилиши (муддатлар ўқув режаси ва таълим дастурига мувофиқ белгиланади) ўқув ахборотларининг ўзлаштирилиши, ушбу курс бўйича ДТСга кўра назарда тутилган малака ва кўникмаларни оператив назорат қилиш ва баҳолашга имкон беради.

Тадқиқотчилар талабаларнинг фанни уйлашларига ва ўрганишларига қараб уларнинг ўрганишларини турли ва кенг ифодалар билан тасвирлашган, аммо “Бласск ва Лусас” 1993 йилдаги мақоласини нашр қилганда, улар қуйидаги ғояга келиб тухташди- “Болаларнинг фанни ўрганишидаги ғоялари, уларнинг холис фикр юритишларига боғлиқдир”. Масалан, бу холис фикр юритиш, кундалик бизда юз берадиган ўй-хаёлларимизга ҳам боғлиқдир<sup>62</sup>.

### **Ғоялардан келиб чиқадиган ғоялар.**

Оксфорднинг: “Фикрлар юлдоши” дея номланган махсусу булими шуни таъкидлайдики “ғояларни-хаёлларнинг гаплари” деб аташ мумкин. Улар тиллар билан ифода қилинади, лекин тилдан олдин албатта фикрлаш олдин тугилади. Бизларга ўй-фикрлаш ноқулайлик туғдирмаслигига қарамасдан баъзи курсатмалари шуни таъкидлайдики философияда “ғоя” - бу кенг куламдаги амалий уқитишларда ишлатиладиган терминидир, ва яна қушимча қиладики, замонавий философлар махсус терминларни ишлатишни афзал қуришади, масалан: “тасаввур”, “тафаккур”, “тадаббур” ва бошқалар. Қанақа булмасин уша манба яна таъкидлайдики бу туғма ўй-фикрлаш тажрибадан келиб чиққан нарса эмасдир. Бошқа кенг куламда ишлатиладиган терминлар бу “хаёл” ва “фикр”дир ва биз бу икки терминни бир-бирини урнига ишлата оламиз.

### **Фикрлар ва Тафаккурлар манбаи**

Агар “Жеан” (аввалги бобда келган илм-фан назарияси олими) келтирган фикрларга эътибор қиладиган булсак, бу фикрлар қандай уйғонади деган саволни келтириб чиқаради: Одамлар қандай қилиб уйлайди, ва нималарга асосланиб уйлайди? Аниқ жавоб шуки: фикрлар оламини, дунёни ҳис қилишдан келиб чиқади – лекин бу ҳам аниқки барча фикрлар тугридан тугри ҳис қилишдан келиб чиқмадйи. Электронни яратиш ғояси, термодинамиканинг иккинчи қонуни ва бошқа шу каби машғулотлар тугридан тугри кузатиш ва ҳис

<sup>62</sup> Keith S. Taber Modelling Learners and Learning in Science Education. Springer Science+Business Media Dordrecht 2013, p. 51-55.

қилишдан келиб чиқмайди.

### **Борлиқни ҳис қилиш ва сезиш**

Бизнинг асосий тажрибаларимиздан бири шуки биз олдин борлиқ ҳис қиламиз, ташқи жисмий оламни ақлий тасаввур қиламиз. Биз яшайдиган жисмий оламда яратилган кашфиётлар юқорида айтилганидек тадқиқотчиларнинг илм фанда курсатган жонбозлигидир. Ҳақиқатда бу жуда фанга берилган катта жонбозликдек куринади ва дунёни мутадиллаштиради.

Аниқ жавоб шуки: фикрлар оламни, дунёни ҳис қилишдан келиб чиқади – лекин бу ҳам аниқки барча фикрлар тугридан тугри ҳис қилишдан келиб чиқмайдй.

## **2.2. Кейслар типологияси<sup>63</sup>.**

Кейслар учун улар турининг жуда кўплиги хосдир. Кейсларнинг турлари бўйича таснифланиши жадвалда тақдим этилган.

### **2.2.1-жадвал**

<b>Типологик белгилари</b>	<b>Кейс тури</b>
Асосий манбалари	1. Табиий шароитдаги 2. Кабинетдаги 3. Илмий-тадқиқотчилик
Сюжет мавжудлиги	1. Сюжетли 2. Сюжетсиз
Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги	1. Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс 2. Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира 3. Прогностик кейс
Кейс объекти	1. Шахсий 2. Ташкилий-институционал 3. Кўп субъектли
Материални тақдим этиш усули	1. Ҳикоя 2. Эссе 3. Таҳлилий ёзишма 4. Журналист тергови 5. Ҳисобот 6. Очерк 7. Фактлар мажмуи 8. Статистик материаллар мажмуи 9. Ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи
Ҳажми	1. Қисқа (лўнда) 2. Ўртача миқдордаги 3. Катта (узун)
Тузилмавий ўзига хос	1. Тузилмаланган

<sup>63</sup>Case Studies in EducationLeadership and Innovation. 2012 by Richard Smith and David Lynch.-11 p

хусусиятлари	2. Тузилмаланмаган
Ўқув топшириғини тақдим этиш усули	1. Саволли 2. Кейс-топшириқ
Дидактик мақсадлари	1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш 2. Тренингли, ўқув мавзуи/предмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган 3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи 4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи 5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи
Расмийлаштириш усули	1. Босма 2. Электрон 3. Видео-кейс 4. Аудио-кейс 5. Мультимедиа-кейс

Кейсологнинг (шу ўринда ва кейинчалик - кейсни ишлаб чиқувчи) вазифаси кейс турининг қўйилган дидактик мақсадларни оптимал амалга оширишига имкон берадиган ўзига хос хусусиятларини танлаш ва қўллашдан иборат.

### Кейсларнинг турли манбалари

Кейс интеллектуал маҳсулот сифатида ўз манбаларига эгадир. Уларни чизмали тарзда қуйидагича акс эттириш мумкин:



#### 2.2.1-расм. Интеллектуал маҳсулот сифатидаги кейснинг асосий манбалари.

Социум кейсларнинг манбаидир, деган фикр ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслиги аниқ. Фақат унинг кейснинг мазмуни ва шаклини қай даражада олдиндан белгилаб бериши мумкинлиги ҳақида турлича фикр бўлиши мумкин. Ижтимоий ҳаёт бутун турли-туманлиги билан кейс сюжети, муаммолари ва фактологик базасининг манбаи бўлади. Таълим ва тарбиянинг кейсда жамланган мақсадлари ва вазифалари, шунингдек таълим технологиясини белгилайдиган **таълим** яна бир манбадир.

**Фан** кейснинг учинчи манбаидир. У таҳлилий фаолият ва бир тизимли ёндашув билан белгиланадиган иккита асосий методологияни, шунингдек кейсни ҳал этиш жараёнида қўлланиладиган бошқа илмий услубларни беради.

3-чизмадакейс детерминацияси асосий манбаларининг ўзаро нисбати бир хилда ва тенг томонли учбурчак сифатида тақдим этилган. Бу барча манбаларнинг тенг аҳамиятли эканлигининг идеал ва анча кам учрайдиган ҳолати -детерминантдир. Кейсларни қуришнинг реал амалиётида бундай ҳолат анча кам учрайди. Кўпинча манбалардан бирининг устунлик қилиши кузатилади. Чизма шаклида олганда манба ролини учбурчак бурчагининг катталиги тарзида тасаввур этиш мумкин. Бунда бурчак қанчалик тўмтоқроқ бўлса, тегишли манба таъсири шунчалик кўпроқ бўлади. Ўткир қирралар тегишлича манбанинг минимал таъсирини акс эттиради<sup>64</sup>.

Ушбу ёндашув кейсларни **асосий манбалари бўйича** таснифлашга асос бўлиши мумкин. Бу ерда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) *ҳаётий кейслари* -мутлақо реал ҳаётий вазиятларни акс эттиради;

2) *кабинетдаги кейслар* -кейсолог моделлаштирган амалий вазиятни ўз ичига олади;

3) *илмий-тадқиқотчилик кейслари* –тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган.

*Ҳаётийкейсининг*асосий вазифаси ҳаётий вазиятни батафсил ва тўлиқ акс эттиришдан иборат. Ўз моҳиятига кўра, бундай кейс вазиятнинг амалий, яъни «ҳаракатдаги» моделини яратади. Бундабундай кейснинг ўқув мақсади таълим олувчилар тренинги, ушбу вазиятдаги билимлар, қобилиятлар ва феъл-атвор (қарорлар қабул қилиш) кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат бўлади. Бундай кейслар максимал кўргазмали ва батафсил бўлиши керак. Уларнинг асосий мазмуни ҳаётни билиш ва оптимал фаолиятга доир қобилиятларни ҳосил қилишдир.

Гарчи ҳар бир кейс таълим берувчи функцияни бажарса-да, лекин уларнинг барча қирраларинингтурли кейсларда акс этиши даражаси турличадир. Кўпроқ таълим берувчи функцияни бажарадиган, ҳаётни бироз бошқачароқ акс эттирадиган кейс *кабинетдаги кейс*дейилади.

Биринчидан, у ҳаётда кўпроқ учрайдиган ва мутахассис ўзининг касбий фаолиятида дуч келадиган типовойвазиятларни акс эттиради. Иккинчидан, таълим берувчи кейсда ўқув топшириқлари биринчи ўринда турадики, бу унда акс этадиган ҳаётнинг анча шартлилик элементига эга бўлишини олдиндан белгилайди. Бу ердаги вазият, муаммо ва сюжет ҳаётда бўладигани каби тус касб этади. Улар сунъийлиги билан тавсифланади ваэнг муҳим ва ҳақиқий ҳаётий деталлардан иборат бўлади. Бундай кейс вазиятлардаги типикликни кўришга имкон беради ва вазиятни амлиётдаги шунга ўхшаган вариантни қўллаш орқали таҳлил қилиш қобилиятини олдиндан белгилаб беради.

*Илмий-тадқиқотчилик кейси* учун ҳам шундай хусусиятлар хосдир. Унинг асосий мазмуни шундаки, у вазият ва ундаги феъл-атвор ҳақидаги янги билимни олиш учун модел бўлиб хизмат қилади. Унинг таълим берувчи

<sup>64</sup>Case Studies in EducationLeadership and Innovation. 2012 by Richard Smith and David Lynch.-11 p

функцияси моделлаштириш услубини қўллаш орқали илмий тадқиқотчилик малакаларини шакллантиришдан иборат. Ушбу кейс тадқиқотчилик моделини яратиш тамойиллари бўйича қурилади. Шунинг учун уни кўпроқ магистратурада, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги таълимда қўлланиш маъқулдир.

Бундай кейсда тадқиқотчилик функциясининг устунлик қилиши уни илмий-тадқиқотчилик фаолиятида анча самарали қўллашга имкон беради.

Кейснинг юқорида ажратиб кўрсатилган манбаларини **асосий, базавий ёки бирламчи** манбалар деб аташ лозим, чунки улар кейсларга таъсир кўрсатишнинг энг моҳиятли омилларини белгилайди.

Кейсларни шакллантиришнинг **иккиламчи манбаларини** ҳам ажратиб кўрсатадики, улар базавий манбалардан ҳосил бўладиган тусга эгадир. Қуйида уларга тўхталамиз.

1. Хорижий тажриба кўриниб турганидек, маҳсулотлари талабалар учун муайян шахсий аҳамият касб этадиган корхоналар фаолияти кўриб чиқилганида ёки *ахборот «маҳаллий» материалга асосланганида* кейслар муҳокамаси анча мазмунли ва қизиқарли кечади. Лекин бу кейсларда фақат мамлакатдаги корхоналар тажрибаси ёритилиши кераклигини билдирмайди. Бунда у ёки бошқа сифати билан миллий бозорда мавжуд бўладиган корхоналар ва товарлар ёки хизматлар назарда тутилаяпти.

Агар талабалар кейсларда баён қилинган ҳодисалар билан боғлиқ бўлган муҳит ва соҳани яхши билсалар, улар ўзларини анча ишончлироқ ҳис этади. Уларнинг, масалан, америкалик ёки бошқа хорижий истеъмолчилар феъл-атвори ва мотивларини муҳокама қилиши анча қийин кечади. Ўқитувчи ҳам ўзи субъектини яхши биладиган кейс муҳокамасига моҳирона раҳбарлик қилади. Ҳар қандай ҳолда ҳам бундай кейслар муҳокамасида корхона – кейс объекти вакилини талиф қилишдек ноёб имконият мавжуд бўлади.

2. *Статистик материаллар, бозор аҳволи ҳақидаги маълумотлар, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий тавсифномалари ва шу кабилар* кейсга илмийлик ва оддийлик бахш этади. Бунда мазкур материаллар вазиятни ташхис қилиш воситаси ролини бажариши, вазиятни тушуниш учун жуда муҳим бўлган кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун ахборот вазифасини уддалаши мумкин.

Статистик материаллардан фойдаланишда талаба бу материалларни идрок этиши, қуйидаги каби бир неча саволларга жавоб бериши керак: «Ушбу материаллар вазиятни тавсифлашда қандай роль ўйнайди?», «Материалларнинг ўзидаги қайси нарсалар вазиятни бевосита тавсифлайди?», «Бундай тавсифномалар қандай ҳисоблаб чиқилади ёки ажратиб кўрсатилади?» ва ҳоказо.

Статистик материаллар кейс матнида ёки иловада жойлаштирилади.

3. *Илмий манбалар, публицистика ва бадий адабиёт асарлари* – булар ҳам кейсга ёзиш учун яна бир манбадир. У ёки бошқа муаммога бағишланган илмий мақолалар, монографиялар ва илмий ҳисоботларни таҳлил этиш орқали ҳам кейс учун яхши материалларни олиш мумкин. Яхши илмий мақола одатда қандайдир масалани теран тушунтириши билан тавсифланса, илмий монография тадқиқот предметининг бир тизимли, ҳар томонлама

тавсифномасини беради. Илмий ҳисоботнинг ўзига хос хусусияти эса материалнинг долзарблиги ва янгилигидадир. Бундай фан маҳсулотлари ҳар доим ҳам вазиятни баён қилавермайди ва изоҳлаб бермайди. Шунинг учун уларни кейсолог вазият нуқтаи назаридан махсус мушоҳададан ўтказиши керак бўлади.

Энг қизиқарли илмий мақолалар кейс-услубда иккита функцияни бажариши мумкин. Биринчиси шундан иборатки, илмий мақолалар ва уларнинг қисмлари уларни матнга киритиш орқали кейсларнинг таркибий қисмига айланиши мумкин, иккинчиси шундаки, улар кейсни тушуниш учун зарур адабиётлар рўйхатига қўшилиши мумкин.

Агар илмий манбалар кейсга қатъийлик ва оддийлик берса, унда публицистика ва бадий адабиёт асарлари эмоционал тўлиқлик ва предметли изоҳлилиқни яратади.

4. *Интернет*ва унинг ресурслари – кейслар учун туганмас материал манбаидир. Ушбу манба кенг миқёслилиги, қайишқоқлиги ва оперативлиги билан ажралиб туради.

**Сюжет  
мавжудлигига  
қараб кейслар  
турлари**

Сюжет мавжудлигига қараб кейслар:сюжетли;сюжетсиз бўлади<sup>65</sup>.

*Сюжетли кейс* одатда бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги ҳикояни, шахслар ва корхоналар ҳаракатларини

ўз ичига олади.

*Сюжетсиз кейс*, одатда, яққол ифодаланган сюжетга эга бўлмайди, чунки сюжетнинг аниқ ифодаси кўп жиҳатдан ечимни очиб беради. Сиртдан қараганда вазият ташхисига, сюжетни яна қайта тиклашга ёрдам бериши керак бўлган статистик материаллар, ҳисоб-китоблар, ишланмалар мажмуидан иборат бўлади.

**Вазиятни баён қилишнинг  
вақтдаги изчиллиги  
бўйича кейслар турлари**

Кейсда баён қилинадиган вазият сюжетининг вақтдаги изчиллиги ҳам кейснинг таснифий ўзига хос хусусиятларига ўз таъсирини ўтказиши. Ушбу белгига кўра кейсларнинг уч турини фарқлашади:

- Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс;
- Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира;
- Прогностик кейс.

*Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс*баён қилинадиган ҳодисаларнинг вақтдаги табиий изчиллиги билан тавсифланади, сабаб-оқибатли алоқаларни яхши аниқлашга имкон беради.

*Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира*давақт орқага қайтарилади: унда ҳаракат қилувчи шахслар нималарнидир эслашади, хотиранинг ўзи узук-юлуқ, кўпинча бир тизимсиз ва фрагментар бўладики, бу вақт занжирини қайта тиклашни қийинлаштиради. Ўз моҳиятига кўра, кейс таҳлили вазият реконструкцияси, унинг бирор бир билиш парадигмаси жиҳатидан идрок

<sup>65</sup>Case Studies in EducationLeadership and Innovation. 2012 by Richard Smith and David Lynch.-11 p

қилинишидан иборат бўлади.

*Прогностик кейс*яқин ўтмишдаги ва ҳозирги воқеаларнинг анча батафсил баёнини беради, ундаги объектнинг келгусидаги ҳолатининг энг яхши вариантыни ишлаб чиқиш вазифасини қўяди.

**Объектига қараб кейслар турлари** Вазият объектига қараб кейслар шартли равишда уч гуруҳга бўлинади<sup>66</sup>:

• *Шахсларга оид кейс*, унда аниқ субъектлар: менежерлар, сиёсатчилар, раҳбарлар амал қиладилар.

• *Ташкилий-институционал кейс* - унинг объекти институционал тизимлар: ташкилотлар, фирмалар, компаниялар, корхоналар ва улар бўлинмалари бўлиши билан фарқланади.

• *Кўп объектлик кейс*— одатда бир неча ҳаракат қилувчи объектларни ўз ичига олади.

**Материални баён қилиш усулига кўра кейслар турлари** Материалларни етказишнинг жанрга хос хусусиятларига қараб кейс қуйидаги турлардан бири шаклида тақдим этилиши мумкин:

- ҳикоя;
- эссе;
- таҳлилий ёзишма;
- журналист тергови;
- ҳисобот;
- очерк;
- фактлар мажмуи;
- статистик материаллар мажмуи;
- ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи.

**Катталигига қараб кейслар турлари** Кейслар катталигига қараб уч турда бўлади:

- қисқа (лўнда) кейс;
- ўртача миқдордаги кейс;
- катта (узун) кейс.

Кейснинг катталигиунинг ҳажмига боғлиқ бўлади ва уни таҳлил этиш учун зарур ўқув вақтини белгилайди.

*Қисқа кейс* - шунингдек «европача», қисқа кейс деб ҳам аталади. Унинг ҳажми бир неча жумладан бир-икки саҳифагача бўлади. Унинг ечими икки соатлик амалий машғулотнинг бир қисмини банд қилишига мўлжалланган.

*Ўртача миқдордаги кейс* – унинг кўриб чиқилиши одатда икки соатлик машғулотни банд қиладди.

*Катта кейс* («америкача», узун) – ўнлаб саҳифаларни ўз ичига олади, бир неча амалий машғулотлар давомида ва ҳатто бутун ўқув курси мобайнида

<sup>66</sup>Case Studies in EducationLeadership and Innovation. 2012 by Richard Smith and David Lynch.-11 p

қўлланилиши мумкин.

**Тузилмасига қараб кейслар турлари**

Тузилмавий хусусиятларига қараб кейсларнинг икки тури фарқланади:

- тузилмага келтирилган;
- тузилмалага келтирилмаган.

*Тузилмавий кейс* тузилмавий шакли вазиятнинг идрок этилиши ва фикрланишини енгиллаштирадиган ахборотни ўз ичига олади.

*Тузилмага эга бўлмаган кейс*, одатда, муаммони батафсил (баъзан, ҳатто ҳаддан ортиқ тафсилотлари билан) ёритадиган катта ҳажмдаги тузилмаланмаган ахборотни ўз ичига олади.

**Ўқув топшириғини тақдим этиш усулига кўра кейслар турлари**

Ушбу таснифлаш асосига кўра кейслар икки турда бўлади:

• *Саволли кейс* – унинг ечилишида талабалар вазият баён қилинганидан кейин қўйиладиган саволларга жавоб бериши керак.

• *Кейс-топшириқ* - кейсни ҳал қилиш жараёнида бажарилиши лозим бўлган вазифа ёки топшириқ, одатда вазият баёнигача қўйилади.

**Дидактик мақсадларига кўра кейслар**

Ушбу таснифлаш асосига кўра кейсларнинг беш тури фарқланади:

1. *Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳловчи кейс*. Таниқли ва муваффақият билан ишлайдиган корхоналар (компаниялар)нинг узок муддат давомидаги иш фаолиятини баён қилади (мақсадлари, стратегиялари, маҳсулот модификациялари, турли бозорлардаги иши ва бошқалар).

Бундай кейснинг таълимий мақсади – мисол орқали ўқитиш. Режалаштириладиган ўқув натижалари – тўғри қабул қилинган қарорларни эслаб қолиш, таниқли ва муваффақият билан ишлайдиган корхоналар ва тармоқларнинг амалиёти билан танишиш.

2. *Тренингли, ўқув мавзуи/предмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришига мўлжалланган*. Унинг таълимий мақсади - талабаларга бирор бир ҳаракатларни бажариш алгоритминини ўргатиш.

Талаба қуйидагиларни ўрганиши керак: муайян модель/ формула/ҳисоб-китоб алгоритминини қўллаш, берилган одатий вазиятда ягона тўғри қарорни қабул қилиш.

3. *Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи*. Кейсда аниқ вақт давридаги вазият баён қилинган, вазият субъекти олдида турган муаммолар аниқланган ва аниқ ифодаланган.

Талаба вазиятни тушуниши, таҳлил қилиши ва баҳолаши, қўйилган муаммо юзасидан қарор қабул қилиши лозим.

4. *Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишига ўргатувчи*. Мураккаб баён қилинган вазиятга эга. Муаммо вазиятга киритилади-ю, лекин аниқ намоён бўлмайди. У статистик маълумотлар, корхона ҳисоботлари, бўлинмалар раҳбарлари нутқлари ва шу кабиларда

тақдим этилган.

Талабалар муаммони аниқлаши ва ифодалаши, уни ҳал этиш усуллари ва воситаларини кўрсатиши керак.

5. *Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи.* Бундай кейснинг ўзига хос хусусияти шундаки, бошқарувчилик муаммоси корхона фаолиятининг муайян турига, муайян асосий шарт-шароитларга боғлаб баён қилинади.

Талабаданвазият субъектини ривожлантиришнинг янги стратегияси ва йўлларини топиш талаб қилинади. Бундай кейсдаги вазиятда ахборотнинг бир қисми бўлмаслиги мумкин. Ахборотга эҳтиёжни аниқлаш ва уни топиш – талабанинг яна бир вазифасидир.

**Безатиш усулига қараб  
кейслар турлари**

Кейслар талабаларга турли шаклда тақдим этилиши мумкин: босма, электрон, видео-кейс, аудио-кейс, мультимедиа-кейс.


Ўқитиш амалиётида, одатда, босма шаклдаги ва электрон ташувчилардаги кейслар қўлланилади – бундай шаклдаги ахборот билан ишлаш аудио- ёки видео-вариантлардагига нисбатан қулай ва таҳлил қилиш осонроқ. Бундан ташқари, кўп марталаб интерактив кўздан кечириш имкониятларининг чекланганлиги бирламчи ахборотнинг бузилиши ва хатоларга олиб келиши мумкин. Мультимедиа – кейсларнинг имкониятлари юқорида кўрсатилган қийинчиликларнинг олдини олишга имкон беради ва ўзларида матнли ахборот ва интерактив видео-тасвир устунликларини мужассам этади<sup>67</sup>.

---

<sup>67</sup>Case Studies in Education Leadership and Innovation. 2012 by Richard Smith and David Lynch.-11 p

## Кейсни ишлаб чиқишнинг процессуал тизими.

**Кейсни ишлаб чиқиш модели** Кейснинг яратилиши мураккаб процессуал тизимдан иборат бўлади. Кейсни ишлаб чиқиш модели 4-чизмада тақдим этилган.



### 2.2.2-расм. Кейсни ишлаб чиқиш модели.

Чизмада кўриниб турганидек, кейснинг шакллантирилишига бир неча омиллар таъсир қилади:

1. *Давлат таълим стандартида (ДТС) кейсни ишлаб чиқишга асос бўлган ўқув предмети бўйича ифодаланган таълим тизими талаблари* - кейснинг предметни ўқитиш тизимидаги ўрни, унинг мақсадлари ва ўқув натижалари, талабалар кейсни ҳал қилиш учун олдиндан эгаллаши лозим бўлган билимларни белгилайди.

2. *Ушбу предмет бўйича таълим тизимини қамраб оладиган дидактика* – таълим мазмуни; таълим мақсадларининг амалга оширилиши ва прогноз

қилинадиган ўқув натижаларига эришишни воситали тарзда таъминлайдиган ўқитиш услублари, шакллари ва воситалари, ахборот, коммуникация ва бошқарув усуллари ва воситаларини; таълим жараёнининг кечиши ва натижаларини белгилайдиган қонуниятлар, тамойиллар, қоидалар ва нормативларни белгилайди.

3. *Социум, институционал тизим – кейс объекти, ДТСда юз берадиган ўзгаришлар* - кейсга ўзгартишларни киритиш орқали ахборот таъминотида тезкорлик билан акс этиши керак.

4. *Кейсологнинг касбий маҳорати* -ўқув предмети бўйича билимлар мажмуи, кейсни ишлаб чиқиш, таълимнинг кейс-технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалга ошириш қобилиятидан иборат бўлади.

Кейсни ишлаб чиқиш жараёнининг ўзи кейсологнинг мақсадни фараз қилишидан то кейсни таълим жараёнига жорий этишгача бўлган жами ҳаракатлари изчиллигидан иборат.

Кейсолог фаолияти мазмунини босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

**Мақсаднинг қўйилиши** Кейсни ишлаб чиқишнинг ушбу биринчи босқичи кўйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- кейснинг ўқув курси тузилмасидаги ўрнини белгилаш;
- унинг таълимий мақсадини ифодалаш (талабаларни таништириш, ... ҳақидаги билимларни шакллантириш/чуқурлаштириш, ўргатиш, малакаларни орттириш, кўникмаларни ривожлантириш ваҳоказо);
- кейснинг талабаларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун «масъулият зонаси»ни аниқлаш;
- ўзлаштирилиши/кенгайтирилиши/ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати (... ни таҳлил этади, тузади (бизнес-режа), ишлаб чиқади (маркетинг стратегияси), ... га тайёрлик/кўникмани намоён этади ва ҳоказо);
- ечими талабаларнинг мўлжалланган ўқув натижаларига эришишини таъминлайдиган педагогик вазифаларнинг белгиланиши (... ни ўргатиш, ... ни бир тизимга солиш, ... ни тушунтириш ва ҳоказо).

Талаба – кейсологнинг аниқ ва бир хилда ифодаланган таълимий мақсадлари, ўқув натижалари ва вазифалари вазиятга доир машқни «қуриш» учун асос бўлади.

*Мисол:* **Ўқув предмети:** «Стратегик маркетинг».

**Таълим берувчи амалий вазият мавзуси:** «Маркетинг стратегияси».

**Ушбу кейснинг мақсади:** маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бозорга янги маҳсулот билан чиқиш режаси, уни илгари суриш стратегиясини асослаш ва ишлаб чиқиш малакаларини орттириш.

**Кейсологнинг вазифалари:** Сиз бозордаги муваффақиятга олиб борадиган ҳаракатлар режасини асослашингиз ва баён қилишингиз керак. Сиз янги маҳсулот билан бозорга қандай чиқиш, ўрин олиш, бозордаги ўз улушингизни сақлаб қолиш ва кўрсатилган истиқболдаги молиявий натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатишингиз лозим.

## Муаммонинг ифодаланиши

Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятнинг амал қилиши ва ифодаланиши шаклидан иборатлиги сабабли муаммонинг ифодаланиши ана шу зиддиятни белгилаш, сўнгра унинг асосий таркибий қисмлари – муаммо тузилмасини (кичик муаммоларни) белгилашни назарда тутлади.

☞*Мисол:*

**Кейс муаммоси:** янги маҳсулот билан рақобатчи бозорга чиқиш: имкониятлар ва хавфлар, олиб чиқиш стратегияси, янги брэнд.

**Муаммо тузилмаси:**

1. Бозор таҳлили.
2. Бозорга кириб бориш мақсадлари.
3. Нархлар ва қадоқлаш.
4. Сотиш ва тақсимлаш.
5. Хизмат кўрсатиш ва кафолатли хизматлар.
6. Жамоатчилик билан алоқалар, реклама ва реклама фаолияти.

## Кейс дастурий картасининг тузилиши

Кейс дастурий картасининг қурилиши –кейсни ишлаб чиқишнинг энг муҳим босқичларидан бири.

 **Кейснинг дастурий картаси** кейс учун ахборот йиғиш ва вазиятни баён қилиш учун асос бўладиган асосий масалалар(тезислар)нинг тузилмаланган рўйхатидан иборат бўлади.

Қуйида тақдим этилган мисолдаги кейснинг дастурий картаси саволлар шаклида ишлаб чиқилган. Бу талаба – кейсологнинг ахборот йиғиш, шу жумладан интервью шаклида йиғиши, ва уни баён қилиш вазифасини енгиллаштиради.

☞*Мисол:*

### «Маркетинг стратегияси»

**мавзусидаги кейснинг дастурий картаси**

#### 1. Бозор таҳлили

- 1.1. Бозорнинг умумий тузилмаси қандай?
- 1.2. Бозор сегментацияси қандай?
- 1.3. Ушбу бозорда қандай йирик ишлаб чиқарувчилар (ва хомашёни етказиб берувчилар) тақдим этилган?
- 1.4. Бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг (технологик) ўзига хос хусусиятлари қандай?

1.5. Мазкур маҳсулот нархлари қандай? Пировард маҳсулот нархига қандай омиллар таъсир қилади?

1.6. Сизнинг доимий рақибларингиз рекламанинг қандай турларини қўллайдилар?

#### 2. Бозорга кириб боришдан мақсадлар

- 2.1. Сизнинг бозорга чиқишдан режаларингиз қандай?
- 2.2. Сиз мўлжаллаётган сотишлар ҳажми ва унинг улуши қандай бўлади?
- 2.3. Нима нарса Сизнинг маҳсулотингизни сотишда жозибали бўлади? Унинг ўзига хос хусусияти ва ноёблиги нимадан иборат?
- 2.4. Бозорнинг аниқ секторларидаги сотиш жозибадорлиги нимадан иборат бўлади?
- 2.5. Сиз ҳар бир секторда истиқболли буюртмачиларни қандай аниқлайсиз?
- 2.6. Улар ўртасида устуворликларни қандай тақсимлайсиз?
- 2.7. Сиз ўз бозорингизга қандай жалб қиласиз ва қўллаб-қувватлаб турасиз? Сиз уни

қандай кенгайтормоқчисиз? Қандай муддатда?

2.8. Рақиблар стратегияси Сизнинг стратегиянгизга қандай таъсир қилиши мумкин?

2.9. Сиз қарорлар қабул қиладиган шахслар эътиборини қандай тортмоқчисиз?

2.10. Сиз ким билан алоқага кириш зарурлигини қандай ҳал қилмоқчисиз? Қандай тартибда?

2.11. Сиз маҳсулот сотишда қандай фаоллик даражасига эришмоқчисиз? Нима учун бундай ёндашувни энг яхши деб ҳисоблайсиз?

2.12. Сизнинг асосий Буюртмачингиз (буюртмачиларингиз) кимлар бўлади ва у (улар) Сизнинг бозорга кириб боришингизга қандай ёрдам бериши мумкин?

### **3. Нархлар ва қадоқлаш**

3.1. Сизнинг нарх сиёсатингиз нима билан белгиланади? Нархлар стратегияси қандай бўлади?

3.2. Сизнинг тушумингиз паст бўладими ёки юқори?

3.3. Сизнинг фикрингизча, рақобатчилик, чегирмалар тизими, товарлар таннархи, бозорда амал қиладиган кучлар ва бошқа омиллар нархга қандай таъсир кўрсатади?

3.4. Агар Сизнинг нархларингиз бозордаги шунга ўхшаш маҳсулотлар/хизматлар нархидан анча юқори ёки паст бўлса, улар асослими? Эҳтимол, нарх белгиланиши компаниянгизнинг фойда олиш қобилиятига асослангандир?

3.5. Тадқиқот ва ишланмаларга харажатларнинг ҳисобга олиниши нархларга қандай таъсир кўрсатади?

3.6. Сизнинг нархлар стратегиянгиз кейинчалик қандай ўзгаради?

3.7. Рақобатчилик жараёнида юз берадиган нархлар тўқнашуви эҳтимолига қандай қарайсиз?

3.8. Қадоқлаш ва маркалаш дизайнини яратиш бўйича режаларингиз қандай?

3.9. Сизнинг фирмангиз номи, қадоқлаш ранглари, белгилари ва умумий услуби харидорни маҳсулотингизни харид қилишга қандай жалб этади? Нима учун бўлғуси истеъмолчида Сизнинг маҳсулотингизни бир кўришда сотиб олиш истаги туғилади?

3.10. Сизнинг маҳсулотга илова қилинадиган кўрсатма ва йўриқномаларингиз қайтарзда уни муомалада оддий қилиб қўяди?

### **4. Сотиш ва тақсимлаш**

4.1. Истеъмолчи ўртача қандай миқдорда буюртма беради? Сиз қандай турдаги такрорий буюртмаларни кутаяпсиз?

4.2. Сотиш даври қандай бўлади? Сотиш режаларини бажаришнинг қандай босқичлари ажратилган?

4.3. Сиз таъминотчи ва/ёки дистрибьюторлар билан қандай алоқадасиз?

4.4. Сизда амал қилаётган ёки тузмоқчи бўлаётган дистрибьюторлик ёки лицензион битимлар борми?

4.5. Сизнинг маҳсулот/хизматларингиз қандай ва қайси географик зонада тақсимланади?

4.6. Сотиш ва савдо, бевосита етказиб бериш усуллари қандай? Сиз уларни қандай қўллайсиз, таъминлайсиз ва назорат қиласиз?

4.7. Сизнинг кредит сиёсатингиз ва тўловларни йиғиш сиёсатингиз қандай бўлади? Сизнинг: 1) нақд пулга, 2) молиялаштиришга, 3) лизингга, 4) кредитга, 5) тўловлар шартлари асосидаги сотиш имкониятларингиз қандай?

4.8. Сиз қанча савдо агентига эгасиз? Булар мустақил ходимларми ёки ишлаб чиқариш вакилларими? Улар фаолияти чегаралари ва стимуллари қандай бўлади? Комиссион ҳақлар қандай ҳисобланади?

4.9. Уларни ёллаш ва ўқитиш дастурининг умумий белгилари қандай бўлади? (Сотишлар ҳажми сотишга доир самарали таклифлар сонига тўғри мутаносибми?).

### **5. Хизмат кўрсатиш ва кафолат хизматлари**

5.1. Сиз маҳсулотингизга хизмат кўрсатиш, ундан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш, кафолатли шартларни қандай ташкил этмоқчисиз ва истеъмолчи уларни қандай билиб олади? Сиз уларни қандай реклама қиласиз? Улар Сизнинг даромадингизга қандай таъсир қилиши

мумкин?

5.2. Бундай ёндашувлар Сизнинг маҳсулотингизни қай тарзда рақобатбардош қилади ва улар даромадларга қандай таъсир кўрсатади? Бундай ёндашувларни амалга ошириш русумлари қандай намоён бўлади? Улар тажриба орттирилишига қараб қандай ўзгаради ёки яхшиланади?

5.3. Сиз истеъмолчилар шикоятларига ва маҳсулот/хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа муаммоларга қандай муносабатда бўлмоқчисиз?

### **6. Жамоатчилик билан алоқалар, реклама ва реклама фаолияти**

6.1. Сиз жамоатчилик билан алоқа, реклама, оммавий ахборот воситаларининг қай биридан фойдаланмоқчисиз?

6.2. Бевосита корреспонденция қанча бўлади ва қанча проспектларни тарқатмоқчисиз? Ҳар бир сотишга қанча тақдимот тўғри келади? Улардан қандай жавоб кутаяпсиз?

6.3. Сизнинг маҳсулотингизни самарали илгари суриш кўрсаткичлари, тақдим этиш суръатлари қандай?

6.4. Сизнинг фаолият тармоғингиздаги учрашув ва савдо кўргазмаларида Сизнинг иштирокингиз қандай бўлади?

6.5. Сиз ўз маҳсулот/хизматларингизни тақдим этишга ва унинг бозорда танилиши ҳамда қабул қилинишига нисбатан қандай умумий ёндашув ва стратегияга амал қиласиз?

### **Институционал тизимнинг изланиши/танланиши**

Кейсни ишлаб чиқишнинг ушбу босқичига киришишдан олдин кейсолог қуйидаги қарорларни қабул қилади:

- Кейс ҳатийлик, кабинетли ёки илмий-тадқиқотчилик тусида бўлиши?
- Кейс объекти аниқ шахс (шахслар) ёки корхона ёхуд кўп объектли бўлади?

Фақат шундан кейин у институционал тизимни танлайди (кабинетли кейс учун) ёки топади (хаётий ёки илмий-тадқиқотчилик кейси учун).



**Институционал тизим** - кейснинг кейс дастурий картасини амалга оширишига бевосита дахлдор объектдир.

Улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- фирма;
- ташкилот;
- корхона ва ҳоказо.

### **Ахборот йиғиш усуллари ва воситаларининг танланиши**

Кейс учун ахборот *йиғиш* усуллари сифатида қуйидагилар танланиши мумкин: интервью, суҳбат, ўрганиш (архив ҳужжатлари, ҳисоботларни), кузатув ва ҳоказо.

Қуйидагилар ахборот *йиғиш* воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин: сўровнома варағи, интервью олиш варағи, анкета, ҳар хил жадваллар ва бошқалар.

### **Ахборот йиғиш**

Кейсга асос бўладиган ахборотларни излаш ва йиғиш уни ёзишдаги муҳим муаммодир. *Қуйидагилар ахборот манбалари бўлиши мумкин:*

- статистик материаллар, ҳисоботлар;

- вазият объекти фаолияти ҳақидаги маълумотномалар, ахборотлар, проспектлар ва бошқа маълумотлар;
- Интернет;
- оммавий ахборот воситалари;
- корхона рақиблари, унинг таъминотчилари ва истеъмолчилари, тармоқдаги экспертлар ёки турли инвестицион фондлар таҳлилчилари билан мулоқот;
- талабаларнинг ўқув ва диплом лойиҳалари, магистрлик диссертациялари;
- илмий мақолалар, монографиялар.

Дарвоқе, хорижий тажрибанинг кўрсатишича, *корхона раҳбарлари билан интервью* кейсинг энг самарали манбаларидан бири ҳисобланади.

#### ♪ **Интервьюни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича амалий маслаҳатлар ва тавсиялар**

- Ҳаётида ҳеч бўлмаганда бундай интервьюни бир марта ўтказган киши ишонмасдан кулиб, шундай дейиши мумкин: «Бундай кишиларнинг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотни шунчаки олдингизга тахлаб ташлашига сира ишонмайман!». Аслида ҳам, раҳбарлар ўз корхонаси ҳақидаги ахборотларни ўзгалар билан ўртоқлашишни хуш кўраверишмайди. Лекин умидсизликка тушиш ва аввал-бошданок бундай имкониятдан воз кечиб қўйиш ярамайди.

Баъзан корхона раҳбари фақат реклама мақсадларини кўзлаб ҳам тадқиқотчилар билан ҳамкорлик қилади: кейс туфайли бир неча юз, ҳатто минглаб талабалар корхона ва унинг маҳсулотлари билан танишиб олиши мумкин. Мабодо зарур деб билсангиз, талабалар кейсинг мақсадли аудиторияси эканлигини унга эслатиб қўйинг.

Айрим менежерларнинг мамлакатдаги бизнес-таълимга ёрдам беришга тайёрлиги ҳақидаги альтруистик интилишини ҳам эътибордан четда қолдирманг.

Шу билан бирга, шуни ҳам эсда тутиш керакки, раҳбар интервью олувчининг ишончли шахс эканлигига ишончи комил бўлганидагина бундай интервьюни олиш мумкин бўлади.

- Сиз вакили бўлган ўқув муассасасининг бизнес-элита назаридаги юксак имижига, шунингдек кенг доирадаги умумий танишлар Сизга интервью олиш учун зарур тавсияларни таъминлаши мумкин. Шу сабабли, эҳтимол, ишни Сизнинг ўқув юртингизни битирган кишиларни ёки уларнинг танишларини излашдан бошлаганингиз маъқул.

- Шубҳасиз, раҳбар билан суҳбатга астойдил тайёрланиш лозим. Бундай кишиларниг ҳаёт суръатлари жуда жадал ва тиғиз бўлади, интервьюни ўтказиш учун ажратилган қисқа вақт ичида имкони борича кўпроқ фойдали ахборот олишга уриниш керак. Шунинг учун менежер билан учрашгунга қадар корхонани ўрганиб чиқиш лозим. Бу аниқ ва ваколатли саволларни ифодалаш ва қўйишга имкон беради.

- Савол бера билиш қобилияти – катта санъат бўлиб, бу тажриба орттиришга қараб чиниқиб боради. Лекин шуни эсда тутиш керакки, нафақат саволларнинг мазмуни, шу билан бирга уларнинг шакли ҳам катта аҳамият касб этади. Улар лўнда, оддий, қисқа ва аниқ қилиб ифодаланиши лозим.

- Олинган материаллардан ўқув мақсадларида фойдаланиш ва уларни яқунланган кейс шаклида эълон қилиш учун корхона раҳбариятининг розилигини олиш зарурлигини эсда тутиш керак.



#### **Кейсологнинг интервью ўтказиши қодалари**

- Суҳбатдошингизни диққат билан, сўзини бўлмасдан тингланг. Ҳеч қачон баҳсга киришманг ва маслаҳат берманг. Шуни эсда тутинг: Сизнинг учрашувдан мақсадингиз консалтинг хизматлари кўрсатиш эмас, балки кейс учун зарур ахборотлари тўплашдир.

• Ҳар қандай институционал тизимда ўзга шахслар эътиборидан эҳтиёт қилинадиган ўзининг ички муаммолари, масалан, ишчи муҳити, одамлар орасидаги муносабатлар ва шу кабиларбор. Агар суҳбатдошнинг ҳис-ҳаяжонлари, имо-ишораларига эътибор қилинса, бундай ахборотларни ҳам билиб олиш мумкин.

• Қандай ахборотни кўпчиликка таништириш учун кейсда тақдим этиш мумкину, қандай материалнинг махфий тусда бўлишини суҳбатдошнингиздан албатта сўраб олинг. Кейс уни ишлаб чиқувчиларга ўз ахборотларини ишониб билдирган шахсларга зарар етказмаслиги керак.

**Вазият моделининг  
қурилиши**

Кейсологнинг кейсни ишлаб чиқишга доир фаолиятининг ушбу босқичдаги мазмунини унинг қуйидаги қарорлари белгилайди<sup>68</sup>:

• Кейс қандай бўлади: сюжетли ёки сюжетсиз?  
• Кейсдаги воқеалар ахборотни баён қилишнинг вақтдаги изчиллиги бўйича ўтмишдан ҳозирга келадиган ёки кейс-хотира ёхуд прогностик бўладими?

• Вазиятга оид машқ қандай жанрда баён қилинади: ҳикоя ёки эссе ёхуд таҳлилий ёзишма ёки бошқача шаклда?

Кейсолог қабул қилинган ечим асосида вазият моделини қуради.

 **Кейсдаги вазият модели** вазият субъекти фаолиятининг идеал инъикосидан иборат бўлади ва ифодаланган муаммо ташувчиси ролини бажаради. Ташқи кўринишига кўра бу ҳодисаларнинг муайян занжири ёки ҳодисалар доираси, ҳодисалар боғлами ва шу кабилар бўлиши мумкин.

Модель вазиятнинг турга оид белгиларини танлаш асосида шакллантирилади (4-жадвалга қаранг).

Вазият моделини қуриш муваффақияти унинг ўрганилаётган мавзу ёки ўқув предметига мувофиқ бўлиши даражасига қараб, шунингдек унда ностандарт, муайян интрига борлигига кўра белгиланадики, бу унга ноординарлик бахш этиб, тадқиқотчилик мотивациясини ҳосил қилади.

**Кейс матнининг  
ёзилиши**

Кейсолог кейсни ёзишга киришишдан олдин қуйидагича ечимларни қабул қилади:

- Кейс ўз ҳажмига кўра қисқа ёки ўртача миқдорда ёхуд катта бўладими?
- Бу саволли кейсми ёки кейс-топширикми?
- Кейсда муаммо қандай усулда берилади?

*1-усул* – муаммони кейсолог ифодалайди.

*2-усул* – вазиятдаги муаммо яққол ифодаланади, лекин бунда вазиятнинг зарур элементларидан бири (масалан, шериклар ҳақидаги) ахборот бўлмайди.

*3-усул* – матнда вазият субъектлари ўртасидаги зиддият мавҳум ифодаланади.

- Кейс тузилмаси бўйича қандай бўлади?

Гап шундаки, кейс бу шунчаки моҳирона бир ҳикоя ёки муайян воқеаларнинг оптимал сонли саҳифалардаги оддий баёни эмас. Юқорида қайд

<sup>68</sup>Case Studies in Education Leadership and Innovation. 2012 by Richard Smith and David Lynch. -11 p

қилинганидек, бу, аввало, муайян ўқув мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган педагогик воситадир.

Шу сабабли кейс тузилмаси уч асосий таркибий қисм билан белгиланади:

1) *мотивацион*, кейснинг долзарблиги, унинг мақсади ва талаба кейсни ҳал қилишда эришадиган ўқув натижаларини белгилайди;


2) *сюжетли*, укейдаги амалий вазият мазмунини очиб берадиган ҳаракатлар, воқеалар мажмуидан иборат бўлади;

3) *информацион*, увазият таҳлили учун зарур ахборотни ўз ичига олади;

Сюжетли ва информацион қисмлар нисбатан мустақил тарзда ва чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳам амал қилиши мумкин (5-чизма).

☞ *Талабанинг ҳал қилиши учун тақдим этиладиган ҳар қандай кейсдаунинг мақсади ватопшириги/саволларианиқ ифодаланган бўлиши лозим; у топшириқни ҳал этиши учун зарур ва етарли ахборот ҳажмини ўз ичига олиши керак.*

Кейс мазмунини компонентлари бўйича кўриб чиқамиз.



### 5-чизма. Кейс тузилмаси.

■ - Мажбурий таркибий қисм (компонент).

### ***КИРИШ***

Кейснинг ушбу тузилмали компоненти кейс долзарблигининг асосини, унинг таълим берувчи мақсади ва талабалар кейсни ҳал қилиш натижасида эришиши мумкин бўлган назарда тутиладиган ўқув натижаларини ўз ичига олади.

Мисол **КЕЙС**

**«DESKINVEST»: сотиш бозорини кенгайтириш учун маркетинг стратегиясининг танланиши» (лавҳа)**

**Ф.М. Назарова, ТДИУ**

**Кириш**

Ҳозирги бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида мамлакатдаги ишлаб чиқариш амалиётида самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш зарурати ошиб бормоқда. Бу, аввало, маркетингнинг товарлар ва хизматлар бозоридаги рақобатчилик кучайиб бораётган шароитда корхонанинг самарали ривожланишига кўрсатадиган таъсири билан боғлиқдир. Қурилиш саноатидаги кўплаб корхоналар учун айнан сушт маркетинг фаолияти, кўпроқ унинг йўқлиги, бозордаги фаолликнинг сустлиги, қурилиш ишлаб чиқаришининг пасайиши ва бунинг оқибати сифатсизланиши, муайян сотиш бозорларининг йўқотилиши, ижтимоий ва молиявий қийинчиликлар кўпайишининг сабабларидан бири бўлди. Шу муносабат билан, корхона маркетинглоглари учун маркетинг стратегиясини тўғри ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини ташкил этиш қобилияти алоҳида аҳамият касб этапти.

Ушбу кейснинг **мақсади** ўтказилган маркетинг таҳлили асосида маркетинг стратегиясини таҳлил этиш ва баҳолаш малакаларининг ривожлантирилиши, уни ишлаб чиқишкўникмаларининг орттирилишидан иборатдир.

Таклиф этилаётган кейснинг ечими қуйидаги **ўқув натижаларига** эришишга имкон беради:

- корхона имкониятларини таҳлил этиш ва баҳолаш қобилиятини ривожлантириш;
- корхонада маркетинг стратегиясини танлаш ва уни ишлаб чиқиш малакаларини орттириш;
- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Ўзбекистон-Австрияқўшма корхонаси «DESK-INVEST» республика саноат бозорида фаолият юритиб, ўз маҳсулотларинийирик ва кичик корхоналарга улгуржи вариантда сотади.

Ҳозирги вақтда бозор бунга ўхшаган товарларга тўлаллиги, ўз навбатида, қурилиш маҳсулотлари маркалари ўртасида кескин рақобатчиликка олиб келди. Истеъмолчилар бундан фақат ютади, чунки қурилиш маҳсулотларини харид қилиш муаммоси истеъмолчи учун жиддий бўлиб тургани йўқ. Бугунги кунда хоҳлаган маҳсулотларни сотиб олиш мумкин бўлган жойлар – бозорлар, қурилиш материаллари дўконлари, павильонлари кўп бўлиб, уларамалда кўриб чиқиладиган товарларнинг бир хилдаги ассортиментини тақдим этади.

«DESK-INVEST» корхонаси ўзининг дастлабки фаолият юритиш йилларидаихтисослашиш стратегиясини (бозордаги ўрни концентрацияси) қўллаган эди. Корхона ўз эътиборинибир сегментга эҳтиёжларга қаратди ва бутун бозорни эгаллаб олишга интилмади. Ҳозирги вақтда «DESK-INVEST» корхонасида сотишни кенгайтириш учун стратегияни қайта кўриб чиқиш зарурати вужудга келди.

**Топширик:** «DESK-INVEST» корхонасидаги мавжуд маркетинг стратегиясини таҳлил этиш асосида унинг учун сотиш бозорини кенгайтириш бўйича маркетинг стратегиясини танлаш ва асослаш керак.

## **КЕЙС ОБЪЕКТИНИНГ ТАРИХИЙ БАЁНИ**

Ушбу компонент катта (америкача, узун) кейсларда доим бўлади. Такдим этилган ахборотмуаммонинг ретроспектив таҳлилини ўтказиш, унинг сабаблари ва ривожланиш тенденцияларини белгилашга имкон беради.

### **ВАЗИЯТ**

Вазият - кейснинг асосий тузилмавий компоненти ҳисобланади.

 **Кейсда баён қилинган вазият**, корхонага шу пайтда ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган параметрлар, ўзгарувчан омилларнинг аниқ туркуми шаклида ифодаланади. Бошқача айтганда, вазият объекти ҳақидаги релевант (муаммони ҳал этиш учун муҳим) маълумотлар рўйхатидан иборат бўлади.

Вазият мазмуни талабаларнинг келгусидаги фаолияти учун хос бўлган ишлаб турган корхоналар ёки моделлаштирилган корхоналарнинг ҳаётидаги реал воқеаларга асосланади.

Муваффақиятли вазиятли машқлар турли персонажлар ўртасидаги суҳбатларни ўз ичига олиши мумкин, талабалар-кейсдан фойдаланувчиларнинг вазиятнинг реаллигини ҳис этишига ёрдам берадиган бошқа публицистик усуллар ва воситалар ҳам ишлатилади.

Вазиятнинг кейсдаги баёни ва унинг ахборот таъминоти қуйидагиларга кўра турлича бўлиши мумкин:

- *Ҳажмига кўра*: бир неча жумладан тортиб, то юзлаб саҳифали матн гача;
- *деталлаштириши даражаси ва ахборотга бойлигига кўра*: таҳлил предмети га бевосита тегишли бўлмаган ахборотнинг мавжуд бўлиши ёки, аксинча, вазият элементларидан бири ҳақидаги ахборотнинг бўлмаслиги ҳам мумкин.

Кейснинг мавзуси ва мақсадига қараб вазиятда шериклар, рақиблар ва ёки вазият субъекти биргаликда фаолият юритадиган бошқа ҳаракат қилувчи шахслар, вазият амал қилиши ва ўзгаришига асос бўладиган шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

 *Вазиятнинг баён қилинишида ишлатилган тўлдирувчи материаллар, бир томондан, кейсдан фойдаланувчиларни уни ҳал этиш учун зарур тузилмадан ахборот билан таъминлайди, бошқа томондан эса – вазиятнинг кўргазмали ахборотли негизини ташкил этади.*

*Мисол*

### **КЕЙС**

**«DESKINVEST»: сотиш бозорини кенгайтириш учун маркетинг стратегиясининг танланиши» (парча)**

**Ф.М. Назарова, ТДИУ**

**Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси «DESK-INVEST» ҳақидаги ахборот**

**1. Объектнинг умумий тавсифномаси**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «DESK-INVEST» Ўзбекистон-

Австрияқўшма корхонаси Таъсис шартномаси ва уставасида ташкил этилган бўлиб, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, тижоратчилик ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш мақсадларида қатнашчилар омонатларининг бирлашувига асосланади. Қуйидагилар корхона Муассислари ҳисобланади:

- **Тошкент шаҳар ҳокимлигининг инвестициялар бош бошқармаси;**
- «Osiyo Granit» масъулияти чекланган жамияти;
- «Qurilishbutlashxizmat» масъулияти чекланган жамияти;
- «DESK Marketing Service GmbH» фирмаси;
- АҚШ фуқароси.

Қатнашчилар омонатлари ҳисобига 1.300.000 АҚШ доллари миқдоридagi устав фонди ташкил этилган.

«DESK-INVEST» корхонасининг асосий мақсади буклама профиллар ва металлчерепица ишлаб чиқарадиган завод қуриш ва ишлатиш, илғор технологияларни хўжаликка татбиқ этиш.

Корхона фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- буклама профиллар, металлчерепица ва бошқа шунга ўхшаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш;
- савдо-воситачилик фаолияти;
- ишлаб чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқланмаган кенг профилдаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- илмий ва лойиҳа ишланмалари, илмий-тадқиқотчилик ишлари натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

## **2. «DESK-INVEST» корхонаси маркетинг бўлими фаолияти мазмуни**

Корхонанинг умумий мақсадлари асосида маркетинг бўлими мақсадлари ажратиб кўрсатилади. Маркетинг бўлимининг асосий мақсади, корхона бутун хўжалик фаолиятининг иқтисодий вазиятдаги ўзгаришларга қайишқоқлик билан мослашуви, истеъмолчилар талабларининг ҳисобга олиниши ва иқтисодий, режалаштириш, техник-ишлаб чиқариш, сотиш ва тадқиқотчилик тусидаги ишларнинг комплекс тарзда қўшиб олиб борилиши.

Маркетинг бўлими алоҳида тузилма қилиб ажратилган ва бевосита тижорат директориға бўйсунди. У барча бўлимлар билан баҳамжиҳат иш олиб боради ва қуйидаги функцияларни бажаради:

- Маркетинг фаолиятининг режалаштирилиши.

Маркетинг режаси корхонани ривожлантириш стратегияси асосида тузилади. Ана шу стратегия доирасида маркетинг бўлими олдиға асосий вазифа қўйилади. Ҳозирги пайтда бўлимнинг асосий вазифаси янги мижозларни жалб этиш, бирға ишлаётган мижозларни сақлаб туриш ва уларнинг яқинлигини оширишдан иборат. Корхона бу вазифани бажарадиган муддатлар ва молиялаштириш миқдорлари белгиланади. Шундан сўнг маркетинг бўлими асосий вазифани бирмунча кичикроқ вазифаларға тақсимлаб чиқади, уларни амалға оширишға доир тадбирлар ва умумий режани ишлаб чиқади, бу режада бўлғуси тадбирлардан кутиладиган натижа кўрсатилади. Маркетинг режаси корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

